

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

«Тасдиқлайман»

Минтақавий марказ директори

Ф.Т.Эсанбобоев

“\_\_\_” 2015 йил

**“ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ФАНИДАН ИННОВАЦИЯЛАРНИ ОЛИЙ  
ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА ТАТБИҚ ЭТИШ”  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ –УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Тузувчи: **А.Одилов**

**Тошкент – 2015**

## **Мундарижа**

ИШЧИ ДАСТУР.....	3
МАЬРУЗА МАТНЛАРИ.....	18
1– мавзу: Ўзбекистон тарихининг қадимги ва ўрта асрлар даври: амалга оширилган, илмий изланиш ва янгиликлар.....	18
1.1.Инновация тушунчаси ва унинг ижтимоий-гуманитар фанлардаги аҳамияти.....	18
1.2. Антропогенез, қадимги аҳоли ва давлатчилик масалаларига янги ёндошув.....	21
1.3.Илк ўрта асрлар ва IX-XII асрлардаги давлатлар тарихига оид янги тадқиқотлар .....	26
1.4. Амир Темур ва Темурийлар тарихининг ёритилиши. ....	27
1.5.XVI-XIX асрлар тарихига оид тадқиқотлар.....	30
2-мавзу. XIX аср охирлари – XX аср бошлари Ўзбекистон тарихи мустамлака даврини ёритишдаги инновациялар. ....	32
2.1.Ўрта Осиёнинг Россия империяси томонидан забт этилиши ҳамда мустамлака Туркистон тарихига оид янги тадқиқотлар.....	32
2.2 XIX аср охирлари – XX аср бошларида рўй берган озодлик ҳаракатларига янги ёндошув. ....	34
2.3. 1-жаҳон уруши йилларида Туркистон ўлкаси .....	36
3-мавзу. Совет даври тарихи: янги назарий-концептуал ёндашув.....	41
3.1.Совет даври тарихига янги ёндошув моҳияти .....	41
3.2.Қуролли қаршилик ҳаракати тарихи .....	42
3.3 Ўзбекистонда советлар томонидан амалга оширилган қатағонлик-зўравонлик сиёсатига оид тадқиқотлар.....	44
3.4 Советларнинг Ўзбекистонда юритган иқтисодий ва маданий-маърифий сиёсати, унинг мустамлакачилик моҳияти.....	49
4-мавзу. Мустақиллик йилларида мамлакат тарихининг ўрганилиши. ....	56
4.1 Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида тарих фани масалаларининг акс этиши.....	56
4.2 Мустақиллик йилларида амалга оширилган инновацион илмий-тадқиқот ишларининг таҳлили .....	58
4.3.Ўзбекистон тарихи фанидаги инновацияларни олий таълим ўқитиши тизимининг жорий этилишининг аҳамияти.....	66
ГЛОССАРИЙ.....	71

## ИШЧИ ДАСТУР

**Кириш.** Уч минг йиллик давлатчилик тарихи, бой маданият ва бебаҳо маънавиятига эга, инсоният тамаддуни тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларни вояга етказган ўзбек халқи ҳаётида истиқлол туб маънавий янгиланиш жабҳасини бошлаб берди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов раҳнамолигида ижтимоий – иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар боис Ўзбекистон XXI - асрға замонавий тараққиёт йўли билан кириб келди.

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда ўтмиш воқелиги, тарих фанига бўлган муносабат давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Мустабид тузум даврида сохталаштирилган ўтмиш воқелиги хусусида тарихийadolat қарор топди, тарихни илмий ва холисона ўрганиш имконияти юзага келди. Таълим тизимиға илк бора Ватан тарихи фани киритилди, миллатимиз қаҳрамонлари, олиму-уламо, саркарда, эл-юрт учун ҳаёти камарбаста бўлган буюк зотларнинг пок номлари ўтмиш зарварақаларидаги фахрли ўринларига қайтарилди. “Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази”, “Ўзбекистон ФА Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорлар, Республикализ Президенти И.Каримовнинг 1998 йил июнь ойидаги бир гуруҳ тарихчилар билан учрашуви, “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, “Юксак маънавият – енгилмас куч”, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” каби асарлари Ўзбекистон тарихини замонавий тарзда ўрганишнинг назарий – концептуал асосини шакллантиришга туртки бўлиб хизмат қилди.

XX асрнинг 80-йиллари охирларида собиқ советлар мамлакатида хукм сурган мураккаб ва таҳликали вазият давридаёқ Ўзбекистон раҳбари И.Каримов соҳа вакилларининг “Ўзбекистон тарихининг кўпгина саҳифаларини қайта битишлари” масала моҳиятига илмийлик ва холислик нуқтаи-назаридан баҳо бериш масаласини олға сурган эди.<sup>1</sup>

Маънавиятнинг ўзаги бўлмиш халқ хотираси, ўтмиш воқелигини англашга бўлган эҳтиёж йилдан-йилга ошиб бормоқда. Зоро, XXI-информацион

<sup>1</sup> И.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011, 91- бет.

технологиялар асри даврида инновацион ғоя ва ёндашувлар тарих фанига бўлган муносабатни янада юқори даражага кўтармоқда. Ҳозирги кунга келиб ижтимоий ҳаёт соҳасининг барча қатламларига инновация атамаси шиддат билан кириб келмоқда. Ўзбекистонда ушбу масалага катта аҳамият билан қаралмоқда. Мустақилликнинг дастлабки давриданоқ илм-фан соҳасига инновацияларни татбиқ этиш масаласига катта эътибор билан қаралди. 1992 йил 8 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг “Инновацион фаолият ва илм-фан ривожлантиришини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ти Фармонида таълим соҳаси, хусусан олий таълимда дастлабки инновацион ишланма, ғояларга кенг йўл очилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги” 2008 йил 15 июлдаги қарори барча соҳаларда инновацияларни тадбиқ этишни замонавий ишлаш жараёнининг узвий бўлагига айлантирди. Мамлакатимизда илм-фан соҳасига қаратилаётган юксак эътибор боис фан соҳасидаги кашфиётлар, замонавий инновацион технологияларга оид лойиҳа ва ишланмалар амалий ҳаёт борасида тобора кенг равишда ўз ўрнини топмоқда.

Таъкидлаш жоизки, фақат инновациялар, инновацион ғояларгина илм-фанни тараққий этишига таъсир қўрсатувчи муҳим омил ҳисобланади. Шунингдек, ҳозирги давр илм-фан ва таълим соҳасининг уйғунлашувини ҳам талаб қиласди.

**Модулнинг мақсади ва вазифалари.** Малака ошириш тингловчилари учун жамиятнинг ривожланиш қоидаларини изоҳлаш, оддийликдан мураккабликка, қуийдан юқорига қараб тараққиётнининг юксалишини англаш ва яхлит тасаввур ҳосил қилиш, шунингдек, жамият тараққиёти қонунларини таҳлил қила олиш кўниумасини шакллантириш.

## **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Ўзбекистон тарихи фанидан инновацияларни олий таълим тизимига татбиқ этиш” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

### **Тингловчи:**

- хуқуқий демократик давлат;
- жамият ривожини цивилизацион тушуниш;
- таълим-тарбия тушунчаси;
- таълим-тарбия тушунчаларининг турлари ҳақида **билимларга эга**

### **бўлиши;**

### **Тингловчи:**

- олий таълимда таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш мақсадининг миллий манфаатининг мазмун ва моҳиятини англаб этиш ҳамда мазкур жараёнда фаол иштирок этиш;
- миллий таълим-тарбия муаммолари ва уларнинг ривожланиш истиқболларини замон талаби нуқтаи назаридан тахлил қилиш;
- миллий таълим-тарбия жараёнига бугунги глобалашув ва ахборот асри саналмиш тезкор давр талабларидан келиб чиқиб, халқаро илғор тажрибаларни татбиқ этиш **кўникмаларини эгаллаши;**

### **Тингловчи:**

- таълим-тарбия жамият ривожининг муҳим омили эканлигини англаш;
- глобалашув ва ижтимоий маънавий ҳаётнинг ўзаро уйғунлигидан амалда тўғри фойдаланиш;
- таълим-тарбия жараёнидаги муаммоларни аниқлаш;
- таълим-тарбия жараёнига тааллуқли норматив-хуқуқий хужжатларни билиш;
- давлат раҳбари асарларининг моҳиятидан келиб чиқиб таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;

- давлатимиз раҳбарининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишлиланган маъruzalарида таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш билан боғлиқ вазифаларни амалиётга татбиқ этиш **малакаларини эгаллаши**;

### **Тингловчи:**

- ёш авлод тарбияси пойдеворини ҳаётий тажрибалар ва миллий менталитет асосига куриш ҳамда таълим-тарбия жараёнларини норматив-хукуқий хужжатлар асосида бошқариш **компетенцияларни эгаллаши лозим**.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

Мазкур модулнинг курси маъруза машғулотлари шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

**Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги.** Мазкур модулнинг мазмуни “Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари”, Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг мамалакатимиз раҳбарининг асарлари бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласди.

**Модулнинг олий таълимдаги ўрни.** Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар жамиятни юксалтириш ва таълим-тарбия масалаларига доир концептуал ғояларининг сиёсий ҳамда хукуқий асосларини ўрганиш, уларни

таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

**“Ўзбекистон тарихи фанидан инновацияларни олий таълим тизимига татбиқ этиш”**

**Модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					Мустақил таълим	
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			жумладан		
			Жами	Назарий	Амалий машнубот			
1.	Ўзбекистон тарихининг қадимги ва ўрта асрлар даври: амалга оширилган, илмий изланиш ва янгиликлар	8	6	4	4			
2.	XIX аср охирлари – XX аср бошлари Ўзбекистон тарихи мустамлака даврини ёритишдаги инновациялар	8	6	2	4	2		
3.	Совет даври тарихи: янгича назарий-концептуал ёндашув	6	6	2	4			
4.	Мустақиллик йилларида мамлакат тарихининг ўрганилиши	8	8	2	4	2		
	<b>Жами: 30 соат</b>	30	26	10	16	4		

## **НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1– мавзу: Ўзбекистон тарихининг қадимги ва ўрта асрлар даври: амалга оширилган, илмий изланиш ва янгиликлар. (4соат)**

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз тарих фанига бўлган муносабат. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов асарларида тарих фани долзарб масаларининг акс этиши. “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асари. Ўзбекистон худудидаги қадимги давлат уюшмалари. Давлатчилик. Шаҳарсозлик. Масаланинг тарихшунослиги ва долзарб муаммолари. Ўзбекистон - инсоният цивилизацияси ўчоқларидан бири Селенгур. “Фергантроп”. Обираҳмат ёдгорлиги. Ўрта асрлар тарихи манбашунослиги ва тарихшунослиги. XI-XII ва XV-XVI асрлар тарихи бўйича янгича ёндашув ва изланишлар. Тарихий манбалар таҳлили.

### **2-мавзу. XIX аср охирлари – XX аср бошлари Ўзбекистон тарихи мустамлака даврини ёритишдаги инновациялар. (2 соат)**

XIX аср II-ярми XX аср бошларида Ўрта Осиё худудида кечган ижтимоий-сиёсий жараёнлар. Туркистон ўлкаси Россия империяси босқичи даврида. Масалага янгича ёндашув. Озодлик ҳаракатлари. Абдумалик тўра бошчилигидаги халқ-озодлик ҳаракати. Империя мустамлака сиёсати моҳияти. Мустақиллик йилларида масалага оид изланишлар. Чоп этилган илмий адабиётларда масаланинг акс этиши.

### **3-мавзу. Совет даври тарихи: янгича назарий-концептуал ёндашув. (2 соат)**

Масала тарихшунослиги. Совет даври тарихига нисбатан янгича назарий-концептуал ёндашув. Мустақиллик йилларида ушбу даврнинг ўрганилиши. Президент И.Каримов асарларида мустабид совет даврининг холис баҳоланиши. “Юксак маънавият – енгилмас куч”, “Ўзбекистон мустақилликка

эришиш остонасида” асарлари мавзу юзасидан муҳим тарихий-методологик манба. XX аср 20-30-йилларининг ўрганилиши. Мустабид совет тузуми моҳияти. Тарихий демографик ҳолат, инқирозий вазият, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳадаги қарамлик. XX аср 80-йилларининг ўрганилиши. Воқелик ва жараёнларга замонавий, холис ва илмий баҳо берилиши.

#### **4-мавзу. Мустақиллик йилларида мамлакат тарихининг ўрганилиши.**

**(4 соат)**

Мустақиллик йилларида тарих фани. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов - Ватан тарихини ўрганиш ва ўрганилиши ҳусусида. Президент И.Каримовнинг Самарқанддаги (2014 йил 15-16 май) халқаро илмий анжуманда ҳамда Олий Мажлис I-ташкилий йифилишдаги (2015 йил 12 январь) нутқи.Тарих – маънавият асоси.Гуманитар фанларда инновациялар.Тарих фанидаги инновациялар ва унинг моҳияти.Инновацион фаолиятнинг ривожлантирилиши.Ватан тарихидан инновациялар ва унинг олий таълим тизимиға татбиқ этилиши.Унинг аҳамияти.Масаланинг долзарб жиҳатлари.Фан ва таълим уйғунлиги

### **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

#### **1-мавзу. Ўзбекистон тарихининг қадимги ва ўрта асрлар даври: амалга оширилган, илмий изланиш ва янгиликлар(4 соат)**

Режа:

- 1.Антропогенез жараёни ҳусусида янгича қарашлар
- 2.Қадимги аҳоли ва давлатчилик масалаларининг ёритилиши
- 3.Илк ўрта асрлар ва IX-XII асрлардаги давлатлар тарихига оид янгича қарашлар
4. XV-XIX асрлар тарихига оид янги тадқиқотлар.

**2-мавзу. XIX аср охирлари – XX аср бошлари Ўзбекистон тарихи  
мустамлака даврини ёритишдаги инновациялар. (4 соат)**

**Режа:**

- 1) Мустамлака Туркистон тарихига оид янги тадқиқотлар.
- 2) XX аср бошлари ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётига оид янгиликлар.

**3-мавзу. Совет даври тарихи: янгича назарий-концептуал ёндашув.**

**(4 соат)**

**Режа:**

1. Совет мустабид тузумига қарши қуролли қаршилик ҳаракати.
2. 20-30 йиллардаги ижтимоий - иқтисодий муносабатлар.
3. Ўзбекистонда амалга оширилган қатағонлик-зўравонлик сиёсати.
4. Советларнинг Ўзбекистонда юритган иқтисодий ва маданий-маърифий сиёсати, унинг мустамлакачилик моҳияти.

**4-мавзу. Мустақиллик йилларида мамлакат тарихининг ўрганилиши.**

**(4 соат)**

**Режа:**

**1-машғулот.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида тарих фани масалаларининг акс этиши.
2. Ўзбекистон тарихига оид Президент ва ҳукумат қарорлари.

**2-машғулот.**

1. Мустақиллик йилларида тарихий манбаларнинг таржима қилиниши.
2. Ўзбекистон тарихи фанидаги инновацияларни олий таълим ўқитиши тизимининг жорий этилиши.

**Дарснинг ахборот-услубий таъминоти**

Дарс давомида мавзуни тўлиқ ўзлаштириш учун малака ошириш тингловчилари билан интерфаол педагогик технологиялар қўлланилади. Мавзу

борасида талабаларга видеослайд, кўргазмали воситалар, тарқатма материаллар, монологлар, овозли видеороликлар тақдим этилади.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Раҳбарий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2011.
- Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999.
3. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон турмуш-пировард мақсадимиз. Т.8.. -Т.: Ўзбекистон, 2000.
4. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. -Т.: Ўзбекистон, 2001.
5. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. –Т.: Ўзбекистон. 2002.
6. Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. -Т.: Ўзбекистон, 2003.
7. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. -Т.: Ўзбекистон, 2004.
8. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Том. 15. – Т.: Ўзбекистон, 2007.
9. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий тимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Том 16. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
10. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиздир. Том 17.Т.: Ўзбекистон, 2009.

11. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.
12. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Т.: Ўзбекистон, 2010.
13. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.–Т.: Ўзбекистон, 2011.
14. Каримов И.А Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т.: Ўзбекистон, 2015

## **II. Махсус адабиётлар**

1. Муртазаева Р.Х. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. Дарслик.-Тошкент. 2003.
2. Муртазаева Р.Х. и др. История Узбекистана (Учебник для вузов). – Ташкент: Фан ва технология, 2011.
3. Муртазаева Р.Х. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. – Тошкент. Академия, 2010.
4. O’zbekiston tarixi. Darslik. – Toshkent, 2005.
5. Б.Эшов Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2012.
6. С.Махкамов, А.Одилов. Ўзбекистон тарихи фанидан маъruzalар технологик хариталари. – Тошкент: Фан ва технология, 2012.
7. Ўзбекистон тарихи фанидаги инновациялар. Илмий тўплам. Тошкент, 2012

## **Қўшимча адабиётлар:**

1. Абулғозий. Шажарайи турк. -Т.: “Чўлпон”, 1992.
2. “Авесто”. “Яшт” китоби. Ўзбек тилига М. Исҳоқов илмий-изоҳли таржималари. -Т.: “Шарқ”, 2001.
3. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи.-Т.: “Шарқ”, 2000.
4. Алимова Д.А. История как история, история как наука. Том. 1, 2. – Т.:
5. “Узбекистан”, 2008.
6. Алимова Д.А., Глованов А.А. Узбекистан в 1917-1990 годы: противоборство идей и идеологий. – Ташкент, 2002.

7. Ата-Мирзаев О.Б., Гентшке В.Л., Муртазаева Р.Х. Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана. Ташкент, «Университет», 2002. 13,8 п.л.
8. Ата-Мирзаев О.Б., Гентшке В.Л., Муртазаева Р.Х. Межнациональная толерантность в Узбекистане: история и современность. 2004. 18,9 п.л. В соавторстве.
9. Ата-Мирзаев О.Б., Гентшке В.Л., Муртазаева Р.Х. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. –Т., Университет, 1998. 192 с.
10. Аъзамхўжаев С. Туркистан мухторияти.-Т.: “Маънавият”, 2000.
11. Амир Темур Кўрагон. Зафар йўли. -Т.: “Нур”, 1992.
12. Аҳмедов Б. Соҳибқирон Темур (ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти). - Т.: “Фан”, 1996.
13. Аҳмедов Б. Ўзбек улуси. –Т.: “Мерос”, 1992.
14. Буниётов З. Ануштегин Хоразмшоҳлар давлати (1097-1231). -Т.: “Ғафур Ғулом”, 1998.
15. Бозоров О. 1989 йилдаги Фарғона фожеаси: унинг сабаб ва оқибатлари. – Т.: Фан, 2010. –Б. 85.
16. Ерметов А.А. Туркистан назорат органлари фаолияти “Abu matbuot Konsalt” Т., 2007.
17. Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. –Т.: “Университет”, 1999.
18. Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. - Т.: “Шарқ”, 1998.
19. Зиёев Ҳ. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи - Т., “Шарқ”, 2001.
20. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. -Т.: “Ўзбекистон”, 2001.
21. Маънавият юлдузлари. –Т.: “Мерос”, 2001.

22. Махкамова Н. Социальная структура общества на территории Узбекистана: традиции и трансформации (конец XIX в. – 30-е годы XX в.). –Т.: «Aloqachi», 2009. –С 236.
23. Мирзо Улугбек. Тўрт улус тарихи. -Т.: “Чўлпон”, 1994.
24. Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғати. -Т.: “Шарқ”, 2009.
25. Муҳаммаджонов А. Темур ва темурийлар даври. –Т.: “Фан”, 1996.
26. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. -Т.: “Фан”, 1993.
27. Муртазаева Р.Х. Толерантность как интегрирующий фактор в многонациональном Узбекистане. Т.: Узбекистан, 2010.
28. Муртазаева Р.Х. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик. –Т., “Университет”, 2007. 184 б.
29. Насимхон Р. Турк хоқонлиги. –Т.: “Мерос”, 1993.
30. Низомул мулк. Сиёсатнома. –Т.: “Адолат”, 1997.
31. Огахий Мухаммадризо. Шоҳид ул-иқбол. –Т., 2009.
32. Полвонов Н., Қўшжонов О. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар. –Т., “Abu matbuot consalt”, 2007. 24 б.т.
33. Полвонов Н.Т. Ўзбекистонда ижтимоий ҳаракатлар ва сиёсий партия тарихи (Хоразм мисолида). –Т., “Университет”, 2007, 5,75 б.т.
34. Полвонов Н.Т. Хоразмдаги ижтимоий ҳаракатлар ва сиёсий партиялар тарихи (1900-1924). –Т.: «Akademnashr», 2011. –Б.108.
35. Полвонов Н.Т. История социальных движений и политических партий Хорезма (1900-1924). –Т.: «Akademnashr», 2011. –С.105.
36. Расулов А. Туркистан ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар (1917-1924 йй.). – Тошкент. Университет, 2005. – Б. 199.
37. Саъдуллаев А. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. –Т.: “Университет”, 2004.
38. Саъдуллаев А. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. –Т.: “Академия”, 2000.
39. Темур тузуклари. -Т.: “Ғафур Ғулом”, 1991.
40. Темур ва Улугбек даври тарихи. –Т.: қомуслар бош таҳририяти, 1996.

41. Усмонов К. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви. – Т.: “Молия”, 2003.
42. Шарафиддинов О. Истиқлол фидоийлари. –Т.: “Чўлпон”, 1993.
43. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. -Т., “Фан”, 2001.
44. Шарифхўжаев М., Раҳимов Ф. Даврни белгилар берган инсон. –Т.: “Шарқ”, 2004.
45. Шихобиддин Муҳаммад ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилотлари. –Т.: “Ёзувчи”, 1999.
46. Эшов Б.Ж. Ўрта Осиё қадимги шаҳарлари тарихи. Ўқув қўлланма.- Тошкент, 2006.
47. Эшов Б.Ж. Цивилизация тизимида илк шаҳарлар. Тошкент, “Zar qalam”, 2004.
48. Эшов Б.Ж. Қадимги Ўрта Осиё шаҳарлари тарихи. Дарслик. –Т., “Fan va texnologiya”, 2008.
49. Эшов Б. Қадимги давлатчилик ва урбанизация (тарихий лавҳалар). –Т.: «Mumtoz so’z», 2010. –Б.108.
50. Шомий Низомиддин. Зафарнома. -Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
51. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. -Т.: “Юлдузча”, 1990.
52. Юнусова Х.Э. Ўзбекистонда совет давлатининг миллий сиёсати ва унинг оқибатлари (XX аср 80-йиллари мисолида). –Т., “Zar qalam”, 2005. 7, 75.
53. Юнусова Х.Э. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва маънавий жараёнлар (XX аср 80-йиллари мисолида). –Т., “Abu matbuot-konsalt”, 2009.
54. Яздий Ш. Зафарнома. –Т.: “Шарқ”, 1997.
55. Ўзбекистон тарихи. Дарслик. –Т.: ЎАЖБНТ, 2003.
56. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлақачилиги даврида. -Т.: “Шарқ”, 2000.
57. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлақачилиги даврида. -Т.: “Шарқ”, 2000.
58. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. -Т.: “Шарқ”, 2000.

59. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари -Т.: “Шарқ”, 2001.
60. Ўзбекистон Республикаси: Мустақил давлатнинг бунёд бўлиши. -Т.: “Ўзбекистон”, 1992.
61. Қорақалпоғистон тарихи (1917-1994 йй.). “Нукус”, 1995.
62. Қурбонов И. Қатағон қурбонлари. –Т.: “Ўзбекистон”, 1992.
63. Ҳасаний М. Туркистон босқини. –Т.: “Нур”, 1992.
64. Ҳайдаров М., Ражабов К. Туркистон тарихи. –Т., “Университет”, 2002.
65. Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи (1917-1991 йй.). –Т.: «АБУМАТВОУТ KONSALT». 2008. –Б. 208.
66. Хожаниёзов F. Қадимги Хоразм мудофаа ишшоотлари (мил.авв. VI асрдан IV асргача). –Т., 2007.
67. Худойберганов Қ. Хива хонлари тарихидан. –Т., 2007.
68. Холиқова Р. Россия-Бухоро: тарих чорраҳасида (XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошлари). – Тошкент. 2005. – Б. 240.
69. Абулқосим Фирдавсий. Шоҳнома. Уч жилдлик. -Т.: “ғафур ғулом”, 1984.
70. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. -Т.: “Фан”, 1993.
71. Абу Райхон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. 1 жилд. -Т.: “Фан”, 1968.
72. Алиев А. Маҳмудхўжа Беҳбудий. -Т.: “Ёзувчи”, 1994.
73. Амир Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. -Т.: “Фан”, 1991.
74. Асқаров А. Энг қадимий шаҳар. -Т.: “Маънавият”, 2001.
75. Бобобеков Ҳ.Н. Қўқон тарихи. -Т.: “Фан”, 1996.
76. Бобур З.М. Бобурнома. -Т.: “Фан”, 1960.
77. Валихўжаев Б. Хўжа Ахрор тарихи. -Т.: “Ёзувчи”, 1994.
78. Ватан туйғуси. -Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
79. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Икки жилдлик. -Т.: “Меҳнат”, 1992.
80. Ипак йўли афсоналари. -Т.: “Фан”, 1993.
81. Йўлдошев Н. Баҳовуддин Нақшбанд. “Бухоро”, 1993.
82. Муҳаммаджонов А. Қадимги Тошкент. -Т.: “Фан”, 1988.

83. Муҳаммаджонов А. Қадимги Бухоро. -Т.: “Фан”, 1991.
84. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.1-12. –Т.: ЎзМЭ давлат илмий нашриёти, 2000-2006.
85. Ҳасан Ато Абуший. Туркий қавмлар тарихи. -Т.: “Чўлпон”, 1993.

### **Интернет маълумотлари**

1. www.edu.uz.
2. www.ziyo.net.uz.
3. www.ec.edu.uz.

## **МАРГУЗА МАТНЛАРИ**

### **1– мавзу: Ўзбекистон тарихининг қадимги ва ўрта асрлар даври: амалга оширилган, илмий изланиш ва янгиликлар РЕЖА:**

1. Инновация тушунчаси ва унинг ижтимоий-гуманитар фанлардаги аҳамияти.
2. Антропогенез, қадимги аҳоли ва давлатчилик масалаларига янги ёндошув
3. Илк ўрта асрлар ва IX-XII асрлардаги давлатлар тарихига оид янги тадқиқотлар
4. Амир Темур ва Темурийлар тарихининг ёритилиши.
5. XVI-XIX асрлар тарихига оид тадқиқотлар

*Калим сўзлар: инновация, илмий тадқиқот, тарих, антропогенез, аҳоли, давлат, қадимги, ўрта асрлар, фергантроп, «Авесто», шахарсозлик, “Буюк ипак ўйли”, туркий – сүжд симбиози, Амир Темур ва Темурийлар, хонликлар.*

#### **1.1.Инновация тушунчаси ва унинг ижтимоий-гуманитар фанлардаги аҳамияти.**

Мустақиллик йилларида тарихчи олимлар томонидан катта аҳамиятга молик илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилди, долзарб мавзуларни ўз ичига олган қўплаб номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди, қатор илмий адабиёт, монографиялар нашр юзини кўрди, фан юзасидан тегишли муаммоларни қамраб олган, республика ва халқаро миқёсидаги илмий анжуманлар ташкил қилинди, дунёning нуфузли ва етакчи илмий марказлари билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди, замонавий талабларга асосланган қатор янги авлод ўқув адабиётлари чоп этилди. Мазкур ўзгариш ва янгиликларни қўйида олинган аниқ далил ва мулоҳазалар баёни орқали таҳлил этиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Археолог ва антрополог олимлар томонидан ибтидоий жамоа тузуми даври юзасидан қатор изланишлар амалга оширилди. Фарғона водийсидаги қадимийлик даражаси 1 млн. йил бўлмиш Селенғур ғоридан топилган палеолит даврига оид “фергантроп” одами қолдиқларининг

ўрганилиши ҳамда 2003 йили ўзбек археологларининг халқаро экспедиция билан ҳамкорликда олиб борган тадқиқотлари натижасида Обираҳмат манзилгоҳидан топилган қадимги тош даврига оид инсон қолдиқлари Ўзбекистон – инсоният пайдо бўлган худудлардан бири бўлганлигини тўлақонли равишда исбот қилди. Шунингдек, ўзбек давлатчилигининг юзага келиши ва шаклланиши, қадимги Хоразм, Бақтрия, Сўғд давлатлари тарихи юзасидан эътиборга молик тадқиқотлар амалга оширилди. Ўтмиш аждодларимиз томонидан яратилган муҳим тарихий манба бўлмиш – “Авесто” китобининг ватани Хоразм воҳаси эканлиги исбот қилинди. Мамлакатимиз ҳудуди қадимданоқ Шарқ ва Ғарб савдо-иктисодий муносабатлари туташган, турли маданиятлар уйғунлашган жой ҳисобланган. Заҳматкаш ва меҳнатсевар, туб жой ўтроқ аҳоли томонидан Узунқир, Бандиҳон, Ерқўргон, Афросиёб, Тупроққалъа ва бошқа кўплаб илк шаҳарсозлик маданияти асносида кейинчалик кўплаб маълум ва машхур шаҳарлар вужудга келди. Мустақиллик йилларида таваллуд ёшлари минг йилликларга бориб тақалувчи, жаҳон ва шарқ цивилизацияси тараққиётига катта ҳисса қўшган Самарқанд (2750 йил), Шахрисабз (2700 йил), Қарши (2700 йил), Термиз (2500 йил), Хива (2500 йил), Бухоро (2500 йил), Тошкент (2200 йил), Марғilon (2000 йил) шаҳарларининг юбилейларини кенг нишонланишида тарихчи, археолог, шарқшунос олимларимиз томонидан амалга оширилган тадқиқотларнинг самараси юқори даражада бўлди. Истиқлол йилларида Шарқ ва Ғарб ўртасида савдо-иктисодий ва маданий кўприк вазифасини ўтаган “Буюк ипак йўли” тарихи илк бора тадқиқ этилди. Маънавиятнинг ўзаги бўлмиш халқ хотираси, ўтмиш воқелигини англашга бўлган эҳтиёж йилдан-йилга ошиб бормоқда. Зеро, XXI-информацион технологиялар асри даврида инновацион ғоя ва ёндашувлар тарих фанига бўлган муносабатни янада юқори даражага қўтармоқда. Ҳозирги кунга келиб ижтимоий ҳаёт соҳасининг барча қатламларига инновация атамаси шиддат билан кириб келмоқда. Ўзбекистонда ушбу масалага катта аҳамият билан қаралмоқда. Мустақилликнинг дастлабки давриданоқ илм-фан соҳасига инновацияларни татбиқ этиш масаласига катта эътибор билан қаралди. 1992

йил 8 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг “Инновацион фаолият ва илм-фан ривожлантиришини давлат томонидан қўллаб-кувватлаш тўғрисида”ги Фармонида таълим соҳаси, хусусан олий таълимда дастлабки инновацион ишланма, ғояларга кенг йўл очилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги” 2008 йил 15 июлдаги қарори барча соҳаларда инновацияларни тадбиқ этишни замонавий ишлаш жараёнининг узвий бўлагига айлантирди. Мамлакатимизда илм-фан соҳасига қаратилаётган юксак эътибор боис фан соҳасидаги кашфиётлар, замонавий инновацион технологияларга оид лойиҳа ва ишланмалар амалий ҳаёт борасида тобора кенг равишда ўз ўрнини топмоқда.

Таъкидлаш жоизки, фақат инновациялар, инновацион ғояларгина илм-фани тарақкий этишига таъсир кўрсатувчи муҳим омил ҳисобланади. Шунингдек, ҳозирги давр илм-фан ва таълим соҳасининг уйғунлашувини ҳам талаб қиласди. Кези келганда қайд этиш лозимки, таълим тизимининг сифат жихатидан такомиллашуви учун аввало илм-фан янгиликлари, инновацияларни ўзида жо этиши зарур. Юқорида билдирилган мулоҳазалар замонавий шароитда тарих фанидаги инновация, янгиликларни ўрганиш ҳамда бир жойга жам этиш, илмий жамоатчилик апробациясидан ўтган тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш заруриятини келтириб чиқаради. Ўзбекистон Миллий университети “Ўзбекистон тарихи” кафедраси жамоаси тарих фанидаги инновациялар билан кенг жамоатчиликни таништириш, уни амалиётга татбиқ этиш, ёш тадқиқчиларни илм-фан йўлига янада кенгрок сафарбар этиш мақсадида юқорида қайд қилинган масалани ўз ичига қамраб олган илмий тўплам чоп этишга қарор қиласди. Тўплам ўз ичига мамлакатимиз тарихининг турли даврларига оид кўплаб воқелик, жараёнларни қамраб олган.

Тўпламга мақолалари киритилган муаллифлар ўз ишларида тегишли тадқиқот хулосалари билан чиқиб, ўзлари баён этган масала моҳиятининг янгича ечимини кўрсатганлар.

Ушбу тўплам ўз ичига замонавий ўзбек тарихшунослигига олиб борилган кўплаб тадқиқот, изланишлар ҳосиласини ижодий равишда қамраб олган. Таъкидлаш жоизки, тўплам шу йўналишдаги ишларнинг дебочаси бўлиб, унда фақат айрим муаллифларнинг инновациялари мужассам бўлган.

## **1.2. Антропогенез, қадимги аҳоли ва давлатчилик масалаларига янгича ёндошув**

Қадимги ва ўрта асрлар тарихини ўрганишда шунингдек, тарихий манбаларни таржима қилиш, таҳлил этиш, нумизматик материаллар баёни ҳам катта роль ўйнади. Ўзбекистон тарихининг воқелик ва жараёнларга бой бўлмиш ўрта асрлар даври тарихи бўйича ҳам кўплаб аҳамиятга молик ишлар амалга оширилганлигини таъкидлаш жоиз. Шарқшунос олимлар томонидан шу даврга оид қатор тарихий манбалар таржима қилинди. Ўрта асрлар давлатчилиги ва давлат бошқаруви, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар хусусида илмий изланишлар амалга оширилди. Хусусан, туркий ҳоқонлик даври тарихи, туркий – суғд симбиози, кам ўрганилган қорахонийлар, қорахитойлар тарихи масаласи атрофича ва чуқур ёритилди. Ўзбек халқининг этногенези масаласи бўйича тегишли тадқиқот ишлари амалга оширилди, кўплаб жараёнларга аниқликлар киритилди. Фанда инсониятнинг пайдо бўлиши жуда мураккаб масала бўлиб, бу жараён асосан археологик ва антропологик маълумотлар бўйича ўрганилади. Аммо, инсоният пайдо бўлишининг афсоналар, ривоятлар, илоҳиёт ва коинот билан баглиқ бўлган назариялари ҳам мавжуддир. Мисол учун, якка худоликни тарғиб этган барча диний таълимотларда инсоннинг пайдо бўлиши ёки яратилиши илоҳиёт билан боғланади. Хусусан, “Библия” таълимотига қўра, одамзот худо томнидан 7 минг йил илгари “қизил лойдан” яратилган. Муқаддас Куръони Каримда эса одамнинг лойдан яратилиб Оллоҳнинг иродаси билан унга жон ато этилгани таъкидланади. Зардуштийлик динида ҳам шунга ўхшаш ривоятлар мавжуд. Инсониятнинг ilk вакиллари сифатида “Библия”да Адам ва Ева, Куръони Каримда Одам ато ва Момо ҳаво, зардўштийликда эса Ийим номлари келтирилади. Ундан ташқари Европа олимларининг инсоният

қандайдир кичик мавжудотлар (бактериялар)дан пайдо бўлганлиги ёки коинотдан тушган одам қиёфасидаги жонзотлар ҳақидаги назариялари ҳам бор.

Дунёвий фанлар, хусусан тарих фани юқоридаги ғоя ва назарияларни, ҳатто ҳозирги пайтдаги гепотезалар – қўринмас одам ёки коинотдаги одамлар кабиларни инкор этмаган ҳолда антропогенез жараёнини илм-фан ютуқларида эришилган натижаларнинг далилларга асосланиб ўрганади. Тарих фанида инсоният табиатнинг бир қисми бўлиб, у ердаги тараққиётнинг маълум босқичида вужудга келиб узлуксиз изланиш ва меҳнат туфайли такомиллашиб борганлиги ҳақидаги хulosалар қолган барча назариялар ҳамда ривоятлардан устунлик қиласди. Фанда одамнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш жараёни антропогенез (юононча “антропос” – одам, “генезис” - ривожланиш) деб аталади.

Илмий адабиётларда антропогенез жараёни қўйидаги тўртта босқичга бўлиб ўрганилади:

1. Одамнинг илк аждодлари.
2. Энг қадимги одамлар.
3. Қадимги одамлар.
4. Ҳозирги қиёфадаги одамлар.

Одамнинг ҳайвонот дунёсидаги аждодлар билан боғлиқлиги ҳақидаги ғоя инглиз олимни Ч.Дарвинга тегишли бўлиб, унинг назарияси бўйича, инсоннинг ҳайвонот дунёсида ажралиб чиқишидаги асосий омиллар – табиий сараланиш ва жинсий танланишdir. Жамиятшунос олимлар бу жараёнда меҳнатнинг роли

---

юксак бўлганлиги ҳам таъкидлайдилар.



Инглиз олимлари ота-бала Ликилар ўтган асрнинг 50-60-йилларида Шарқий Африкада (Олдувой дарасида) қазиашма ишлари олиб бориб оддий тош қуроллар ва қазилма одам қолдиқларини топиб, улар бундан 3-3,5млн. йил илгари мавжуд булган деган ғояни илгари сурдилар.

Фанда энг қадимги одамлар австралопитек, зинжантроп, питекантроп ва синантроплар деб аталади. Олимлар уларни *Homo habilis* – хомохабилис – “ишбилармон одамлар” турига киритган. Австралопитек (лотинча “аустралис”

– жанубий, “питиекос” – маймун, жануб маймуни)лар бундан 6-5 миллион йил илгари шаклланганлар.



Танзаниянинг Зинж қишлоғи яқинидан топилган энг қадимги одамлар зинжантроп деб номлаган, улар **Австралопитек** бундан 2-1,5 миллион йил илгари яшаганлар.

Зинжантроплардан кейинги даврда яшаган қазилма одамлар қолдиқлари Индонезиядаги Ява оролидан XIX асрнинг охирларида топилган бўлиб фанда уларни “Питекантроп” (“Маймун - одам”) деб аташ расм бўлган. Питекантроплар бундан тахминан 1 млн. - 700-600 минг йил илгари (Э.Дюбуа) яшаганлари аниқланган. Шунингдек, 1927 йилда Хитой ҳудудларидан топилган (Д.Блек) қадимги одам қолдиқлари (“Синантроп” - **Синантроп** “Хитой одами”) бундан 600-500 минг йил илгариги даврга оидлиги аниқланган. Ундан ташқари энг қадимги қазилма одам қолдиқлари Германиянинг Гейделберг, Венгриянинг Будапешт шаҳри яқинидан ҳам топилган. Олимлар питекантроп ва синантропларни *Homo erectus* (хомоэректус), яъни, тик юрувчи одам турига киритадилар.

Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, зинжантроп, питекантроп, синатроплар энг қадимги одамлар шаклланиб ривожланишининг турли тарихий босқичларидир. Бу турдаги қадимги одамлар гавдаларини тик тутиб юрганлар ва тошдан турли меҳнат қуроллари ясад улардан фойдалана билганлар. Қурол ясай билиши, ўсимлик илдизлари ва меваларни истеъмол қилишда шу қуроллардан фойдаланиши, шунингдек, айрим ҳайвонларни овлаши қадимги одамларни ҳайвонот оламидан ажратиб турган.



Архантроплар – энг қадимги одамсимон маймунларнинг одамга айланиши жараёнидаги оралиқ мавжудотлар бўлиб, уларда маймун ва одамнинг белгилари мужассамлашган. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, “Архантроп”лар (қадимги


одамлар) энг қадимги одамлардан фарқланиб, улар замонамиздан 100-50 минг йил кейин яшаганлар.

Қадимги одамларнинг қазилма қолдиқлари даставвал Германиянинг Неандертал водийсидан топилганлиги сабабли фанда уларни “Неандертал одами” деб номлаш қабул қилинган. Неандертал қиёфадаги одамларнинг суяқ қолдиқлари бугунги кунга қадар Африка, Ўрта Ер денгизи қиргоқлари, Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари худудларидан, Қора денгиз бўйларидан, Шимолий Европа ҳамда Осиё ерларидан кўплаб топилган. Бу қиёфадаги одамлар жисмоний жиҳатдан нисбатан анча бақувват бўлиб, 25-26 йил умр қўрган. Улар **Неандертал одами** тошлан хилма-хил қуроллар ясашни билганлар.

Неандерталларнинг ташқи қиёфаси, гавда тутиш ва фикрлашида ҳайвонотга хос бўлган белгилар сақланиб қолган бўлиб, уларнинг бош мияси у қадар ривожланмаган. Лекин замонавий қиёфадаги одамга анча яқинлашиб қолган эдилар.

1968 йилда тадқиқотчилар Франциянинг Тордони вилояти, Кроманьон горидан 5 та одам дағн этилган мозорни очиб ўрганадилар. Тадқиқотлардан шу нарса маълум бўлдики, бу ерда баланд бўйли (180 см), ташқи кўриниши ва қиёфаси, мия ҳамжи замонавий одамларга ўхшаш одамлар дағн этилган. Олимлар ғордан топилган одамлар қолдиқларини ғор номи билан “кроманьон одами”, яъни *Homo sapiens* (Хомосапиенс – ақл-идроқи одам) деб атадилар. Замонавий одам қолдиқлари бугунги кунда ер юзининг юздан зиёд маконларидан очиб ўрганилган. Таъкидлаш лозимки, кроманьон одами замонасига келиб дастлабки аждодларимизнинг биологик ва жисмоний қиёфаси ҳозирги замон одамидан фарқ қилмайдиган даражада эди. Кроманьонлар даври уруғчилик жамоаси даври эди.

## Жамият тараққиётинин цивилизацион кўриниши.



Энг қадимги одамлар ўзларининг ривожланиш босқичларида меҳнат қуролларининг турларини кўпайтириб ва сифатини яхшилаб борганлар.

Натижада уларнинг турмуш тарзида, жисмоний кўринишида ўзгаришлар бўлиб борган. Шунингдек, мия ҳажми ҳам ўзгариб борган. Ўрта тош асидаги турли сабабларга кўра, биринчи навбатда тинимсиз меҳнат жараёнида инсон тафаккурининг ривожланиши натижасида неандертал қиёфасидаги одамлар ҳозирги қиёфали одамларга айлана бордилар. Улар жисмоний ва ақлий жиҳатдан камол топиб, ҳозирги қиёфадаги кишилар вужудга келди ва шу билан антропогенез жараёни ниҳоясига етди. Одамнинг пайдо бўлиши ердаги энг буюк ҳодисалардан бири бўлиб, у дастлаб тошдан оддий тўқмоқ ясаган бўлса, узлуксиз меҳнат, тинимсиз интилиш натижасида юксак маданият яратиш даажасига етиб келди.

Антропогенез жараёнида меҳнатнинг ўзгартирувчанлик моҳиятини археологияга оид турли-туман манбалар тасдиқлайди. Турли даврларга оид моддий маданиятнинг алмашиши ҳамда янги асосларда ривожланиши моддий манбаларнинг ташки кўринишидан ҳам аниқланади. Кўп минг йиллар давомида ривожланган тарихий жараёнлар - одам ва жамият тараққиётида асосий, бош мезон меҳнат эканлигидан далолат беради.

### **1.3.Илк ўрта асрлар ва IX-XII асрлардаги давлатлар тарихига оид янги тадқиқотлар**

Мовароуннаҳр замини ўрта аср мусулмон шарқида маърифат ва маданият масканни сифатида донг таратган ўлка ҳисобланган. Юртимиздан етишиб чиққан ал-Хоразмий, ал-Фаргоний, ал-Фаробий, ибн Сино, Беруний, Замахшарий ва бошқа буюк аллома, қомусий олимларнинг илмий мероси ҳақли равища умумбашарий мулкка айланган. Собиқ совет даврида ушбу олимларнинг илмий меросига бир томонлама муносабат шаклланган бўлса, мустақиллик йилларига келиб ушбу буюк зотлар фаолияти ва илмий мероси ҳар томонлама чуқур ўрганилиши бошланди. Ўлкамиз шунингдек, ислом дини тараққиётiga улкан ҳисса қўшган муҳаддис, диншунос олимлар, тасаввуф илми намоёндалари юрти ҳам ҳисобланади. Совет мустабид даврида номи унут даражасига келиб қолган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Ҳаким ат-Термизий, Имом ал-Мотурудий, Абдулҳолик Ғиждувоний, Бурхониддин Марғиноний, Баҳовуддин

Нақшбанд, Қаффол Шоший, Хожа Ахрор ва бошқа диний арбобларнинг табаррук номларини тиклаш, уларнинг асарларини кенг жамоатчиликка, халқимизга таништиришда айнан шарқшунос-тариҳчи олимларнинг ҳиссаси катта бўлди. Зеро аждодларимиз муқаддас дини бўлмиш исломнинг том маънодаги эзгулик ҳамда камолотга эришиш йўлидаги буюк маънавий қудратини намоён этишда юқорида номи зикр этилган олимлар катта жонбозлик кўрсатиши. Алоҳида олинган давлат арбоблари ва саркардалар фаолияти ҳақида сўз кетганди Жалолиддин Мангубердини алоҳида таъкидлаш лозим. Айнан мустақиллик йилларида номи тарих зарварақаларига қайтарилган ушбу буюк саркарданинг фаолияти тўғрисида қатор адабиётлар нашр этилди. Унинг 800 йиллик таваллуд ёшига бағишлиланган 1998 йилги халқаро анжуманида қайд этилганидек, Жалолиддин Мангубердининг фаолияти, Ватан озодлиги йўлидаги мashaққатли ҳаракатлари қатор Шарқ мамлакатлари тарихшунослигида ҳам ўз ўрнини топган. Мазкур даврга оид муҳим тарихий манба бўлмиш тарихчи ан-Насавийнинг “Жалолиддин Мангубердининг ҳаёт фаолияти” асарини ҳамда машхур шарқшунос олим З.Бунёдовнинг мавзуга оид китобини ўзбек тилига таржима қилиниши тадқиқотчилар учун катта изланишлар имкониятини яратди.

#### **1.4. Амир Темур ва Темурийлар тарихининг ёритилиши.**

Мустақиллик йилларида ўзбек тарихшунослигида рўй берган энг муҳим ўзгариш, яъни тарихий адолатни қарор топиши – бу буюк Соҳибқирон Амир Темур пок номини тикланиши бўлди. Юртбошимиз таърифи билан айтганда “... тенгсиз азму шижаат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо” номи бутун жаҳонга маълум ва машхур бўлган буюк шахслар қаторидан жой олган. XX аср 90-йиллари ўзбек тарихшунослигида Амир Темур даври тарихи, давлат бошқаруви хусусида кўплаб аҳамиятга молик тадқиқот ишлари амалга оширилди. Илк бора “Темур тузуклари” китоби ўзбек ва бошқа тилларга ўгирилди, шу даврга оид қатор тарихий манбалар, жумладан Низомиддин Шомий, Шарафуддин Али Яздий, ибн Арабшоҳ, де Клавихо ва бошқаларнинг асарлари таржима қилинди, Амир Темурнинг Ўрта Осиё ва жаҳон тарихида

тутган улкан роли ва хизмати очиб берилди, Темурнинг миллатимиз фахри ва каҳрамонлиги образи дарсликлардан жой олди, Амир Темур давлати ички ва ташқи сиёсати хусусида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилди ва ҳакозо. 1996 “Амир Темур йили”да Парижда ва Тошкентда ўтказилган ҳалқаро илмий анжумандарда башарият тарихида буюк Соҳибқирон тутган ўрни мавзуси қатор таниқли ўзбек ва жаҳон олимларининг чиқишлиарида ўз аксини топди. Амир Темур шахси, фаолияти, у барпо этган давлат тарихи XXI асрда нафақат Шарқ, балки Ғарб дунёси, илмий жамоатчилигига ҳам улкан қизиқишига сабаб бўлмоқда.

Истиқлол йилларида Амир Темурнинг ўғли, деярли қирқ йил Темурийлар салтанатида зукколик ва оқиллик билан ҳукм сурган Шоҳруҳ Мирзонинг фаолияти илк бора илмий жиҳатдан ўрганилди. Шоҳруҳ Мирзонинг Темурийлар салтанати бирлигини сақлаб қолишдаги ўрни ва роли очиб берилди. Гиёсиддин Наққош, Абдураззоқ Самарқандий сингари дипломат ва саёҳатчиларнинг асарлари таржима қилинди. Ҳолбуки Шоҳруҳ Мирzonинг фаолияти хусусида мустақиллик даврига қадар алоҳида олинган тадқиқот иши амалга оширилмаган эди.

“...Тинчлик, тотувлик, илм-фан ва маданиятни тараққий топтириш йўлида улкан шиҷоат ва матонат кўрсатган” буюк олим ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек (Муҳаммад Тарагай)нинг фаолияти хусусида вақтида кўплаб китоблар ёзилган эди. Лекин, фақат истиқлол шарофати ила Мирзо Улуғбекнинг фаолияти ва илмий мероси том маънода чуқур ва ҳар томонлама ўрганилиши бошланди. 1994 “Мирзо Улуғбек” йили да ЮНЕСКО ташаббуси билан Парижда ва Тошкентда ўрказилган илмий анжуманларда Мирзо Улуғбек даври тарихи юзасидан кўплаб эътиборга молик тадқиқотлар амалга оширила бошланганлиги аён бўлди. Илк бора Мирзо Улуғбекнинг давлат арбоби ва маданият ҳомийси сифатидаги тарихдаги ўрни ва роли очиб берилди. Ҳам шоҳлик ҳам олимликни ўзида юксак салоҳият ила мужассам қила олган улуғ зот фаолияти хусусида нафақат тарихчи олимлар, балки табиий фан вакиллари ҳам қатор тадқиқотларни амалга оширидилар. Мазкур ҳолат 2009 йил

Самарқандда ўтказилган халқаро илмий анжуманда ҳам тўлиқ ўз аксини топди. Мустақиллик йилларида тарих фанида юз берган муҳим ижобий ўзгаришлардан бири – халқимизнинг миллий қаҳрамони, мустабид совет ҳукмронлиги даврида номинг ноҳақ қораланганд Амир Темур пок номини оқланиши бўлди. Республикаиз Президенти И.Каримовнинг ташаббуси билан соҳибқироннинг миллат ва давлат равнақидаги буюк хизматлари эътироф этилган ҳолда унинг 660 йиллиги 1996 йили халқаро миқёсда кенг нишонланди. Соҳибқирон шахсига бўлган муносабат давлат сиёсати даражасига қўтарилди. Мустақиллик йилларида Амир Темур шахси, унинг давлати, ички ва ташқи сиёсат, Темурийлар ҳукмронлиги хусусида кўплаб аҳамиятга молик ишлар амалга оширилди. Хусусан, республикамида 1996 йил – “Амир Темур йили” деб эълон қилинди, “Амир Темур халқаро жамғармаси” ташкил этилди, Темурийлар тарихи давлат музейи очилди, “Амир Темур” ордени таъсис этилди, ЮНЕСКО ташаббуси билан 1996 йил апрелда Париждага халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди, Амир Темур ва Темурийлар даврига оид кўплаб тарихий манбалар таржима қилинди ва ҳоказо. Шубҳасиз, тарихий ҳақиқатни қарор топтириш ишига тарихчи олимлар ҳам ўз муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. А.Ўринбоев, Б.Аҳмедов, Д.Юсупова, У.Уватов, А.Муҳаммаджонов, А.Аҳмедов, О.Бўриев ва бошқа кўплаб олимлар томонидан тарихий манбалар таржима қилинди, эътиборга молик тадқиқотлар амалга оширилди: А.Зиё, Ҳ.Бобоев, С.Хидиров, Ш.Ўлжаева, Д.Обиджонова, Ҳ.Файзиев, Б.Усмонов, О.Раҳматуллаева каби кўплаб тадқиқотчилар эса ўз изланишларида мавзу билан боғлиқ кўплаб тарихий ва ҳуқуқий жиҳатларни очиб беришга муваффақ бўлдилар.

Амир Темур ва Темурийлар тарихи нафақат республикамида, балки жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан ҳам катта қизиқиш билан ўрганиб келинмоқда. Амир Темур ҳақида К.Марлоу 1588 йили тарихий пьеса, машҳур немис бастакори Г.Гендель 1724 йили опера, америкалик адид Э.По 1827 йили шеърий поэма яратган. XX аср тарихшунослигига Р.Гроссе, Л.Керэн, Е.Росе,

Х.Хукхем, Ф.Манц, Г.Гломбек, А.Дерага, К.Еноки, Е.Манау, М.Россати ва бошқаларнинг тадқиқот ишлари катта шухрат қозонган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, 2000 йилга келиб Европа халқлари тилларида Амир Темур ва Темурийлар ҳақида чоп этилган асарлар сони 500 тани ташкил этган. 2006 йили Амир Темурнинг халқаро миқёсда нишонланган 670 йиллик таваллуд ёши арафасида таниқли француз олимни Л.Керен Парижда француз тилида “Самарқандга, Амир Темур даврига саёҳат” номли тадқиқотни амалга ошириди.

### **1.5.XVI-XIX асрлар тарихига оид тадқиқотлар**

XVI- XIX асрлар I – ярми ўзбек хонликлари ҳукмронлиги даври кўп жиҳатдан жаҳон цивилизациясидан узоқлашиш, илм-фан, техника ютуқларидан бебаҳра қолиш, худуднинг кўп ҳолда ўзаро низо ва урушлар домига тортилиши ўлкада қолоқлик, хурофат, парокандаликнинг кучайишига олиб келди. Бу давр юқоридаги ҳолатлар билан характерланган бўлиб, уч асрлик даврнинг кўпгина қисмлари эътибор ва таҳлилдан четдан қолди, кўпгина масалалар ўрганилмади, қолоқлик сабаблари таҳлил этилмади ва ҳоказо. Мустақиллик даврига келиб масаланинг муаммовий жиҳатларини ечиш заруриятидан келиб чиққан ҳолда ушбу давр юзасидан ҳам тегишли тадқиқот ишлари амалга оширила бошланди. Хусусан илк бора давлат бошқаруви хонликларнинг Европа ва Шарқ мамлакатлари билан муносабатлари, шаҳарлар тараққиёти, савдо муносабатлари, ҳарбий иш ва ҳарбий санъат тарихи ва бошқа ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёт тарихига оид масалалар юзасидан тадқиқот ишлари амалга оширилди, кўплаб тарихий адабиётлар чоп этилди, тарихий манбалар таржима қилинди. Ўрта Осиё халқларининг XVI асрнинг боши – XIX асрнинг биринчи ярми тарихига оид кўпдан кўп ёзма манбалар бизнинг кунларимизгача сақланиб қолган. Улар аввало, маҳаллий тарихнавислик мактаблари вакилларининг асарлари, қолаверса, Ўрта Осиёга ташриф буюрган элчилар, сайёҳлар, зобитларнинг маълумотларидан иборат. Ушбу манбалар юқоридаги давр тарихи, ижтимоий-иктисодий ва хўжалик – маданий ҳаёт ҳамда сиёсий жараёнлар ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Улар орасида қуидагиларни алоҳида санаб ўтиш мақсадга мувофиқдир: Бобурнинг “Бобурнома”, Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома”, Мулла Шодининг “Фатҳнома”, Фазлуллоҳ Рўзбехоннинг “Меҳмонномаи Бухоро”, Зайниддин Восифийнинг “Бадойе ул-вақоे”, Хоғиз Таниш Бухоронийнинг “Абдулланома”, Муҳаммад Юсуф Муншийнинг “Тарихи Муқимхоний”, Хожа Самандар Термизийнинг “Дастур ал-мулук”, Мирза Бади девоннинг “Мажма ал-аркам”, Мир Муҳаммад Салимнинг “Силсилат ас-салотин”, Абдураҳмон Давлатнинг “Тарихи Абулфайзхоний”, Мулла Вафо Карманагий ва Олимбекнинг “Тухфат ал-хоний”, Абулғозийнинг “Шажараи турк”, Ниёзмуҳаммад Хўқандийнинг “Тарихи Шоҳруҳий”, Муҳаммад Ҳакимхоннинг “Мунтахиб ат-таворих”, Оғаҳийнинг “Фирдавс ул-икъбол”, Аҳмад Донишнинг “Мангит амирлари тарихи” каби асарлардир.

XVI-XIX асрнинг биринчи ярми тарихига оид манбалар маълумотларини илмий муамалага киритишида қўплаб шарқшунос, тарихчи ва ҳуқуқшунос олимлар тадқиқот ишларини олиб бордилар. Бу йўналишда В.Абдуллаев, А.Арендс, Б.Ахмедов, С.Азимжонова, М.Абдураимов, Я.Гуломов, У.Каримов, А.Кононов, Н.Малицкий, Р.Муқминова, А.Муҳаммаджонов, Р.Набиев, Т.Неъматов, Н.Норқулов, А.Ўринбоев, А.Зиё, Ҳ.Бобобеков, Ш.Воҳидов, Р.Холиқова, М.Йўлдошев, Ҳ.Бобоев, А.Сайдов, З.Муқимов, И.Саидаҳмедовларнинг тадқиқотлари дикқатга сазовордир

### **Саволлар:**

1. Ўзбекистон тарихини даврлаштиришида нималарга асосий эътибор бериш лозим?
2. Ўзбекистон тарихи фанининг методологияси деганда нимани тушунасиз?
3. Марказий Осиё ҳудудидаги антропогенез жараёни ҳусусида нималарни биласиз.
4. Этник тарих ҳақида маълумот беринг.
5. Илк давлатлар пайдо бўлишининг ижтимоий-иктисодий омиллари нималарда деб ҳисоблайсиз?
6. Ўрта асрлар тарихига оид қандай инновациялардан ҳабардорсиз?

## **2-мавзу. XIX аср охирлари – XX аср бошлари Ўзбекистон тарихи мустамлака даврини ёритишдаги инновациялар.**

Режа:

1. Ўрта Осиёнинг Россия империяси томонидан забт этилиши ҳамда мустамлака Туркистон тарихига оид янги тадқиқотлар.
2. XIX аср охирлари – XX аср бошларида рўй берган озодлик ҳаракатларига янгича ёндошув.
3. 1-жаҳон уруши йилларида Туркистон ўлкаси

*Калим сўзлар: Ўрта Осиё, Туркистон ўлкаси, мустамлака, миллий озодлик, жадидчилик, Хива хонлиги, Бухоро амирлиги, Россия империяси.*

### **2.1. Ўрта Осиёнинг Россия империяси томонидан забт этилиши ҳамда мустамлака Туркистон тарихига оид янги тадқиқотлар.**

XIX аср II- ярми – XX аср бошлари Россия империяси мустамлакаси бўлмиш – Туркистон ўлкаси тарихида ҳам маълум бўшлиқ, сохталаштирилган саҳифалар мавжуд бўлган. Мустақиллик йилларида қўйидаги масалалар илк бора ўрганилиб, кенг илмий жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилди: ўлкада рўй берган миллий-озодлик ҳаракатлари ва уларнинг йўлбошчилари фаолияти, жадидчилик ҳаракати, жадид маърифатпарварларининг зиё тарқатиш йўлидаги жонбозлиги, саъй-ҳаракатлари, аграр соҳада пахта яккаҳокимлигининг жорий этилиши, мустамлака маъмуриятининг ҳарбий-зўравонлик бошқаруви ва унинг оқибатлари, таълим тизими, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган Россия империянинг Туркистон ўлкасига уюштирган босқинчилик юришлари, мустамлакачилик сиёсати, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, миллий-озодлик ҳаракатлари, умуман, империя босқинининг мақсад-моҳияти ва оқибатлари ҳақидаги манбалар – қўлёзма асарлар, эсдаликлар, хотиралар, ҳужжатлар ва архив маълумотлари мажмуи кўпчиликни ташкил этади. Афсуски, совет ҳукмронлиги даврида уларнинг барчаси бир ёқлама тадқиқ этилиб, масаланинг моҳиятига холисона баҳо берилмади.

Мавзу бўйича кўплаб тарихий асарлар мавжуд бўлиб, уларнинг орасида қўйидагилар: Муҳаммад Солиҳхўжанинг «Тарихи жадидайи Тошканд», Мирзо

Абдулазим Сомийнинг «Тарихи салотин манғития», Муҳаммад Аттор Ҳўқандийнинг «Тарихи жаҳоннамойи», Ибратнинг «Фарғона тарихи», Юсуф Баёнийнинг «Шажарайи Хоразмшоҳий», Ҳаким Маъсумхоннинг «Мунтаҳиб уттаворих», Муҳаммад Содик Муншийнинг «Қўқон хонлиги тарихи», «Тарихи Манзум», Азиз Марғилонийнинг «Тарихи Азизий», Аҳмад Донишнинг «Манғит амирлари тарихи», Муҳаммад Фозилбекнинг «Муқаммали тарихи Фарғона» ва ҳоказолар муҳим ўрин эгаллади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ФА Шарқшунослик институти жамғармасида ҳам мавзунинг у ёки бу томонларини ёритувчи манбалар туркуми сақланади. Ундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви жамғармаларида сақланаётган турли ҳужжатлар, XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида чоп этилган матбуот нашрлари мавзу ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Тарькидлаш жоизки, ўтган асрнинг 20-йилларида Г.И.Сафаров, П.Г.Галузо, А.З.Валидий ва бошқа шу каби муаллифларнинг тадқиқотларида Россия империяси мустамлакачилик сиёсатининг туб моҳияти ўз аксини топган эди.

Ушбу мавзуни тадқиқ этиш, ўрганиш XX асрнинг 20-йилларидан бошланган бўлишига қарамай, мустақиллик йилларида Россия империясининг Туркистон ўлқасини босиб олиши ҳамда ўлкада олиб борилган мустамлакачилик сиёсат илмий ва ҳақоний тарзда ёритилмоқда. Ушбу мавзунинг турли жиҳатлари бўйича Ҳ.Зиёев, Н.Абдураҳимова, Ф.Исҳоқов, Ҳ.Содиков, Ф.Эргашев, Р.Шамсутдинов, Ҳ.Бобобеков, Д.Зиёева, П.Равшанов, Қ.Усмонов, З.Чориев, Ш.Воҳидов, Н.Мусаев каби кўплаб олимларнинг тадқиқотлари катта аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида мустамлака Туркистон ўлқаси, империя қарамлигидаги Бухоро, Хива хонликларида рўй берган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, иқтисодий ва маданий ҳаёт тарихининг ўрганилмаган ёки кам тадқиқ этилган мавзуларига ойдинлик киритилди, жадидчилик ҳаракати, атоқли жадид маърифатпарварларининг

фаолияти хусусида, ўлкада рўй берган миллий-озодлик ҳаракатлари тўғрисида қатор илмий изланишлар амалга оширилди ва ҳоказо.

XIX-аср охирлари XX-аср бошларидағи Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги тарихи, ички сиёсат ва Россия империяси билан муносабатлар, мустамлака маъмуриятнинг қўчириш сиёсати, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаёт бобидаги бошқа турли масалалар. Юқорида қайд қилинган масалалар кўплаб номзодлик ва докторлик диссертацияларига тадқиқот объекти сифатида танлаб олиниб, фанда ўз ечимини топган мавзулар сирасига кирган. Шунингдек, кўплаб анжуман, чиқишиларда, чоп этилган монография, ўқув адабиётларида ҳам ушбу масала ёритиб берилган.

## **2.2 XIX аср охирлари – XX аср бошларида рўй берган озодлик ҳаракатларига янгича ёндошув.**

Туркистон ўлкасида империя маъмурларининг мустамлака сиёсатига қарши ҳаракатлар (турли кўриниш ва миқёсларда) Россия империяси Ўрта Осиёни босиб олаётган пайтлардаёқ бошланган бўлиб, улар шафқатсизларча бостирилиб борилди. 1873-1876 йиллар Кўкон хонлигидаги Пўлатхон бошчилигидаги қўзғолондан сўнг ўлканинг бир қанча худудларида халқ оммасининг норозилик ҳаракатлари бўлиб ўтди.

Россия империяси босқинига қарши ҳозирги Ўзбекистон ва Қирғизистон республикаларининг тоғли худудларида “Олой маликаси” номи билан машҳур бўлган Курбонжон додҳоҳ 1876 йилнинг охирига қадар босқинчиларга қарши курашиб келган. Унинг қўшинларига қарши юборилган генерал Скобелев бошлиқ рус қўшинлари қўзғолончиларга қарши ҳаракатларда енгилганлиги боис, мустамлакачи маъмурлар Курбонжон додҳоҳ билан сулҳ тузишга мажбур бўлдилар. Ана шундай ҳаракатлардан яна бири 1878 йилда Мингтепа (Андижон) да Етимхон бошчилигига бўлиб ўтган исёндир. Бу исёндан сўнг Фарғона вилояти генерал-губернатори вилоятдаги маҳаллий аҳолидан гайриқонуний солик ундирувчиларни ишдан олиб ташлашга мажбур бўлган. 1885-90 йилларда Андижоннинг Кўрғонтепа уездидаги Дарвешхон тўра

бошчилигидаги халқ ҳаракатлари бўлиб ўтди. Аммо, бу ҳаракатлар рус маъмурлари томонидан шафқатсизларча бостирилди.

“Вабо исёни” номини олган 1892 йилги Тошкент қўзғолони XIX аср охиридаги муҳим ҳаракатлардан бири бўлди. Бу қўзғолон кўплаб тарихий адабиётларда ўлкада вабо касали тарқалиши олдини олиш учун бўлган ҳаракат деб таърифланган бўлса-да, аслида бу қўзғолон Россия империясининг ўлкадаги мустамлакачилик сиёсатига қарши қаратилган ҳаракат бўлиб, мустамлакачилик зулмига қарши қаратилган миллий озодлик курашининг бир босқичи эди.

1892 йилнинг ёзида Туркистон маркази Тошкентда ҳам рус мустамлакачи маъмуриятини талвасага солган ва тарихга «Вабо исёни» ёки «Тошотар воқеаси» сифатида кирган қўзғолон бошланди. Расмий доиралар бу қўзғолон вабога қарши рус амалдорлари қўллаган тадбирлардан норозилик туфайли келиб чиқкан, деб изоҳлашга уриндилар. Шунинг учун ҳам уни «Вабо исёни» деб номлашди. 1892 йил май ойида Жиззахда вабо билан оғриган кишилар хақидаги хабар бутун ўлкага тарқалди ва Сирдарё вилоятига ўтадиган кечув олдида эҳтиёт юзасидан кузатиш бекати ташкил қилинди. Июнь ойида Тошкентда ҳам вабо тарқалгани маълум бўлди. Янги шаҳарда 417, эски шаҳарда 1462 bemor аниқланди. 1892 йил 7 июнда шаҳар маъмурияти 12 эски қабристонни ёпиб, янги 4 қабристон очилишини, шаҳардан чиқиш чекланганини эълон қилди. Аммо мустамлака маъмурияти тиббиёт нуқтаи назаридан тўғри бўлган бу тадбирларни ўтказишида аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бормади, мусулмончилик одатлари, маросим қонун-қоидаларини ҳисобга олмади. Ваъда қилинган 4 та янги қабристон ўрнига фақат биттаси очилди. Марҳумларни урф-одатга қўра қўмиш ғоят мушкул юмушга айланди. Одамлар ноилож ўликни эски қабристонларга олиб бориб қўмишга мажбур бўлдилар. Полиция бундайларни топиб ҳибсга ола бошлади. Қабрларни очиб, ўлганларнинг руҳи ҳакорат қилинди. Ҳалойиқ бош оқсоқолни қидириб кетди. Эшонлардан Азизёр, Абулқосимхўжа, бозор оқсоқоли Зиёмуҳаммад ва бошқа таниқли кишилар бошчилигидаги мингга яқин киши шаҳар бошлиғи

маҳкамаси томон йўл олдилар. Уларга Ўрда бозори яқинидаги Воронцов кўчасида ҳоким тўра - шаҳар бошлиғи полковник С.Р.Путинцев ва оқсоқол Муҳаммад Ёкуб тўқнаш келишди. Қиличини ўйнатиб келган оқсоқол халқнинг сўзлари, арз-додини тинглаш ўрнига унга дағдаға қилабошлади. Ана шунда унинг бошига тошлар ёғилди. Машхур “Тошотар воқеаси” бошланиб кетди. Оқсоқол отдан тушиб ҳокимнинг идорасига қочиб яширинди. Полковник Путинцев эса ўзининг содиккулини паноҳига олиб, халқни тинчтишига уринди. Халқ ундан оқсоқолни тутиб беришни талаб қилди. Путинцев ҳам музокара ўрнига куч ишлатишни афзал кўриб, чиқариб, дағдағага ўтди. Сабр косаси тўлган халқ узоқўйлаб ўтирмаёт, ҳокимга хужум бошлади. Путинцев ва унинг миршабларини дўппослади, маҳкамани ҳам остин-устин қилди.

Қуролланган солдатларнинг етиб келгани ҳам қўзғолончиларни чўчитмади. Мустамлакачи амалдорлар халқни ўққа тутдилар. Натижада кўплаб кишилар халок бўлди ва яраланди. Таъкидлаш жоизки, ўлганлар ва ярадорларнинг миқдори хақида аниқ маълумотлар сақланмаган. Чунки халқнинг ўзи жасадлар ва ярадорларни ўзлари билан олиб кетишди. Қўлга олинган 60 кишидан 8 киши ўлим жазосига, қолганлари қамоқ ва сургунга хукм қилинди.

### **2.3. 1-жаҳон уруши йилларида Туркистон ўлкаси**

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида империя маъмурлари Туркистондаги маҳаллий аҳолининг миллий-озодлик ҳаракатларини шафқатсизлик билан бостириб турган бўлса-да, ўлгадаги норозилик ҳаракатлари ва қўзғолонлар тўхтамади. Чунки, 1910-1914 йилларда Туркистон ўлкаси аҳолиси ўртасида миллий ўзликни англаш жараёни кучая бошлаган эди. Ундан ташқари, 1914 йилда Россиянинг биринчи жаҳон урушига қўшилиши, шу йилнинг 26 июлида Туркистон ўлкаси “фавқулодда муҳофаза ҳолатида” деб эълон қилиниши вазиятни янада кескинлаштириди. Бу эълонга кўра, ҳар қандай ташвиқот ва тарғибот таъкиланиб, тартбни бузганларга Махсус қўмита томонидан 500 рублгacha жарима ёки ўн ой муддатга қамоқ жазоси белгиланди.

Биринчи жаҳон уруши йилларида ўлкадаги мавжуд мустамлака тузумидан норозилик маҳаллий ишчилар ва ҳунармандлар орасида ҳам кучайиб борди. Хусусан, архив ҳужжатлари маълумотларига кўра, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида жойлашган 425 та саноат корхонасидан 220 таси пахта тозалаш, 76 таси кўн-тери ишлаб чиқариш, 32 таси пилла қуритиш заводлари бўлиб, уларда жами 18 минг нафар ишчи ишлаган. Ишчилар жуда оғир шароитларда кунига 12-14 соатдан меҳнат қилганлар.

Темир йўл ишчилари орасида маҳаллий миллат вакиллари 4,5-5 минг ишчини ташкил этган. Айнан темир йўл соҳасидаги қора ишлардаги, қурилишлардаги ва малакали ишлардаги маҳаллий ишчилар инқилобий ва тузумдан норози кайфиятдаги, турли ислоҳотлар тарафдорлари бўлган ҳаракатлар таъсири остида ўз ҳақ-ҳукуқларини таниб, миллий ўзлигини англай бошлаган эдилар. Тошкент Бош темир йўл устахонасидаги гоҳ яширин, гоҳ ошкора кураш жараёнида тажрибага эга бўлган ўзбек ишчилари, уларнинг йўлбошчилари бўлганлиги ҳақида кўплаб архив манбалари маълумот беради.



**Тошкент. XX аср бошлари. “Россия” меҳмонхонаси**

Биринчи жаҳон уруши йилларида Туркистон ўлкасидаги ҳунармадларнинг сони 100 мингдан ошиқ бўлиб, уларнинг ҳам аҳволи анча оғир эди. Хусусан, ўлкада тўхтовсиз кириб келаётган рус саноати маҳсулотларининг рақобати кўпчилик ҳунармандларни хонавайрон қилиб,

бошқа касб-хунарга ўтишга мажбур қиласр эди. Ундан ташқари, хунармандчилик саноати маҳсулотларининг қиймати эса, Туркистон ўлкаси фабрика ва заводлари маҳсулотлари қийматининг 22 фоизи ташкил қилган холос.

Биринчи жаҳон уруши Туркистон ўлкасининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига асосланган иқтисодий ҳаётига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Бунинг натижасида уруш даврида ўлка аҳолисининг 90 фоизини (XIX аср охирида 80 фоиз бўлган) ташкил этган дехқонлар ва чорвадорларнинг аҳволи янада оғирлашди. Хусусан, 1916 йилдан бошлаб илгариги йилларга нисбатан чорва моллари сонининг камайиб кетиши, ўлканинг асосий экини бўлган пахта майдони ҳам, ҳосилдорлиги ҳам камайиб кетиши оддий халқ аҳволини янада мушкуллаштируди.

Ундан ташқари, бу даврда дехқонлардан олинадиган солиқларнинг ҳажми ҳам тобора ортиб борди. Маълумотларга кўра, Туркистонда ер солиғи 1914 йилда 6 859 021 рубл бўлган бўлса, 1916 йилга келиб бу рақам 14 311 771 рублни, яъни, икки баробар кўп миқдорни ташкил этган эди. Архив маълумотларига асосланган янги адабиётларда берилишича, 1915 йилда ўлка аҳолисидан маҳсус ҳарбий солиқ олиниб, бу солиқ пахтакорлар учун ҳар пуд пахтадан 2 рубл 50 коп.ни ташкил этган. Ҳисоб-китобларга кўра, 1915 йилги бу солиқларнинг умумий миқдори 38 329 000 рублдан иборат бўлган.



**Тошкентнинг Анҳор канали – эски ва янги шаҳар ўртасидаги чегара.**

**XIXаср охирлари – XX аср бошлари.**

Эътибор бериш лозимки, уруш йилларида мустамлакачилар Россия тўқимачилик саноати манфаатларини химоя қилиб, бозор иқтисодиёти қонунларига хилоф равишда пахтанинг ҳар бир пудига қатъий нарх – 24 рубл белгилаган эди. Натижада, пахтакор дехқонлар бир йил ичида 60 млн рубл зарар кўрдилар. Маълумотларга кўра, 1915 йилда пахтанинг нархи 50 фоизга оширилган бўлса, бошқа зарур маҳсулотлар нархи 400-500 фоизга, ноннинг нархи эса 6 бараварга кўтарилиб кетди. Натижада, чайқовчилик ва судхўрлик авж олиб, оддий меҳнаткаш аҳолининг норозилиги қучайиб борди.

Замонавий адабиётларда берилишича, империя мустамлакачилари биринчи жаҳон уруши йиллари Туркистондан 59 млн.пуд пахта, 8,5 млн.пуд пахта ёғи, 950 минг пуд пилла, 2.925 минг пуд тери, 300 минг пуд гўшт, 229 минг пуд совун, 474 минг пуд балиқ олиб кетишган. Ундан ташқари фронтга ёрдам учун аҳолидан 70 минг от, 12 мингта туя, 38 минг квадрат метр гилам-наматлар, 2400 минг нақд пул йигиб олинган.

Бунинг устига кундалик эҳтиёж маҳсулотларининг нархи ниҳоятда ошиб кетган бир шароитда рус императорининг мардикорлик тўғрисидаги фармони меҳнаткаш халқ бўйнидаги иқтисодий асоратлар устига оғир юқ бўлиб тушди.

Биринчи жаҳон уруши иштирокидаги кўплаб қурбонлар ҳамда йўқотишлар Россия империясини тобора ҳолдан тойдириб борди. Империя маъмурлари қандай қилиб бўлса-да, вазиятни енгиллаштириш чораларини излай бошладилар. Россия Олий Бош қўмондонлик штаби ҳарбий вазирлиқдан “армия эҳтиёжлари учун салмоқли миқдорда куч ажратишни” зудлик билан талаб қилди. Ҳарбий вазирлик эса бу масалани мустамлакалар ҳисобидан ҳал қилишга қарор қилди. Натижада 1916 йил 25 июнь куни император Николай II нинг «Империядаги рус бўлмаган эркак аҳолини ҳаракатдаги армия районида мудофаа иншоотлари ва ҳарбий алоқа йўллари қуриш учун олиб бориладиган ишларга, шунингдек, давлат мудофааси учун қилиш зарур бўлган бошқа ҳар қандай ишларга сафарбар қилиш ҳақидаги” фармони эълон қилинди.

Ушбу фармонга кўра, Сибирь, Ўрта Осиё, Қозоғистон, Кавказ орти халқлари аҳолисидан 19 ёшдан 43 ёшгacha бўлган 400 минг эркак фронт

ишларига, яъни, мардикорликка сафарбар қилиниши лозим эди. Туркистан генерал-губернатори А.Н.Куропаткинга зудлик билан фармонни амалга ошириш буюрилиб, Сирдарё вилояти зиммасига 87 минг, Самарқандга 88 минг, Фарғона вилояти зиммасига 50 минг киши юбориш мажбурияти юкланди.



### **Саволлар:**

- 1.** XIX аср II- ярми – XX аср бошлари тарихига оид қандай инновациялардан ҳабардорсиз?
- 2.** Абдулмалик Тўра бошчилигидаги озодлик ҳаракати ҳақида нималарни биласиз?
- 3.**Хонликлар давлат бошқарувидағи ўзгаришлар ҳақида нималарни биласиз?
- 4.** XIX аср II- ярми – XX аср бошлари тарихига оид қандай тарихий манбалардан ҳабардорсиз?
- 5.** Жадид маърифатпарварларининг фаолиятининг тарихий жиҳатларини таҳлил этиб беринг?

### **З-мавзу. Совет даври тарихи: янгича назарий-концептуал ёндашув. Режа:**

1. Совет даври тарихига янгича ёндошув моҳияти
2. Қуролли қаршилик ҳаракати тарихи
3. Ўзбекистонда советлар томонидан амалга оширилган қатағонлик-зўравонлик сиёсатига оид тадқиқотлар.
4. Советларнинг Ўзбекистонда юритган иқтисодий ва маданий-маърифий сиёсати, унинг мустамлакачилик моҳияти.

**Калим сўзлар:** совет, мустабид, “маданий инқилоб”, “Хужум”, қатағонлик, жамолаштириш, кўчириш, уруш, инқирозий вазият, экологик фожеа, “ўзбек иши”, “пахта иши”, “қулоқлаштириш”.

#### **3.1. Совет даври тарихига янгича ёндошув моҳияти**

Инсоният тарихида зиддиятли ва мураккаб жараёнлар, тарихий воқеликларга бой бўлмиш XX аср тарихи мустабид совет даврида ўта сиёсийлаштириб, тегишли мафкура қобигига ўралган, тузум маънавий қуролига айлантирилган эди. Табиийки, 70 йилдан зиёдроқ ҳукм сурган мустабид совет даври тарихи, илмий адабиётларида мазкур ҳолат ўз аксини топган эди. Ўзбекистоннинг совет мустабид хукмронлиги даври тарихини мустақиллик йилларида замонавий назарий-концептуал, методик ёндашувлар асосида қайта илмий ва холисона равишда ёритилиш жараёни йўлга қўйилди. Жумладан, илк бора ватан тарихшунослигига совет мустабид тузумига қарши қуролли ҳаракат масаласи тадқиқ этилди, совет давлатининг Ўзбекистонда юритган ижтимоий-иқтисодий, маданий – маърифий сиёсатининг бир томонлама салбий ҳарактери очиб берилди, ўлкамизда амалга оширилган “маданий инқилоб”, “Хужум” ҳаракатига янгича баҳо берилди, Ўзбекистонни пахта хом-ашё базасига айланиши, унинг асоратли оқибатлари, совет даврида тарихий-демографик ҳолат, инқирозий вазият, экологик фожеа, ижтимоий ҳаётдаги муаммолар ва бошқалар очиб берилди. Мамлакатимиз тарихининг очилмаган саҳифаларини ўрганишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 1999 йил 12 майдаги мустабид

тузум даврида Ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлида қатағонга учраб ҳалок бўлган ватандошларимиз хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги қарори катта роль ўйнади. Ушбу қарор ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик, юрга садоқат руҳида тарбиялашда катта ахамият касб этиб, ўтмишда озодлик ва эрк учун курашганларнинг оғир қисматларини баён этишни кун тартибига қўйган эди. Совет қатағонлик сиёсати, Ўзбекистонда унинг ўзгача, янада чуқур ва шавқатсиз услуби, таниқли давлат арбоблари, фан, адабиёт, маданият вакилларининг ҳалқ эрки, Ватан равнақи йўлидаги оғир тақдир йўллари тарихчи олимларни янги изланиш ва тадқиқотларга сафарбар бўлишга туртки бўлди. Юқори фуқаролик позицияси ва ватанпарварлик туйғуси билан ҳамда тегишли илмий салоҳиятни ўйғунлаштира олган тарихчилар бу борада салмоқли ишларни амалга оширидилар. Советларнинг нафақат қатағонлик сиёсати, балки бутун совет даврида кечган қулоқлаштириш, коллективлаштириш ва ўзбек қишлоғи фожеаси, зўравонлик билан олиб борилган кўчириш сиёсати, XX аср 80-йилларидаги марказнинг “ўзбек иши”, “пахта иши” деб номланган сохта машъум жараёнлари ҳам тадқиқот обьектлари сафидан жой олди. Қайд қилинган масалалар юзасидан кўплаб диссертация ҳимоялари амалга оширилди, илмий анжуманларда маъruzалар қилинди, илмий рисола, адабиёт, монографиялар нашр этилди. Натижада кўплаб воқелик ва жараёнларга замонавий тарзда илмий ва холис баҳо берилди.

### **3.2.Куролли қаршилиқ ҳаракати тарихи**

Туркистонда октябрь тўнтаришидан кейин содир бўлган воқеалар жараёни шуни кўрсатадики, большевиклар ўрнатган совет тузуми ўлка ҳалқларига нафақат мустақиллик, ҳатто миллий муҳториятни ҳам раво кўрмади. Мустақиллик осонликча қўлга киритилмаслигини тушуниб етган миллий ватанпарварлар қўлга курол олиб, большевиклар ва босқинчи қизил армияга қарши қуролли ҳаракат бошлаб юбордилар. Бироқ совет тузуми ва коммунистик мафкура ҳукмронлиги йилларида, уларга “босмачи” деб ноҳақ тамға босилди.

Бу ҳаракат ҳақида сўз юритилганда таъкидлаш лозимки, Қ.Ражабов тадқиқотларига кўра, 1918-1919 йилларнинг ўрталаригача бўлган даврга тегишли архив ҳужжатларида ҳам “босмачи” сўзи учрамайди. Бу ҳужжатларда “қароқчи” (разбойник), “шайка”, жуда бўлмаса “босқинчи” (бандит) иборалари қўлланилган. 1919 йилнинг ўрталаридан бошлаб аввал айрим расмий ҳужжатларда, кейинчалик эса совет вақтли матбуотида “босмачи” иборасини қўллаш бошланган. “Босмачи” ва “босмачилик” иборалари озодлик ҳаракатининг моҳиятини пасайтириш, аждодларимизнинг большевиклар ҳукмронлигига қарши олиб борган қонли курашларини хаспўшлаш учун буюк давлатчи шовинистлар томонидан ўйлаб топилди ва “бандитлик”, “қароқчилик” сўzlари билан асоссиз равишда бир қаторга қўйилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, “босмачи” ёрлиғи ёпиширилган отабоболаримизнинг муборак номлари қайта тикланди ва уларнинг ҳақиқий қиёфалари истиқлолчилар сифатида намоён бўлди.

Советларга қарши ҳаракат “Туркистон Мухторияти ҳукуматининг тор-мор қилиниши билан бошланганлиги” деярли барча тарихчиларнинг асарларида эътироф қилинади. Аслини олганда, муҳторият ҳукумати ағдариб ташланмаганида ҳам ёки бу ҳукумат ҳатто мутлақо бўлмаганида ҳам бу ҳаракатнинг вужудга келиши табиий бир ҳол эди. Зотан, бу даврда Туркистонда вужудга келган ижтимоий-сиёсий вазият совет ҳокимиятига қарши истиқлол курашининг бошланишини муқаррар қилиб қўйган эди.

Биринчидан, 1917 йилда содир бўлган октябрь тўнтариши ва бунинг натижасида ҳокимиятни қўлга киритган большевиклар томонидан илгари сурилган коммунистик мафкура Туркистон халқлари учун мутлақо ёт тушунча эди. Маҳаллий аҳоли бу ғояни аввал бошданоқ ўзига сингдира олмади ва унга қарши турди.

Иккинчидан, совет ҳукумати ўрнатилган дастлабки даврда ҳокимиятни бошқаришга маҳаллий халқ вакиллари жалб қилинмади, уларнинг миллий ғурури, ҳақ-ҳуқуқи инкор қилинди. Туркистонда большевиклар томонидан

ўрнатилган совет тузуми Россия империяси мустамлакачилигининг янги шакли эканлиги ўша дастлабки кунларданоқ ошкор бўлган эди.

Учинчидан, янги тузум ўрнатилган илк кунларданоқ маҳаллий халқнинг асрлар давомда шаклланган урф-одатлари, миллий қадриятлари топталди. Шариат асослари ва қозихоналар бекор қилинди, вақф ерлари тортиб олинди, мулкчиликнинг барча шаклига чек қўйилди.

Туркистон Мухторияти ҳукуматининг тугатилиши бу ҳаракатнинг бутун Фарғона водийсида оммавий равишда бошланишига бир туртки вазифасини ўтади, холос. Россия империясининг мустамлакачилик зулми остида эзилиб келган фарғоналиклар Туркистонда биринчи бўлиб большевиклар режимига қарши қуролли курашга отландилар. Шу тариқа, Туркистонда совет ҳокимияти ва большевикча тузумга қарши истиқлолчилик ҳаракати 1918 йил феврал ойининг охирларида бошланган эди.

Бу ҳаракатнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи дехқонлар, чорикорлар, мардикорлар, хунармандлар ва косиблар бўлган. Туркистон республикаси раҳбарларидан бирининг эътироф этишича, унга асосан дехқонлар ва хунармандлар қатнашди. Уларга шаҳар аҳолисининг аксарият қисми: ўзига тўқ бадавлат оиласарнинг вакиллари, савдогарлар, ислом дини арбоблари ҳамда баъзи бойлар қўшилди. Ҳаракат қатнашчилари сафида оқ-қорани тушунган саводхон кишилар-зиёлилар ҳам кўпчиликни ташкил қиласар эди ва улар жадидлар орасидан ажралиб чиқкан. Бир сўз билан айтганда, улар сафида халқнинг барча табақасига мансуб кишилар бор эди.

### **3.3 Ўзбекистонда советлар томонидан амалга оширилган қатағонлик-зўравонлик сиёсатига оид тадқиқотлар.**

1922 йил 30 декабрда ташкил топган СССР қудратли унитар (қўшма) давлат бўлиб, унда расмий федерация субъектлари суверен ҳукуқлар ва реал мустақилликдан маҳрум эдилар. Ўзбекистон ҳам фақат номигагина СССР таркибидаги суверен республика ҳисобланган, аслида эса иттифоққа ҳар томонлама қарам эди. СССРда қарор топган бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими жамиятнинг барча соҳаларини ўз мақсад ва вазифаларига

бўйсундирган, ижтимоий-сиёсий ҳаёт ўта сиёсийлаштирилиб, ўзгача фикрлашларга қарши шафқатсиз кураш олиб борилар эди.

20-30 йилларда мустабид тузумга қарши фикр билдиранларни таъкиб остига олиш авж олди. Айни шу пайтда “18 лар гурӯҳи”, “иноғомовчилик”, “қосимовчилик” каби сиёсий ишлар тўқиб чиқарилган эди.

Ўзбекистондаги ҳукумат ва партия органларининг ваколатлари масаласи тадқиқ этилганда ўн саккизлар гурӯхининг фаолияти ва қисматини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Тарихдан маълумки, асосан ҳукумат аъзолари кирган ўн саккизлар гурӯхи аъзолари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети сиёсатига қарши чиққан эдилар.

1925 йил ноябрда Ўзбекистонда фаолият кўрсатган миллий раҳбар ходимлардан 18 киши (улар тарихий адабиётларда “ўн саккизлар гурӯҳи” деб аталарди) 1925 йил 19-22 ноябрда Самарқандда бўлган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетиplenумига қўйидаги ариза билан мурожаат қилган эдилар.

Ариза остида Ўзбекистонда фаолият олиб борган 18 нафар масъул миллий ходимларнинг фамилияси ва лавозими ёзилиб, имзолари қўйилган. Ўзбекистон ССР ҳукумати аъзолари, айрим округлар, вилоятлар, уездлар, туманлар ва шаҳарлар раҳбарлари, йирик хўжалик бошлиқлари ва партия ходимларидан иборат бўлган ва мазкур аризага қўл қўйган 18 нафар миллий ходимлар қўйидагилар бўлиб, улар ариза ёзилган 1925 йил ноябрда қўйидаги расмий лавозимларда фаолият кўрсатишган:

1. Абдураҳим Ҳожибоев - Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси; Фарғона округи партия комитети масъул котиби.
2. Нуритдин Қориев - ЎзССР Марказий Ижроия Комитети Президиуми аъзоси; Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети Президиуми масъул котиби.
3. Баҳодир Мақсумов - Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси; “Ўзбекхлопком” бошқармаси раисининг ўринбосари.

4. Раҳимжон Раҳимбобоев - Ўзбекистон ССР Ички ишлар комиссари ўринбосари.

5. Иномжон Хидиралиев - Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси; Ўзбекистон ССР Ер ишлари халқ комиссари.

6. Мирзахўжа Ўринхўжаев - Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига номзод; Самарқанд вилояти ижроия комитети раиси.

7. Мухторжон Сайджонов - Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси; Зарафшон округи партия комитети масъул котиби.

8. Исмоил Бозорбоев - Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси; Қашқадарё округи партия комитети ташкилий бўлими бошлиғи.

9. Раҳмат Рафиқов - Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси; Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссари.

10. Зокир Ҳасанов - Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси; “Кизил Шарқ” тўқимачилик корхонасининг Самарқанд бўлими бошлиғи.

11.Муҳаммаджон Каримжонов - Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси; Тошкент шаҳар касаба уюшмаси раиси.

12.Обид Мақсудов - Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси; Тошкент шаҳри 1-район партия комитети масъул котиби.

13.Ҳайитдин Эшонов - Конибодом район партия комитети котиби.

14.Абдурашид Мукамилов - Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига номзод; Зарафшон округи ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари.

15.Раҳматулла Музafferov - Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси; Зарафшон округи партия комитети тарғибот ташвиқот бўлими бошлиғи.

16.Абдумажид Зокиров - Ўзбекистон Компартияси обкоми (область партия комитети) аъзоси; Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети захирасида турган.

17.Насм Ширинов - коммунистик партия, яъни Ўзбекистон Компартияси аъзоси; Самарқанд уезди партия комитети масъул котиби.

18. Ўринбой Ашуроў - коммунистик партия, яъни Ўзбекистон Компартияси аъзоси; Марғилон уезд - шаҳар партия комитети масъул котиби.

Ўзбекистон Компартияси МК пленуми ушбу аризани қўриб чиқишини РКП(б) МК Ўрта Осиё бюросига топширган. Мазкур аризадан сўнг пленум ва Ўзбекистон Компартияси МК котибиятига ўн саккизлар аризасини қўллаб қувватлаб, 21 ноябрда яна 8 киши (Абдураҳмонов, Қодиров, Мирхўжаев, Сайдхонов, Мусахўжаев, Олимжонов, Қурбонов, Исамуҳамедов)дан иккита ариза тушган. Бу аризаларнинг биринчисини Зарафшон вилояти делегатлари ва айрим ходимларидан Абдураҳмонов, Қодиров, Мирхўжаев, Сайдхонов, Мусахўжаев, Олимжонов, иккинчисини Ўратепа уезди ижроия комитети раиси Қурбонов ва Ўзбекистон ЛКСМ МК ташкилий ишлар бўлими бошлиғи ва Ўзбекистон ССР МИК аъзоси Исамуҳамедов каби масъул ходимлар беришган.

Ариза берганлар билан РКП(б) МК Ўрта Осиё биринчи котиби И.А.Зеленский ва Марказдан юборилган бошқа масъул ходимлар сухбатлашган. Бу сухбат аслида тергов тусини олган. Партияning ички интизомига қатъий амал қилиш, партия сафларида ҳеч қандай гуруҳбозликка ўрин бўлмаслиги каби талаблар ва турли тазииклардан сўнг 18 нафар кишидан 8 киши (А.Ҳожибоев, И.Хидирадиев, М.Ўринхўжаев, Ў.Ашуроў, Ҳ.Эшонов, А.Мукамилов, А.Зокиров, Н.Ширинов) хато қилганликларини “тан олиб”, аризадаги ўз имзоларини қайтариб олганликлари хусусида ариза берганлар. Қолган 10 нафар киши (Н.Қориев, А.Музafferov, М.Сайджонов, Р.Рафиқов, Б.Мақсумов, И.Бозорбоев, О.Мақсумов, М.Каримжонов, З.Ҳасанов, Р.Рахимбобоев) қайтадан ариза ёзишиб, ишларини Ўрта Осиё бюросида қўриб чиқишини талаб қилишган. РКП(б) Марказий Контроль Комиссияси Президиуми аъзоси М.В. Косарев, РКП (б) Марказий Контроль Комиссияси аъзоси Д.Манҗара ва Ўрта Осиё бюроси ташкилий – тақсимлов бўлими бошлиғи А.Здобновдан иборат маҳсус комиссия 1925 йил 22- 29 ноября ариза берувчи ҳар бир киши билан алоҳида савол-жавоб, аслида ўзига хос сўроқ ўтказиб, ариза ёзишининг сабабларини текширган. Декабрь ойининг бошларида бу савол - жавоб яна такрорланган.

Мазкур комиссиясининг хulosаларига таяниб тарихчи Қ.Ражабовнинг ёзишича, ўн саккизлар гурухининг ҳаракатларини Ўзбекистон ССР ҳукумати бошлиғи Файзулла Хўжаев фаол қўллаб- қувватлаган. Хужжатда қайд қилинишича, Файзулла Хўжаев бу гурухнинг расмий аъзоси бўлмаса-да, улар фаолиятига ғоявий раҳномолик қилиб турган. Ўн саккизлар гурухи аъзолари ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг Ўзбекистондаги шовинистик сиёсати ҳамда бу сиёсатни юритувчилари бўлган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети котиблари Владимир Иванов ва Акмал Икромовнинг ўлқада олиб бораётган сиёсати ва иш юритиш услугига қарши норозилик билдириб, мазкур аризага имзо чекканлар.

Энг қизиғи шундаки, сўроқ қилинган раҳбарларнинг барчаси маҳаллий миллатга мансуб кишилардан иборат бўлиб, сўроқ қилган комиссия аъзоларининг бирортаси ҳам ўзбек тилини билмаган. Шу боисдан сўроқ қилиш ва стенограмма рус тилида олиб борилган. У даврда ҳали сўроққа тортилган маҳаллий миллатга мансуб раҳбарларнинг ҳаммаси ҳам рус тилини бирдек мукаммал билавермаслиги, русчани сал-пал тушунганлари ҳам ўз мулоҳазаларини мазкур тилда эркин ифода эта олмасликлари сўроққа тортилган ходимларда катта қийинчилик туғдирган. Шу боисдан уларнинг баъзилари ариза ёзишдан мақсадлари нима эканлигини олдиндан қоғозга ёзиб олиб, унга таянган ҳолда жавоб беришга ҳаракат қилишган. Комиссия аъзолари эса бу ҳолатга сиёсий тус берib, ушбу “шпаргалкалар” гурухбозлик курашининг ғоявий раҳнамолари томонидан маҳсус тайёрлаб берилганлиги хусусидаги хulosага келганлар. Ўзбекистон Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, республика НКВД “учлик” лари томонидан 1937-39 йилларда 41 мингдан зиёд киши қамоққа олиниб, улардан 6 минг 920 таси отиб ташланган эди.

Миллатнинг илфор тараққийпарвар зиёлилари қатағон қилиниши оқибатида халқимиз уларнинг ноёб асарларини ўқишдан узоқ вақт маҳрум бўлди.

Маълумки, совет ҳукмронлиги даврида дин давлатдан ажратилган, деб эътироф этилган диний эътиқод гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона тарзда таъқибу тазиيққа олинар эди. Ҳолбуки ижтимоий ҳаёт жабҳасида эътиқодсиз ҳаёт кечериш мумкин эмас. Совет тузумида бунга мутлақо эътибор берилмас эди. Балки, иложи борича, динга, диний тарбияга тўскинлик кўп бўлиб, жамиятдан уларни сиқиб чиқаришга ҳаракат қилинган. Советларнинг эътиқоди дахрийлик эди. 30-йилларнинг боши диндор ва эътиқодли кишиларга зўравонлик ва сиёсий қатағонликнинг чўққиси бўлди.

### **3.4 Советларнинг Ўзбекистонда юритган иқтисодий ва маданий-маърифий сиёсати, унинг мустамлакачилик моҳияти.**

XX аср 20-30 йиллардаги мураккаб ижтимоий-сиёсий вазият республика маънавий-маданий ҳаётида ҳам ўз аксини топди. Совет давлатининг “маданий инқилоб” тадбири жамиятнинг барча жабҳалари қаторида илм-фан, маданият, санъат, маориф, олий таълим соҳаларини ҳам ўз измига солган эди. Таълим-тарбиянинг ўчоқлари бўлган миллий мактабларга ҳам бу сиёсат ўзининг салбий таъсирини ўтказмасдан қолмади. Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллариданоқ анъанавий таълим тизимини йўқ қилиш авж олдирилди.

Давлат “пролетариат диктатураси”нинг мавжуд барча кучларидан фойдаланиб, совет сиёсий раҳбарияти қисқа муддат ичида Туркистонда Россия империяси ўрнатган таълим тизимини йўқ қилишга эришди. Бир вақтнинг ўзида анъанавий мактабларга нисбатан ҳам маъмурий-репрессив ҳамда иқтисодий чоралар кўрилди. Бироқ, кенг халқ оммаси анъанавий мактаб тарафдори бўлиб қолаверди. Туркистон мусулмонларига ўзининг мафкуравий таъсирини кенгайтириш мақсадида, совет “миллий” мактаблари тармоғини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди. Мустабид давлат муқобил ўқув масканлари фаолиятининг барча имкониятларини чеклаб қўйди. 1927 йил июндаги Ўз КП МҚ VI пленуми қарорлари бошлаб берган, дин асосларини емириш бўйича янгидан авж олган ҳаракат эски мактабга етказилган асосий зарба бўлди. Пленумнинг “Мусулмон руҳонийлари ва мактаб тўғрисида”ги резолюциясида: “Ислоҳ қилинган мактаблар зарарли эканлигини ҳисобга олиб,

бундан буён вақф мактабларини ислоҳ қилишга асло йўл қўйилмасин, шу вақтгача ислоҳ қилинган мактабларга келганда эса шу районда янги совет мактабларини очиш, шунингдек ислоҳ қилинган мактабларда диний фанларни ўқитиши ҳамда умуман руҳоний шахслар ўқитишини таъқиқлаш йўли билан ҳам уларни ёпиш учун бутун чоралар кўрилсин”, деб таъкидланган эди.

Айниқса, 1927 йилнинг декабрида ВКП (б)нинг XV съездида қабул қилинган қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш тўғрисидаги қарордан кейин маҳсус маърифий ҳайрия мулклари бўлмиш вақф мулклари тугатилиб, бунинг оқибатида анъанавий мактаблар ҳам иқтисодий асосдан маҳрум бўлдилар. Ушбу чоралар камдек, уларга дин-хурофот ўчоқлари тамғаси ёпиширилиб, ўн асрдан ортиқ тўпланган анъанавий қадриятлар кераксиз, зарарли, янги тузумнинг тараққиёт этишига тўсиқ бўлувчи ижтимоий институтлар сифатида изсиз тугатиб юборилди. Охир оқибатда 1920 йилга келиб, ТАССРда “социалистик” турдаги 2080 мактаб фаолият кўрсатиб, улардаги ўқувчилар сони эса, 174820 ни ташкил қиласин эди.

Анъанавий мактаб ва мадраса ҳамда жадид мактабларини йўқ қилиш билан бирга совет органлари маҳаллий аҳоли фарзандлари мактабларига ҳам жиддий эътибор беришмаган бўлса-да, совет ўқув масканларини ўқитувчи кадрлар ҳамда керакли маблағ билан таъминлай олиш имкониятларини топа олишган. Чунончи, совет таълим тизимиға мос ўқитувчи кадрларнинг миқдорий ўсишини таъминлаш кенг йўлга қўйилиб, 1917 йилнинг ўзидаёқ Тошкент, Андижон, Самарқанд, Кўқонда дастлабки ўқитувчилар тайёрлайдиган қисқа муддатли курслар ташкил этилган эди. 1920 - йилларнинг бошларига келиб, мана шундай курслар орқали 3 минг маҳаллий миллат ва 802 та европалик ўқитувчи тайёрланди.

Мана шундай шароитда маҳаллий зиёлилар замонавий миллий олий таълим тизимини яратиш, дунёвий билимлардан дарс бера оладиган ўқитувчилар тайёрлаш давр талаби эканлигини теран ҳис этиб, замонавий университет яратишга қарор қилдилар. Ўрта Осиёning биринчи университети

ҳисобланмиш ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети 1918 йил 12 майда жадид зиёлилари томонидан ташкил этилган.

Мунаввар Қори Абдурашидхонов ташаббуси билан Мусулмон Халқ университети (дорилфунуни)ни ташкил этиш гурухи сайланади ва 1918 йилнинг 9 апрелида унинг ҳовлисида шу дорилфунуннинг 9 кишидан иборат ташкилий ҳайъати таъсис этилади. Мусулмон Халқ дорилфунуни 1918 йилнинг 12 майда Тошкент шаҳрининг эски шаҳарида тантанали равишда очилди. Унинг 13 та мактаби 14 майдан очила бошлади, энг охиргиси эса 17 июнда таркиб топди. Улардан 4 таси аёллар мактаби эди.

1918 йилнинг 31 майда эса, Мусулмон Халқ дорилфунуннинг олий таълим босқичи- мусулмон дорилмуаллимини ташкил этилади. Лекин советлар сиёсий ва ижтимоий муҳитининг мураккаблиги ва Россиядаги сиёсий воқеаларни рўкач қилиб, 5 йиллик ўқишига мўлжалланган дорилмуаллимини фақат 4 ойлик ўқитувчилар курслари билан чегаралаб қўйдилар. Дорилфунуннинг ”Халқ дорилфунуни” номли газетаси биринчи сонининг чиқиши ҳам айни шу кунга тўғри келган эди.

Мазкур ўқув даргоҳида машғулотлар 1918 йилнинг 1 июнида қўйидаги ўқитувчилар таркиби билан бошланди: Абдурауф Фитрат, Иброҳим Исмоил, Бурҳон Ҳабиб, Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Абдулла Раҳимбоев, Абдураҳмон Исмоилзода, Ҳайдар Шавқий, Анна Поройкова, Владимир Сергеев. Институт мудири қилиб Иброҳим Исмоилов ва котиб Абдулла Раҳимбоев тайинланди.

Мусулмон дорилмуаллимини Туркистон Халқ университети маблағ билан таъминлаганлиги сабабли, моддий томондан тамоман унга бўйсунган эди. Олинган маблағ кўп ҳолларда ночор аҳволда яшаган ўқитувчиларнинг ҳаётини бирмунча бўлса ҳам енгиллаштиришга сарфланар эди. Мана шу муаммоларнинг барчаси кўрсатиб турганидек, мусулмон ўқитувчилари тайёрлайдиган курслар эмас, олий таълим маскани-институт нихоятда зарурлигини тушуниб етган мусулмон зиёлилари қанчалик ҳаракат қилишмасин уларнинг талаблари турли баҳоналар билан эътибордан четда

қолаверди. Тез орада Туркистон Халқ университети бошқармаси дорилмуаллиминда 1918 йил 15 августдан 1 сентябргача ўқиш тўхтатилиши ҳақида қарор қабул қиласи ва шу йилнинг кузидаги дорилмуаллимин иккинчи даражали ташкилот қаторида ёпиб қўйилади.

Мусулмон Халқ дорилфунуни 1918 йилнинг кузигача, бор йўғи 100 кун фаолият кўрсатган бўлса ҳам, Туркистон мусулмонларининг саводини чиқариш, илм-маърифатли қилиш, олий малакали миллий зиёлилар етиштириш каби ижобий ва ҳимматли, ўша давр учун ниҳоятда муҳим ишларни амалга оширишга, юртимизда маориф соҳасини ривожлантиришга эришди. Ўлкада миллий зиёлиларни етиштиришда муҳим аҳамият касб этган Мусулмон Халқ дорилфунуни фаолияти совет даври адабиётида мутлақо ёритилмаган, у ерда дарс берган 300 га яқин ўқитувчиларнинг номлари ҳозирги кунга келиб аниқланди.

Октябрь тўнташидан сўнг советлар шарқ аёлларини озодликка чиқариш учун кураш, уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш ҳамда янги ҳаёт қурилишига жалб қилиш кампаниясини авж олдириб юбордилар. Ушбу жараённинг энг чўққиси 1927 йил бўлиб, у тарихга “Хужум” ҳаракати номи билан кирди. Яъни, совет адабиётлари талқинида бу эски турмуш тарзига хужум қилиш маъносини англатар эди. Хужумнинг олдига қўйилган биринчи навбатдаги вазифаларидан бири бу- кўп хотинликка чек қўйиш, балоғатга етмаган қизларни турмушга беришни таъкидлуваш ва қалин пулинин бекор қилиш эди.

Бироқ, советлар шиддатли тус берган ушбу ҳаракат асрий анъаналарни ҳисобга олмаган қарорлар, кўрсатмалар асосида олиб борилди, кўп ҳолларда зўрлик ишлатилди. Қайси вилоят, қайси туманда, шаҳар ва қишлоқларда қанча хотин-қизлар паранжисини ташлаганлиги ҳақидаги маълумотлар мунтазам талаб қилина борди. Ишда бебошлиқ тус олганди: қўчаларда аёлларнинг паранжисини тортиб олишар, бир жойга йигиб ёқиб юборишарди.

Шарқ аёлларининг асрлар давомида муайян урф-одатлар ва шариат мезонлари билан шаклланган ижтимоий мавқеини уларни озодликка чиқариш ва эркаклар билан teng ҳуқуқли қилиш шиори остида фавқулодда ва шиддат

билин ўзгартирилиши кўп тўқнашувлар ва қурбонлар бўлишига сабаб бўлди. Масалан, 1928 йил 8 марта Ўзбек давлат концерт ва этнография гурухи иштирокчиси Тўпахон саҳнанинг ўзида ўлдирилади, бир йилдан сўнг эса Нурхон исмли актриса халок бўлди.

Шубҳасиз, “Хужум” шарқ аёллариға бирмунча эркинлик, ҳуқуқлар берди. Лекин, ушбу харакат босқичма-босқич, зўравонлик усулларини ишлатмасдан, ўта нозиклик билан кенг халқ омма онгини ушбу жараёнга тайёрлаб амалга оширилганда норасмий никоҳлар, ажралишлар, ёлғиз оналар, демографик жиҳатдан аёлларнинг эркакларга нисбатан кўплиги сабабли жамиятда оила қуриш ҳуқуқидан маҳрум бўлган “ортиқча” аёллар кўпайиб кетмас, эркаклар билан аёллар ўртасида “тengлик” ўрнатилиши оқибатида аёллар ўзининг шарқона латофатини йўқотиб қўймаган бўлар эди.

Компартияниң маданий меросни инкор этиш сиёсати араб ёзувини лотин графикасига алмаштириш ҳақидаги қарорида ҳам ўз аксини топди. Бунинг сабабини совет ҳукумати ”маданий ўсишда техник хусусиятга эга тўсиқлардан бири бу қолоқ транскрипциядир“ ҳамда ”анъанавий арабча ёзув фақатгина диний мусулмон анъаналари нуқтаи назаридангина қимматлидир“ деб уқтириб, араб ёзувининг мавқеини пасайтиришга ҳаракат қилдилар. Шу муносабат билан Ўзбекистон коммунистларининг III -қурултойи (1927 йил ноябр) “янги лотин алифбосига янада шиддатлироқ йўл билан ўтиш керак” деб таъкидлади ва 1929 йилда ўзбек ёзуви лотин графикасига ўзгартирилди. Чунки, Ўрта Осиёни араблар истило қилган VIII асрдан бошлаб нафақат диний китоблар, балки фаннинг барча соҳаларида ўн уч аср мобайнида яратилган ёзма маданият ёдгорликлари, ўлка аҳолиси амал қилиб келган ҳуқуқ манбалари ана шу ёзувда яратилган эди. Шу сабабдан бу маҳаллий халқни нафақат динидан балки маданияти, миллийлиқдан ажратиб, совет қолипига мажбуран солиш эди.

1940 йилда эса лотин графикасининг кириллица билан шошилинч алмаштирилиши, Ўзбекистон аҳолиси билим даражасининг ўсишига, ўзбек тилининг ривожига салбий таъсир кўрсатди. Ушбу ҳолат саводсизлар сонининг сунъий ўсишини келтириб чиқарди. Лекин энг ачинарлиси, маънавий ҳаёт тўла

руслаштирилиб, ҳамма жойларда ўзбек тили имкониятларининг чекланишига олиб келди.

Мустабид тузум советларча саводли шахсларни шакллантириш, “саводсизлик”ни тугатиш борасида шиддатли курашни авж олдириб юборди ва 1920 йилнинг 17 сентябрида ТАССР Маориф халқ комиссарлиги томонидан ахоли орасида саводсизликни тугатиш тўғрисида декрет қабул қилинади. Унга мувофик, 8 ёшдан 40 ёшгacha бўлган барча фуқаролар ўқиш ва ёзиши ўрганишлари шарт бўлган. ТАССР Маориф халқ комиссарлиги ҳузурида эса саводсизликни тугатиш билан шуғулланувчи фавқулодда комиссия таъсис этилади. “Саводсизликни тугатиш” (ликбез) мактаб ва курслари тармоғини яратиш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, 1920 йилнинг охирига келиб, “ликбез”ларнинг сони бир мингдан ошиб кетади. Уларни битирганлар эса 70 мингта эди. Ушбу мактаблар учун ўқитувчилар тайёрлашга ҳам катта эътибор қаратилиб, қисқа муддатда маҳаллий миллатга мансуб 2000 нафар ўқитувчи тайёрланди.

1924 йилнинг бошида эса “Битсин саводсизлик!” жамияти вужудга келади. Унинг ўзагини ўқитувчилар, талабалар ташкил қилган. Саводсизликни тугатиш бўйича ушбу жамият томонидан дастлабки пайтда 35 та мактаб очилиб, 10200 киши ўз саводини чиқарди. Расмий статистик маълумотларга кўра, 1937 йилга келиб, республикамизда саводсизлик тугатилиб, камсаводли кишилар сони 2 млндан зиёд бўлган. Аҳолининг советлар идроидаги умумий саводхонлиги 67,8% га этган эди.

Шу ўринда айтиш муҳимки, совет социалистик давлатчилиги ўзбек халқининг туб маънавий, ахлоқий қадриятларига мос келмас эди. Тарбиявий ишлар ҳам миллий манфаатларни акс эттирмас эди.

Совет ҳокимияти йилларида, айниқса, 20-йилларда адабий-маданий ҳаёт қизгин тус олди. Жадид адабиёти аср бошидан 20 йиллик ривожланиш тажрибасига таянган ҳолда тараққиётнинг янги босқичига кўтарилиган, ҳам шаклан, ҳам мазмунан баркамоллик касб этган ҳамда мазмун моҳиятига кўра 20-йилларда янги бир босқичга кўтарилиб, умумтуркий бадиий тафаккурнинг

забардаст сиймолари сифатида этироф этилган Фитрат, Қодирий, Ҷўлпонни маънавият майдонига чиқарди.

### **Саволлар:**

1. Совет даври тарихини қандай даврларга бўлиб ўрганилиш мақсадга мувофиқ?
2. Янгича назарий – концептуал қарашлар деганда нимани тушунасиз?
3. Қуролли қаршилик ҳаракатини қандай баҳолайсиз?
4. Қатағонлик сиёсати тарихига оид қандай тадқиқотлар мавжуд?
5. Кулоқлаштириш, коллективлаштириш ва ўзбек қишлоғи фожеаси, зўравонлик билан олиб борилган кўчириш сиёсати ҳақида қандай янги маълумотларга эгасиз?
6. Экологик фожеа деганда нимани тушунасиз?
7. XX аср 80-йилларида марказнинг “ўзбек иши”, “пахта иши” деб номланган сохта ишлари тарихини ўзида жамловчи қандай тадқиқотлар мавжуд?

#### **4-мавзу. Мустақиллик йилларида мамлакат тарихининг ўрганилиши.** **Режа:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида тарих фани масалаларининг акс этиши.
2. Мустақиллик йилларида амалга оширилган инновацион илмий-тадқиқот ишларининг таҳлили
3. Ўзбекистон тарихи фанидаги инновацияларни олий таълим ўқитиш тизимининг жорий этилишининг аҳамияти

*Калим сўзлар: тарих, инновация, маданият, цивилизация, ислоҳот, давлатчилик, этногенез, таълим, фан, тараққиёт, мустақиллик, тузум, замонавий инновацион технологиялар.*

#### **4.1 Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида тарих фани масалаларининг акс этиши.**

Уч минг йиллик давлатчилик тарихи, бой маданият ва бебаҳо маънавиятига эга, инсоният тамаддуни тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларни вояга етказган ўзбек халқи ҳаётида истиқлол туб маънавий янгиланиш жабҳасини бошлаб берди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов раҳнамолигида ижтимоий – иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар боис Ўзбекистон XXI - асрга замонавий тараққиёт йўли билан кириб келди.

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда ўтмиш воқелиги, тарих фанига бўлган муносабат давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мустабид тузум даврида сохталаштирилган ўтмиш воқелиги хусусида тарихийadolat қарор топди, тарихни илмий ва холисона ўрганиш имконияти юзага келди. Таълим тизимиға илк бора Ватан тарихи фани киритилди, миллатимиз қаҳрамонлари, олиму-уламо, саркарда, эл-юрт учун ҳаёти камарбаста бўлган буюк зотларнинг пок номлари ўтмиш зарварақаларидағи фахрли ўринларига қайтарилди. “Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази”, “Ўзбекистон ФА Тарих

институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорлар, Республикализ Президенти И.Каримовнинг 1998 йил июнь ойидаги бир гуруҳ тарихчилар билан учрашуви, “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, “Юксак маънавият – енгилмас куч”, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” каби асарлари Ўзбекистон тарихини замонавий тарзда ўрганишнинг назарий – концептуал асосини шакллантиришга туртки бўлиб хизмат қилди.

XX асрнинг 80-йиллари охирларида собиқ советлар мамлакатида ҳукм сурган мураккаб ва таҳликали вазият давридаёқ Ўзбекистон раҳбари И.Каримов соҳа вакилларининг “Ўзбекистон тарихининг кўпгина саҳифаларини қайта битишлари” масала моҳиятига илмийлик ва холислик нуқтаи-назаридан баҳо бериш масаласини олға сурган эди.<sup>2</sup>

Маънавиятнинг ўзаги бўлмиш ҳалқ хотираси, ўтмиш воқелигини англашга бўлган эҳтиёж йилдан-йилга ошиб бормоқда. Зеро, XXI-информацион технологиялар асри даврида инновацион ғоя ва ёндашувлар тарих фанига бўлган муносабатни янада юқори даражага қўтармоқда. Ҳозирги кунга келиб ижтимоий ҳаёт соҳасининг барча қатламларига инновация атамаси шиддат билан кириб келмоқда. Ўзбекистонда ушбу масалага катта аҳамият билан қаралмоқда. Мустақилликнинг дастлабки давриданоқ илм-фан соҳасига инновацияларни татбиқ этиш масаласига катта эътибор билан қаралди. 1992 йил 8 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг “Инновацион фаолият ва илм-фан ривожлантиришини давлат томонидан қўллаб-куватлаш тўғрисида”ги Фармонида таълим соҳаси, хусусан олий таълимда дастлабки инновацион ишланма, ғояларга кенг йўл очилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги” 2008 йил 15 июлдаги қарори барча соҳаларда инновацияларни тадбиқ этишни замонавий ишлаш жараёнининг узвий бўлагига айлантирди. Мамлакатимизда илм-фан соҳасига қаратилаётган юксак эътибор боис фан соҳасидаги кашфиётлар,

---

<sup>2</sup> И.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011, 91- бет.

замонавий инновацион технологияларга оид лойиха ва ишланмалар амалий ҳаёт борасида тобора кенг равишда ўз ўрнини топмоқда.

Таъкидлаш жоизки, фақат инновациялар, инновацион ғояларгина илм-фанини тараққий этишига таъсир кўрсатувчи муҳим омил ҳисобланади. Шунингдек, ҳозирги давр илм-фан ва таълим соҳасининг уйғунлашувини ҳам талаб қиласи. Кези келганда қайд этиш лозимки, таълим тизимининг сифат жиҳатидан такомиллашуви учун аввало илм-фан янгиликлари, инновацияларни ўзида жо этиши зарур. Юқорида билдирилган мулоҳазалар замонавий шароитда тарих фанидаги инновация, янгиликларни ўрганиш ҳамда бир жойга жам этиш, илмий жамоатчилик апробациясидан ўтган тадқиқот натижаларини амалиётга тадбик этиш заруриятини келтириб чиқаради.

#### **4.2 Мустақиллик йилларида амалга оширилган инновацион илмий-тадқиқот ишларининг таҳлили**

Уч минг йиллик давлатчилик тарихи, бой маданият ва бебаҳо маънавиятига эга, инсоният тамаддуни тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларни вояга етказган ўзбек халқи ҳаётида истиқлол туб маънавий янгилиниш жабҳасини бошлаб берди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов раҳнамолигида ижтимоий – иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар боис Ўзбекистон XXI - асрга замонавий тараққиёт йўли билан кириб келди.

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда ўтмиш воқелиги, тарих фанига бўлган муносабат давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Мустабид тузум даврида сохталаштирилган ўтмиш воқелиги хусусида тарихий адолат қарор топди, тарихни илмий ва холисона ўрганиш имконияти юзага келди. Таълим тизимида илк бора Ватан тарихи фани киритилди, миллатимиз қаҳрамонлари, олиму-уламо, саркарда, эл-юрт учун ҳаёти камарбаста бўлган буюк зотларнинг пок номлари ўтмиш зарварақаларидағи фахрли ўринларига қайтирилди. “Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази”, “Ўзбекистон ФА Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорлар, Республикаимиз Президенти И.Каримовнинг 1998 йил июнь ойидаги бир гуруҳ

тариҳчилар билан учрашуви, “Тариҳий хотирасиз келажак йўқ”, “Юксак маънавият – енгилмас куч”, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” каби асарлари Ўзбекистон тарихини замонавий тарзда ўрганишнинг назарий – концептуал асосини шакллантиришга туртки бўлиб хизмат қилди.

XX асрнинг 80-йиллари охирларида собиқ советлар мамлакатида хукм сурган мураккаб ва таҳликали вазият даврида ёқ Ўзбекистон раҳбари И.Каримов соҳа вакилларининг “Ўзбекистон тарихининг кўпгина сахифаларини қайта битишлиари” масала моҳиятига илмийлик ва холислик нуқтаи-назаридан баҳо бериш масаласини олға сурган эди.<sup>3</sup>

Мустақиллик йилларида тарихчи олимлар томонидан катта аҳамиятга молик илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилди, долзарб мавзуларни ўз ичига олган кўплаб номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди, қатор илмий адабиёт, монографиялар нашр юзини кўрди, фан юзасидан тегишли муаммоларни қамраб олган, республика ва халқаро миқёсидаги илмий анжуманлар ташкил қилинди, дунёнинг нуфузли ва етакчи илмий марказлари билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди, замонавий талабларга асосланган қатор янги авлод ўқув адабиётлари чоп этилди. Мазкур ўзгариш ва янгиликларни қуйида олинган аниқ далил ва мулоҳазалар баёни орқали таҳлил этиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Археолог ва антрополог олимлар томонидан ибтидоий жамоа тузуми даври юзасидан қатор изланишлар амалга оширилди. Фарғона водийсидаги қадимийлик даражаси 1 млн. йил бўлмиш Селенғур горидан топилган палеолит даврига оид “фергантроп” одами қолдиқларининг ўрганилиши ҳамда 2003 йили ўзбек археологларининг халқаро экспедиция билан ҳамкорликда олиб борган тадқиқотлари натижасида Обираҳмат манзилгоҳидан топилган қадимги тош даврига оид инсон қолдиқлари Ўзбекистон – инсоният пайдо бўлган худудлардан бири бўлганлигини тўлақонли равишда исбот қилди. Шунингдек, ўзбек давлатчилигининг юзага келиши ва шаклланиши, қадимги Хоразм, Бақтрия, Сўғд давлатлари тарихи юзасидан эътиборга молик тадқиқотлар амалга оширилди. Ўтмиш

---

<sup>3</sup> И.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011, 91- бет.

аждодларимиз томонидан яратилган муҳим тарихий манба бўлмиш – “Авесто” китобининг ватани Хоразм воҳаси эканлиги исбот қилинди. Мамлакатимиз ҳудуди қадимданоқ Шарқ ва Ғарб савдо–иктисодий муносабатлари туташган, турли маданиятлар уйғунлашган жой ҳисобланган. Заҳматкаш ва меҳнатсевар, туб жой ўтроқ аҳоли томонидан Узунқир, Бандиҳон, Ерқўргон, Афросиёб, Тупроққалъа ва бошқа кўплаб илк шаҳарсозлик маданияти асносида кейинчалик кўплаб маълум ва машхур шаҳарлар вужудга келди. Мустақиллик йилларида таваллуд ёшлари минг йилликларга бориб тақалувчи, жаҳон ва шарқ цивилизацияси тараққиётига катта ҳисса қўшган Самарқанд (2750 йил), Шахрисабз (2700 йил), Қарши (2700 йил), Термиз (2500 йил), Хива (2500 йил), Бухоро (2500 йил), Тошкент (2200 йил), Марғilon (2000 йил) шаҳарларининг юбилейларини кенг нишонланишида тарихчи, археолог, шарқшунос олимларимиз томонидан амалга оширилган тадқиқотларнинг самараси юқори даражада бўлди. Истиқлол йилларида Шарқ ва Ғарб ўртасида савдо-иктисодий ва маданий кўприк вазифасини ўтаган “Буюк ипак йўли” тарихи илк бора тадқиқ этилди.

Қадимги ва ўрта асрлар тарихини ўрганишда шунингдек, тарихий манбаларни таржима қилиш, таҳлил этиш, нумизматик материаллар баёни ҳам катта роль ўйнади. Ўзбекистон тарихининг воқелик ва жараёнларга бой бўлмиш ўрта асрлар даври тарихи бўйича ҳам кўплаб аҳамиятга молик ишлар амалга оширилганлигини таъкидлаш жоиз. Шарқшунос олимлар томонидан шу даврга оид қатор тарихий манбалар таржима қилинди. Ўрта асрлар давлатчилиги ва давлат бошқаруви, ижтимоий-иктисодий муносабатлар хусусида илмий изланишлар амалга оширилди. Хусусан, туркий ҳоқонлик даври тарихи, туркий – суғд симбиози, кам ўрганилган қорахонийлар, қорахитойлар тарихи масаласи атрофича ва чуқур ёритилди. Ўзбек халқининг этногенези масаласи бўйича тегишли тадқиқот ишлари амалга оширилди, кўплаб жараёнларга аниқликлар киритилди.

Мовароуннаҳр замини ўрта аср мусулмон шарқида маърифат ва маданият маскани сифатида донг таратган ўлка ҳисобланган. Юртимиздан етишиб чиққан

ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, ал-Фаробий, ибн Сино, Беруний, Замахшарий ва бошқа буюк аллома, қомусий олимларнинг илмий мероси ҳақли равища умумбашарий мулкка айланган. Собиқ совет даврида ушбу олимларнинг илмий меросига бир томонлама муносабат шаклланган бўлса, мустақиллик йилларига келиб ушбу буюк зотлар фаолияти ва илмий мероси ҳар томонлама чуқур ўрганилиши бошланди. Ўлкамиз шунингдек, ислом дини тараққиётiga улкан ҳисса қўшган мухаддис, диншунос олимлар, тасаввуф илми намоёндалари юрти ҳам ҳисобланади. Совет мустабид даврида номи унут даражасига келиб қолган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Ҳаким ат-Термизий, Имом ал-Мотурудий, Абдулҳолик Ғиждувоний, Бурҳониддин Марғиноний, Баҳовуддин Нақшбанд, Қаффол Шоший, Хожа Ахрор ва бошқа диний арбобларнинг табаррук номларини тиклаш, уларнинг асарларини кенг жамоатчиликка, халқимизга таништиришда айнан шарқшунос-тарихчи олимларнинг ҳиссаси катта бўлди. Зеро аждодларимиз муқаддас дини бўлмиш исломнинг том маънодаги эзгулик ҳамда камолотга эришиш йўлидаги буюк маънавий қудратини намоён этишда юқорида номи зикр этилган олимлар катта жонбозлик кўрсатишиди. Алоҳида олинган давлат арбоблари ва саркардалар фаолияти ҳақида сўз кетганди Жалолиддин Мангубердини алоҳида таъкидлаш лозим. Айнан мустақиллик йилларида номи тарих зарварақаларига қайтарилган ушбу буюк саркарданинг фаолияти тўғрисида қатор адабиётлар нашр этилди. Унинг 800 йиллик таваллуд ёшига бағишлиланган 1998 йилги халқаро анжуманида қайд этилганидек, Жалолиддин Мангубердининг фаолияти, Ватан озодлиги йўлидаги мashaққатли ҳаракатлари қатор Шарқ мамлакатлари тарихшунослигида ҳам ўз ўрнини топган. Мазкур даврга оид муҳим тарихий манба бўлмиш тарихчи ан-Насавийнинг “Жалолиддин Мангубердининг ҳаёт фаолияти” асарини ҳамда машхур шарқшунос олим З.Бунёдовнинг мавзуга оид китобини ўзбек тилига таржима қилиниши тадқиқотчилар учун катта изланишлар имкониятини яратди.

Мустақиллик йилларида ўзбек тарихшунослигида рўй берган энг муҳим ўзгариш, яъни тарихий адолатни қарор топиши – бу буюк Соҳибқирон Амир

Темур пок номини тикланиши бўлди. Юртбошимиз таърифи билан айтганда “... тенгсиз азму шижаат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо” номи бутун жаҳонга маълум ва машҳур бўлган буюк шахслар қаторидан жой олган. XX аср 90-йиллари ўзбек тарихшунослигида Амир Темур даври тарихи, давлат бошқаруви хусусида кўплаб аҳамиятга молик тадқиқот ишлари амалга оширилди. Илк бора “Темур тузуклари” китоби ўзбек ва бошқа тилларга ўгирилди, шу даврга оид қатор тарихий манбалар, жумладан Низомиддин Шомий, Шарафуддин Али Яздий, ибн Арабшоҳ, де Клавихо ва бошқаларнинг асарлари таржима қилинди, Амир Темурнинг Ўрта Осиё ва жаҳон тарихида тутган улкан роли ва хизмати очиб берилди, Темурнинг миллатимиз фахри ва қаҳрамонлиги образи дарсликлардан жой олди, Амир Темур давлати ички ва ташқи сиёсати хусусида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилди ва ҳакозо. 1996 “Амир Темур йили”да Парижда ва Тошкентда ўтказилган халқаро илмий анжумандарда башарият тарихида буюк Соҳибқирон тутган ўрни мавзуси қатор таниқли ўзбек ва жаҳон олимларининг чиқишлиарида ўз аксини топди. Амир Темур шахси, фаолияти, у барпо этган давлат тарихи XXI асрда нафақат Шарқ, балки Ғарб дунёси, илмий жамоатчилигига ҳам улкан қизиқишига сабаб бўлмоқда.

Истиқлол йилларида Амир Темурнинг ўғли, деярли қирқ йил Темурийлар салтанатида зукколик ва оқиллик билан хукм сурган Шоҳруҳ Мирзонинг фаолияти илк бора илмий жиҳатдан ўрганилди. Шоҳруҳ Мирzonинг Темурийлар салтанати бирлигини сақлаб қолишдаги ўрни ва роли очиб берилди. Фиёсиддин Наққош, Абдураззоқ Самарқандий сингари дипломат ва саёҳатчиларнинг асарлари таржима қилинди. Ҳолбуки Шоҳруҳ Мирzonинг фаолияти хусусида мустақиллик даврига қадар алоҳида олинган тадқиқот иши амалга оширилмаган эди.

“...Тинчлик, тотувлик, илм-фан ва маданиятни тараққий топтириш йўлида улкан шижаат ва матонат кўрсатган” буюк олим ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек (Муҳаммад Тарагай)нинг фаолияти хусусида вақтида кўплаб китоблар ёзилган эди. Лекин, фақат истиқлол шарофати ила Мирзо Улуғбекнинг

фаолияти ва илмий мероси том маънода чуқур ва ҳар томонлама ўрганилиши бошланди. 1994 “Мирзо Улуғбек” йили да ЮНЕСКО ташаббуси билан Парижда ва Тошкентда ўрказилган илмий анжуманларда Мирзо Улуғбек даври тарихи юзасидан кўплаб эътиборга молик тадқиқотлар амалга оширила бошланганлиги аён бўлди. Илк бора Мирзо Улуғбекнинг давлат арбоби ва маданият ҳомийси сифатидаги тарихдаги ўрни ва роли очиб берилди. Ҳам шоҳлик ҳам олимликни ўзида юксак салоҳият ила мужассам қила олган улуг зот фаолияти хусусида нафақат тарихчи олимлар, балки табиий фан вакиллари ҳам қатор тадқиқотларни амалга оширдилар. Мазкур ҳолат 2009 йил Самарқандда ўтказилган халқаро илмий анжуманда ҳам тўлиқ ўз аксини топди. XVI- XIX асрлар I – ярми ўзбек хонликлари ҳукмронлиги даври кўп жиҳатдан жаҳон цивилизациясидан узоқлашиш, илм-фан, техника ютуқларидан бебаҳра қолиш, ҳудуднинг кўп ҳолда ўзаро низо ва урушлар домига тортилиши ўлкада қолоқлик, хурофат, парокандаликнинг кучайишига олиб келди. Бу давр юқоридаги ҳолатлар билан характерланган бўлиб, уч асрлик даврнинг кўпгина қисмлари эътибор ва таҳлилдан четдан қолди, кўпгина масалалар ўрганилмади, қолоқлик сабаблари таҳлил этилмади ва ҳоказо. Мустақиллик даврига келиб масаланинг муаммовий жиҳатларини ечиш заруриятидан келиб чиқкан ҳолда ушбу давр юзасидан ҳам тегишли тадқиқот ишлари амалга оширила бошланди. Хусусан илк бора давлат бошқаруви хонликларнинг Европа ва Шарқ мамлакатлари билан муносабатлари, шаҳарлар тараққиёти, савдо муносабатлари, ҳарбий иш ва ҳарбий санъат тарихи ва бошқа ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёт тарихига оид масалалар юзасидан тадқиқот ишлари амалга оширилди, кўплаб тарихий адабиётлар чоп этилди, тарихий манбалар таржима қилинди.

XIX аср II- ярми – XX аср бошлари Россия империяси мустамлақаси бўлмиш – Туркистон ўлкаси тарихида ҳам маълум бўшлиқ, сохталаштирилган саҳифалар мавжуд бўлган. Мустақиллик йилларида қуйидаги масалалар илк бора ўрганилиб, кенг илмий жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилди: ўлкада рўй берган миллий-озодлик ҳаракатлари ва уларнинг йўлбошчилари фаолияти,

жадидчилик ҳаракати, жадид маърифатпарварларининг зиё тарқатиш йўлидаги жонбозлиги, саъй-ҳаракатлари, агар соҳада пахта яккаҳокимлигининг жорий этилиши, мустамлака маъмуриятининг ҳарбий-зўравонлик бошқаруви ва унинг оқибатлари, таълим тизими, XIX-аср охирлари XX-аср бошларидаги Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги тарихи, ички сиёсат ва Россия империяси билан муносабатлар, мустамлака маъмуриятнинг кўчириш сиёсати, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаёт бобидаги бошқа турли масалалар. Юқорида қайд қилинган масалалар кўплаб номзодлик ва докторлик диссертацияларига тадқиқот обьекти сифатида танлаб олиниб, фанда ўз ечимини топган мавзулар сирасига кирган. Шунингдек, кўплаб анжуман, чиқишиларда, чоп этилган монография, ўкув адабиётларида ҳам ушбу масала ёритиб берилган.

Инсоният тарихида зиддиятли ва мураккаб жараёнлар, тарихий воқеликларга бой бўлмиш XX аср тарихи мустабид совет даврида ўта сиёсийлаштириб, тегишли мафкура қобигига ўралган, тузум маънавий қуролига айлантирилган эди. Табиийки, 70 йилдан зиёдроқ ҳукм сурган мустабид совет даври тарихи, илмий адабиётларида мазкур ҳолат ўз аксини топган эди. Ўзбекистоннинг совет мустабид ҳукмронлиги даври тарихини мустақиллик йилларида замонавий назарий-концептуал, методик ёндашувлар асосида қайта илмий ва холисона равишда ёритилиш жараёни йўлга қўйилди. Жумладан, илк бора ватан тарихшунослигига совет мустабид тузумига қарши қуролли ҳаракат масаласи тадқиқ этилди, совет давлатининг Ўзбекистонда юритган ижтимоий-иқтисодий, маданий – маърифий сиёсатининг бир томонлама салбий характеристи очиб берилди, ўлкамизда амалга оширилган “маданий инқилоб”, “Хужум” ҳаракатига янгича баҳо берилди, Ўзбекистонни пахта хом-ашё базасига айланиши, унинг асоратли оқибатлари, совет даврида тарихий-демографик ҳолат, инқирозий вазият, экологик фожеа, ижтимоий ҳаётдаги муаммолар ва бошқалар очиб берилди. Мамлакатимиз тарихининг очилмаган саҳифаларини ўрганишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 1999 йил 12 майдаги мустабид тузум даврида Ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлида қатағонга учраб ҳалок бўлган ватандошларимиз хотирасини абадийлаштириш

тўғрисидаги қарори катта роль ўйнади. Ушбу қарор ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик, юртга садоқат руҳида тарбиялашда катта аҳамият касб этиб, ўтмишда озодлик ва эрк учун курашганларнинг оғир қисматларини баён этишни кун тартибига қўйган эди. Совет қатағонлик сиёсати, Ўзбекистонда унинг ўзгача, янада чуқур ва шавқатсиз услуби, таникли давлат арбоблари, фан, адабиёт, маданият вакилларининг халқ эрки, Ватан равнақи йўлидаги оғир тақдир йўллари тарихчи олимларни янги изланиш ва тадқиқотларга сафарбар бўлишга туртки бўлди. Юқори фуқаролик позицияси ва ватанпарварлик туйғуси билан ҳамда тегишли илмий салоҳиятни уйғунлаштира олган тарихчилар бу борада салмоқли ишларни амалга оширидилар. Советларнинг нафақат қатағонлик сиёсати, балки бутун совет даврида кечган қулоқлаштириш, колективлаштириш ва ўзбек қишлоғи фожеаси, зўравонлик билан олиб борилган кўчириш сиёсати, XX аср 80-йилларидаги марказнинг “ўзбек иши”, “пахта иши” деб номланган сохта машъум жараёнлари ҳам тадқиқот обьектлари сафидан жой олди. Қайд қилинган масалалар юзасидан кўплаб диссертация ҳимоялари амалга оширилди, илмий анжуманларда маъruzалар қилинди, илмий рисола, адабиёт, монографиялар нашр этилди. Натижада кўплаб воқелик ва жараёнларга замонавий тарзда илмий ва холис баҳо берилди.

Маънавиятнинг ўзаги бўлмиш халқ хотираси, ўтмиш воқелигини англашга бўлган эҳтиёж йилдан-йилга ошиб бормоқда. Зоро, XXI-информацион технологиялар асри даврида инновацион ғоя ва ёндашувлар тарих фанига бўлган муносабатни янада юқори даражага кўтармоқда. Ҳозирги кунга келиб ижтимоий ҳаёт соҳасининг барча қатламларига инновация атамаси шиддат билан кириб келмоқда. Ўзбекистонда ушбу масалага катта аҳамият билан қаралмоқда. Мустақилликнинг дастлабки давриданоқ илм-фан соҳасига инновацияларни татбиқ этиш масаласига катта эътибор билан қаралди. 1992 йил 8 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг “Инновацион фаолият ва илм-фан ривожлантиришини давлат томонидан

қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармонида таълим соҳаси, хусусан олий таълимда дастлабки инновацион ишланма, ғояларга кенг йўл очилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги” 2008 йил 15 июлдаги қарори барча соҳаларда инновацияларни тадбиқ этишни замонавий ишлаш жараёнининг узвий бўлагига айлантирди. Мамлакатимизда илм-фан соҳасига қаратилаётган юксак эътибор боис фан соҳасидаги кашфиётлар, замонавий инновацион технологияларга оид лойиҳа ва ишланмалар амалий ҳаёт борасида тобора кенг равишда ўз ўрнини топмоқда.

Таъкидлаш жоизки, фақат инновациялар, инновацион ғояларгина илм-фани тараққий этишига таъсир кўрсатувчи муҳим омил ҳисобланади. Шунингдек, ҳозирги давр илм-фан ва таълим соҳасининг уйғунлашувини ҳам талаб қиласи. Кези келганда қайд этиш лозимки, таълим тизимининг сифат жиҳатидан такомиллашуви учун аввало илм-фан янгиликлари, инновацияларни ўзида жо этиши зарур.

#### **4.3.Ўзбекистон тарихи фанидаги инновацияларни олий таълим ўқитиши тизимининг жорий этилишининг аҳамияти**

Тарих фани ижтимоий тараққиёт ва ўтмишга оид ҳар хил воқеа-ҳодисаларнинг изчил ривожланиши, уларнинг қачон, қаерда, қандай ҳолатда юз берганлиги, инсониятнинг пайдо бўлиши ва унинг тадрижий-эволюцион ривожланиш жараёни ва бошқаларни ўрганади. Шунингдек, Ўзбекистон тарихи умумжаҳон-инсоният тарихининг ажралмас қисми ҳисобланиб, у оламшумул воқеликларга жуда бой. Ўзбекистон тарихи фани мана шу воқеликларни бошидан кечирган қадим ва яқин аждодларимизнинг ҳаёти қандай бўлганлигини, жаҳон тарихи тараққиётига қўшган ҳиссаларини холисона ва ҳаққоний ўрганади.

Таъкидлаш лозимки, тарихий, миллий-маданий, ахлоқий ва диний қадриятларни ўрганиш, тиклаш ва янги асосларда ривожлантириш – ёшлар, таълим ва тарбия тизимидағи талабаларнинг дунёқарашида миллий ғуур ҳамда

ўзликни англаш, улар онгида ватанпарварлик, инсонпарварлик ғояларини янада мустаҳкамлаш бугунги давр талабидир. Айнан шунинг учун ҳам Олий таълим тизимида «Ўзбекистон тарихи» фанини ҳар томонлама ҳамда чуқур ўқитиш мақсадида янги авлод ўқув дастурлари, ўқув қўлланмалар ва дарсликлар яратилиб, бу борадаги илмий тадқиқотлар натижалари ўқув жараёнига жорий этилмоқда.

Тарихий ҳақиқат тўла рўёбга чиқиши, ҳаққоний тарих ёзилишида тарих фанининг предмети ва обьектини тўғри белгиланиши ўта муҳим аҳамиятга эга. Чунки, Ўзбекистон тарихи фани учун ҳам бошқа барча фанлар қатори предмет ва обьект масаласи асосий масала бўлиб ҳисобланади. Зеро, фан унинг ўрганиш предмети ва обьекти аниқ бўлмаса, унинг олдидаги вазифа ноаниқ бўлиб, мақсадга эришиш мушкул бўлади. Бундай ҳолат ўқув жараёни самарадорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон тарихи фани бошқа ижтимоиёт ва табиат фанларидан фарқли ўлароқ мустақил фан. Шунингдек, у барча фанлар орасида алоҳида ўз ўрни ва мавқега эга. У барча фанлар тарихини ҳам ўз ичига олган ҳолда уларнинг ривожига катта таъсир этади. Бу унинг ўрганиш предмети ва обьекти ҳамда вазифасида тўла намоён бўлмоғи керак. Тарих фани ўз хусусиятига кўра, **биринчидан**, ўзининг бутун диққат эътиборини фақат ўтмишга қаратади, ундан сабоқ беради, хулоса чиқаради, аждодларимизнинг мозийда қолган ҳаёт тарзини, улар яратган моддий-маданий, маънавий-мафқуравий қадриятларни ўрганади.

**Иккинчидан**, Ўзбекистон тарихи фани бошқа ижтимоий фанларга нисбатан анча аниқ фандир. У математика усулидан кенг фойдаланади. Тарихий воқеа ва ҳодисалар қатъий аниқликда, даврий кетма-кетлик-хронологик асосда ўрганилади. Шунингдек, тарихий воқеа ва ҳодисалар, ҳужжат ва далилларнинг ҳақиқий ва ҳақиқий эмаслиги, улар қачон, қаерда, қандай тарихий муҳит ва шароитларда тарихан воқеъ бўлганлиги аниқланади. Ва ниҳоят, бўлиб ўтган воқеликларнинг аниқ сабаб ва оқибатлари, шу билан бирга, уларнинг аниқ шакл-шамойиллари ва ҳолати аниқланади.

**Учинчидан**, Ўзбекистон тарихи фани мамлакатимиз ўтмишидаги иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг аҳволи, ривожланиши ва таназзулининг сабаб ҳамда оқибатларини ўрганади, улардан келажак учун сабоқ ва хулоса чиқаради. Бу эса келажак авлодлар учун дастуриламал бўлади.

**Тўртинчидан**, Ўзбекистон тарихи фани қўп қирралик ва хилма-хиллик хусусиятига эга. У жамият тараққиёти ва инқирозларининг фақат бир томонинигина эмас, балки жамиятнинг ҳамма томонларини узвий ўзаро боғлиқликда, бир бутунликда ўрганади. Ўзбекистон тарихи фани, Ўзбекистоннинг ўтмишидаги ва ҳозирги худудида энг қадимги даврлардан то ҳозиргача кечган воқеликлар, инсоният ҳаёти, табиат ва жамият тараққиёти ҳамда таназзулини таҳлил қиласди. Унинг ўрганиш предметига эса, мана шу макондаги жамики хилма-хил воқеа ва ҳодисалар, улардаги умумий алоқадорлик ва яхлит бирлик ҳамда қонуниятлар ҳодисаси ва жараёнлар, умуман, халқ ва инсоннинг яратувчанлик фаолияти киради.

Бу ўринда таъкидлаш лозимки, бутун бир халқлар, элатлар, миллатлар ва давлатларга таалуқли бўлган мураккаб ижтимоий-сиёсий иқтисодий ва маданий жараёнлар тарихда ўз аксини топади. Тадқиқотчиларнинг эътироф этишларича, инсон ҳар қандай тарихнинг предмети ҳисобланади. Ҳар бир воқеа, ҳодиса инсон (ёки унинг бир груҳи-халқ) ҳатти-ҳаракати, унинг кўзлаган маълум мақсадга интилиши жараёнида содир бўлади. Ўзбекистон тарихи фанининг ўрганиш макони-объекти Ўзбекистоннинг тарихидир. Тарихий обьект (макон)га нисбатан Ўзбекистон тарихи фанининг мақсади, вазифаси, йўналиши ва ҳаракат (фаолият) доираси ёки чегараси белгиланади. Маълум бир маънода обьект билан предмет бир-бирига жуда яқин тушунча бўлса-да, улар тарих фанида тутган ўрни ва вазифаси билан фарқланади.

Объект аниқ тарихий давр, макон, замон ва географик минтақавий чегаралар, маълум бир халқ, миллат, мамлакат тарихи билан боғлик бўлиб, маълум худуд доирасидаги воқеа ва ҳодисаларнинг бир бутун ва яхлитликда ўз ичига олади. Предмет эса мана шу бир бутун обьект ичидағи аниқ сиёсий, тарихий-маданий, ижтимоий-иқтисодий жараёнлардан иборат бўлади.

Ўзбекистон тарихи фани фан сифатида ижтимоий-сиёсий, умуминсоний фан бўлиб, инсон ва миллат ўз ўтмишини билиши, ўзлигини англаши ҳамда келажагини белгилашида асосий дастуриламал ҳисобланади. Шу билан бирга, у ижтимоий-сиёсий ҳаёт соҳасидаги ягона фан ҳам эмас. Жамият, инсоният ва табиатнинг ўтмишини ўрганувчи бошқа соҳа фанлари ҳам бор. Масалан, археология, этнология, геология, антропология, демография, маданият, иқтисодиёт ва бошқа фанлар шулар жумласидандир. Аммо бошқа фанларнинг ҳаммаси ҳам, табиат, жамият ҳам аввало, катта тарихда акс этади. Соҳа тарихи фанлари ҳам тарих фанининг ўрганиш обьекти ва предмети ҳисобланади.

Тарих фани бошқа, айниқса, ижтимоий-гуманитар фанлари билан мустаҳкам ва узвий алоқа бирлигида ривожланади. Шунинг учун ҳам, тарихчилар фалсафани, адабиёт ва тилни, диншуносликни ва бошқа фанларни билмай туриб, ҳаққоний тарихни тўла ёритиб беролмайдилар.

Шуни ҳам айтиш лозимки, тарих билан бошқа ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўрганиш обьекти битта яъни жамиятдир. Предмети эса инсон ва табиатдир. Шунинг учун ҳам бошқа фанлар тарих фани тараққиётига, тарихий ҳақиқатларнинг рӯёбга чиқишига бевосита ёрдам беради. Шунингдек, тарих фани ҳам бошқа соҳа фанлари ривожига катта таъсир этади. Аммо, шуни ҳам таъкидлаш жоизки, тарих бошқа фанларни, шунингдек ижтимоий-гуманитар фанларнинг ҳам тарихидир. Чунки бошқа фанларнинг ҳаммаси ҳам, тарих маҳсулидир.

Қисқа қилиб айтганда, тарих фани яъни, Ватан тарихи-миллат ва Ватан келажагининг равнақ топишида муҳим аҳамиятга эга. Масаланинг моҳияти шундаки, **биринчидан**, ижтимоий-гуманитар фанларнинг ривожланиши ҳар жиҳатдан тарих фанининг нақадар ҳаққоний бўлишига боғлиқдир. Чунки улар тарих билан бевосита боғлиқ. **Иккинчидан**, Тарих фалсафаси қанчалик тўла ва равон юзага чиқса, бошқа ижтимоий-гуманитар фанларнинг мазмун ва моҳияти ҳамда таъсирчанлиги ҳам шунча юксак даражада бўлади.

Тарих фалсафаси деганда, тарих яъни ўтмиш тажрибаси ва сабоғидан тўғри хулоса чиқара олиш тушунилади. Бошқача айтганда, ўтмиш-тарихга

қараб, келажакни ҳис этиш, кўра билиш ва тўғри белгилай олиш ҳам тарих фалсафасини англашни билдиради.

Тадқиқотчиларнинг эътироф этишларича, инсоннинг шахсий манфаат ва эҳтиёжлари, қолаверса, унинг қобилияти, истеъодиди, воқеаларни теран идрок этиши тарих фалсафасини англаб этишда муҳим аҳамият касб этади. Айнан шу нуқтаи назардан олиб қараганда, инсон ақл-идроқи, унинг тафаккур даражаси, ҳаётий фалсафаси, жамият тараққиёти йўлидаги барча сайъи-ҳаракатлари ва интилишлари маълум миллат ва жамият менталитетини белгилаб беради. Мана шу менталитет миллат ёки ҳалқнинг умуммаданий-маънавий даражаси, ақл-идроқи ва тафаккур майдонининг салоҳиятига қараб ўзига хос мазмун-моҳият касб этади. Тарих эса, ана шу ўта мураккаб, ўта зиддиятли, шу билан бирга ниҳоятда қудратли руҳият орқали, фаолият орқали хотирага айланади. Назаримизда, бу ҳолат тарих фалсафасини ўзида ифода этади.

### **Саволлар:**

1. Республикамиз Президенти И.Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асарида қандай долзарб масалалар кўтарилган?
2. Замонавий инновацион технологиялар деганда нимани тушунасиз?
3. Тарих фанида амалга оширилган қандай муҳим инновациялардан ҳабардорсиз?
4. Тарихда фан ва таълим уйғунлиги нималарда акс этиши керак?
5. Мамлакатимизда инновацион лойиҳа ва ғояларни амалга ошириш борасида қабул қилинган қайси қарорларни биласиз?
6. Тарих фанида информацион технологиялар қандай фойдаланиш мақсадга мувофиқдир?

## ГЛОССАРИЙ

**Абдулмалик тўра (Катта тўра)** – 1848-1909 йилларда яшаб ўтган.

Бухоро амири Музффарнинг (1860-1885) катта ўғли, таҳт вориси. 1868 йили амирликда кўтарилигандан халқ-озодлик қурашига етакчилик қилган. Ўз атрофида кўплаб ватанпарвар шахслар, жумладан Сиддик тўра, Жўрабек, Бобобек ва бошқаларни бирлаштиргна. Амирликнинг  $\frac{1}{3}$  қисмини ўз назорати остига олишга муваффақ бўлган. Акромов бошчилигидаги империя қўшинлари томонидан Қашқадарё бўйидаги жангда (1868 йил 19 октябрь) мағлубиятга учраган. Бир муддат Хива хонлигига, Афғонистонда бўлган. Шарқий Туркистондаги Ёққубек давлатида 1877 йилгача лашкарбоши лавозимида бўлган. Сўнгра қатор мусулмон ўлкаларида бўлиб, Ҳиндистонда қўним топган. 1909 йили Пешаварда вафот этган.

**Аграр сиёсат** – Россия империяси Туркистонни босиб олгач ер-сув масалаларига доир олиб борилган сиёсат. Туркистонни пахта хом ашёси етиширадиган мустамлакага айлантириш, Туркистон ҳисобига пахта мустақиллигига эришиш Россия аграр сиёсатининг бош мақсади қилиб белгиланган. Россия империясининг Туркистонда юритган аграр сиёсатида Россиядаги “ортиқча аҳолини” кўчириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Чор хукумати олиб борган аграр сиёсат туфайли, тез орада ўлканинг барча ҳосилдор ерлари Россия империясининг улкан даромад манбаига айланди.

**Америка пахтаси** – XIX асрнинг биринчи ярмида Россия саноатини таъминлаб турган пахта нави. 1861-1864 йилларда АҚШдаги фуқаролар уруши туфайли Россияга пахта етказиш кескин камайиб кетди. Чор маъмурияти саноатчилари Туркистондаги АҚШга нисбатан арzon пахта етиширишни кўпайтириш билан бирга ўлкада Америка навини жорий этиш чоратадбирларини ҳам кўрдилар. Бу пахта нави 1875 йилда Тошкент яқинида, Бухоро хонлигига, 1878 йилда Андижон, Наманган, Кўқон ва Марғилонда экилган. Россия тўқимачилик корхоналаридаги синовдан яхши ўтган бўлсада, бу нав кам ҳосиллик бўлгани учун, XIX асрнинг 80-йилларидан кўп ҳосилли ва

сифатли Америка пахтасининг «Упланд» нави маҳаллий шароитга мослаштирилди.

**Амирилашкар Алимқули** – Ватан озодлиги ва эрки йўлида жонини тиккан, унинг ҳар бир қарич ерини муқаддас билиб, душман қўлида қолдирмаслик учун фидокорона кураш олиб борган давлат арбоби. 1862 йилда Кўқон хони Шоҳмурдбек Алимқулига Амирилашкар олий унвонини берган. Алимқули 1865 йилда руслар билан Тошкент учун бўлган жангда оғир яраланиб, ҳалоқ бўлган.

**Бекович-Черкасский экспедицияси** – 1717 йилда рус императори Пётр I томонидан Хива хонлигига юборилган ҳарбий қўшин. Бу экспедицияга асли ватани Қабарда (Кавказда) бўлган Искандарбек, кейинчалик насроний динини қабул қилиб Александр Бекович-Черкасский номини олган Преображенск полки поручиги раҳбарлик қилган. Бековичга Пётр I томонидан махфий йўриқнома берилган бўлиб, унда Амударёнинг Каспийга қўйилган эски ўзанида истеҳком қуриш, Хива хонлигини Россия тобелигига ўtkазиш, Каспий денгизи орқали Ҳиндистонга борадиган йўлларни аниқлаш, Хива ва Бухоро давлатлари ҳақида маълумотлар тўплаш алоҳида таъкидланган эди. Бекович 1817 йил май ойида 6 000 кишилик қўшин билан Гурьевга етиб келади ва бу ердан 3000 кишилик қўшин билан Хива томонга юради. Хива хони Шерғозихон Черкасский билан музокаралар олиб бориб уни қўшинни беш қисмга ажратишига кўндираган ва бўлинган қўшинларни қириб ташлайди.

**Биринчи жаҳон уруши** – 1914 йил 28 июлда Австрия-Венгрияning Сербияга уруш эълон қилиши билан бошланган. 29 июлда Сербияning иттифоқчиси Россия ҳам урушга кириб, ҳарбий сафарбарлик эълон қилинди. Россия 1918 йил март ойида (Брест сулҳи) катта йўқотишлар билан урушдан чиқишига мажбур бўлди. Бу уруш Туркистон халқларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволига ниҳоятда катта таъсир кўрсатди. Уруш йиллари минг-минглаб тонна пахта маҳсулотлари, саноат маҳсулотлари, қуруқ ва хўл мевалар, гўшт маҳсулотлари, минглаб чорва моллари ўлкадан фронтга жўнатилди. Айниқса, 1916 йилги “Мардикорликка олиш” ҳақидаги фармондан сўнг

Туркистоннинг деярли барча ҳудудларида миллий-озодлик ҳаракатлари авж олди.

**Вабо исёни** - 1892 йилнинг ёзида Тошкентда бўлиб ўтган, тарихда «Вабо исёни» ёки «Тошотар воқеаси» номини олган қўзғолон. XIX асрнинг охирларидағи муҳим ҳаракатлардан бири бўлган бу қўзғолон совет даври адабиётларида ўлкада вабо касалининг олдини олиш учун бўлган ҳаракат деб таърифланган бўлса-да, аслида бу қўзғолон Россия империясининг ўлкадаги мустамлакачилик сиёсатига қарши қаратилган ҳаракат бўлиб, мустамлакачилик зулмига қарши миллий-озодлик курашининг бир босқичи эди. Бу ҳаракат қурол кучи билан шафқатсизларча бостирилиб, қўлга олинган 60 кишидан 8 киши ўлим жазосига, қолганлари қамоқ ва сургунга ҳукм қилинган.

**Вилоят бошқаруви** – Туркистон генерал-губернаторлигидаги бошқарув усули. Ҳарбий губернатор ва вилоят бошқармаси томонидан амалга ошириб борилган. Ҳарбий губернатор-ҳарбий ва ҳарбий-фуқаролик мақомига эга бўлган. Унинг қошида амалдорлар ва вилоят бошқармаси мавжуд бўлиб, вилоят бошқармасига ҳарбий губернаторнинг ёрдамчиси раислик қилган. Вилоят бошқармасида учта фармон берувчи, хўжалик ва суд бўлимлари мавжуд бўлган. Бўлим бошликлари генерал-губернатор томонидан тайинланган ҳамда вазифасидан озод этилган. Махаллий маъмурий бошқарувнинг бўлиниши қуидагида бўлган – вилоят-уезд-волост-қишлоқ-овул.

**Дашт комиссияси** - 1865 йилда император Александр II фармони билан махфий маслаҳатчи Ф.К.Гирс раислигига тузилган. Ушбу комиссия Оренбург ва Ғарбий Сибирь генерал-губернаторликлари ҳамда Туркистон вилояти турмуш тарзи ва умумий аҳволини ўрганиш учун Ўрта Осиёга жўнатилган. Комиссиянинг асосий вазифаси босиб олинган ҳудудлардаги шароитни ўрганиш ҳамда уларни қандай бошқариш ҳақида низом тузиш учун маълумотлар тўплаш, мустамлакачиликка асосланган ўлка бошқарув тизимини такомиллаштиришга қаратилган эди.

**Дукчи Эшон қўзғолони** – Россия империяси мустамлакачилигига қарши қаратилган XIX асрнинг охирларидағи энг катта ҳаракат. Тарихда “Андижон

қўзғолони” деб номлаган. 1898 йил май ойида Андижоннинг Мингтепа қишлоғида бошланган. Қўзғолон атрофлича ва пухта тайёрланмай, режасиз, яхши қуролланмаган ҳолда бошланган бўлса-да, чор маъмурларини қаттиқ ташвишга солган. Мустамлакачилар қўзғолончиларга қарши катта ҳарбий кучларни ташлаб, уларни шафқатсизларча бостириди. Қўзғолон раҳбари дорга осилди. Бу ҳаракат Фарғона водийсининг Асака, Қува, Шахрихон, Ўш, Марғилон каби шаҳар ва қишлоқларида кенг ёйилди. Аммо, рус қўшинлари барча ҳаракатларни ваҳшийларча бостиридилар.

**Ер фонди бошқармаси** – Россиядан Туркистонга кўчиб келувчилар тобора қўпайиб борганлиги боис XX асрнинг бошларида Туркистонда тузилган ташкилот. Ушбу бошқарма рус мужикларини уй-жой, ер, дехқончилик воситалари билан таъминлаб турган. Шунингдек, бу ташкилот асосан суғориладиган ерларни кенгайтириш ҳамда маҳаллий аҳолига тегишли бўлган ерларни турли сабабларни баҳона қилиб тортиб олиш ва мусодара қилиш билан машғул бўлган.

**Ер ҳақидаги Низом** – 1873 йилда К.П.Кауфман томонидан ишлаб чиқилган. Бу Низомга кўра, факат қонуний ҳужжатлари бўлган кишиларгина ўзларига тегишли ерларни хусусий мулк қилиб олишлари мумкин эди. Аммо, маҳаллий аҳолининг катта қисмида бундай ҳужжатлар йўқ бўлиб, уларни бериш ёки борларини тасдиқлаш чор маъмурларининг хоҳишларига боғлиқ эди. Бу ҳолат эса мустамлакачи маъмуриятга ҳужжатлари бўлмаган дехқонларнинг ерларини осонгина тортиб олиниши, ерларнинг мулкдорлар қўлида тўпланиши шаҳар ва қишлоқлар аҳолисининг ижтимоий-қатлам ва табақаларга ажралишига олиб келди. Улар йирик ер эгалари, шаклланиб келаётган қишлоқ буржуазияси, ўрта ҳол ва қамбағал дехқонлар, чорвадорлар ва мардикорларга бўлина бошладилар.

**Жиззах қўзғолони** – 1916 йил ёзида “Мардикорликка олиш” ҳақидаги фармонга қарши бутун Туркистон ўлкасида кўтарилиган. Қўзғолоннинг энг кучли маркази Жиззахда бўлган. 1916 йил 13 июлда бошланган бу қўзғолон 18

июлга келиб янада кенгайиб кетди. Подполковник Афанасьевнинг жазо отряди бу қўзғолонни бостира олмади. Туркистон генерал-губернатори 21 июлда Жиззахга полковник Иванов бошчилигида катта жазо отряди юборди. Эски Жиззах аёвсиз тўпга тутиб, ёндириб юборилди. Аёвсиз бостирилган бу қўзғолонда ўн минглаб маҳаллий аҳоли, қўзғолон йўлбошчилари Назирхўжа Эшов ва Абдураҳмон Жевачилар ҳалоқ бўлдилар. Маҳаллий аҳолидан 1810 десятина ҳосилдор ерлар тортиб олиниб, уларнинг эгалари чўлга қувғин қилинди.

**Зобитлар** - Ўрта Осиё худудларининг Россия томонидан истило этилишида қатнашган ҳарбийлар. Оддий зобитдан олий даражали зобитгача бўлган ҳарбийларнинг катта кўпчилиги ҳарбий хизматдан истеъфога чиққач, Туркистонга муҳим ўрнашиб қолиб, бу ерда катта-катта ер-мулкларига, завод ва фабрикаларга эгалик қилганлар ҳамда йирик саноатчиларга айланганлар. Уларнинг асосий мақсадлари ўлка бойликларини талаш, ўзлаштириш ва Россияга ташиб кетиш эди.

**Иккинчи жаҳон уруши** - Инсоният жуда кўплаб урушларни бошидан кечирган бўлиб, булар ичида энг даҳшатлиси, 50 млндан ортиқ кишининг ёстигини қуритган, XX аср фожиаси бўлмиш иккинчи жаҳон урушидир. Олти йил (1939 йил сентябрь-1945 йил сентябрь) давом этган бу уруш ер шарининг 80% аҳолиси жойлашган ҳудудни ўз ичига олган 61 та мамлакатни қамраб олди.

**Кенесари Қосимов** – XIX асрнинг 30-40-йилларида қозоқларнинг русларга қарши кураши йўлбошчиси. Хива хонлиги худудларида яшаган қозоқлар К.Қосимов бошчилигида русларга кўплаб ҳужумлар уюштирганлар. 1840 йилги Перовский экспедицияси тор-мор этилгач қозоқларнинг мустақиллик учун курашаётган К.Қосимов харакати янада кенг ёйилди. Хива хони бу ҳарактини доимо қўллаб-қувватлаб турди. 1842 йилда К.Қосимов ўзаро низолар натижасида ўлдирилгач, унинг 20.000 кишилик тарафдорларининг кўпчилиги Қўқон хонлиги, бир қисми эса Хива хонлиги ҳудудларига ўтиб кетдилар.

**Камолон дарвозаси** – 1865 йил 15 июн тонг саҳарда рус босқинчилари бостириб кирган Тошкент дарвозаси. Манбаларга кўра, хоинларнинг маълумотларидан фойдаланган руслар даставвал, деворнинг бир киши ўтадиган жойидан киришиб, дарвоза атрофидаги мудофаачиларни ўлдирганларидан сўнг, дарвозани очиб, полковник Абрамов бошчилигидаги 250та аскар биринчи бўлиб шаҳарга кирган. Шундан сўнг Қорасарой ва Қўқон дарвозалари ҳам очилиб, минглаб мудофаачиларнинг ҳалоқ бўлиши эвазига Тошкент русларга таслим бўлди.

**Кўчириш сиёсати** – Россияимпериясидаги ишсиз, ерсиз аҳолини Туркистон ўлкасига кўчириш. 1875 йилда фон Кауфман томонидан бошланган. Бу сиёсатнинг моҳияти – Туркистонда стратегик жиҳатдан мустаҳкамланиб олиш, мустамлакачилик тартибларини изчиллик билан ўрнатиш, маҳаллий аҳолини руслаштириш, ўлкани хом ашё базасига айлантириш, ўлкада империянинг таянч пунктларини мумкин қадар кўпайтириш зарурияти билан изоҳланади. Кўчириш сиёсатида дастлаб катта имтиёзлар (ер-сув, моддий ёрдам, озиқ-овқат ва б.) берилиши туфайли ихтиёрий кўчиб келувчилар сони кўпайиб борди. Шу сабабли 1886 йилда махсус Кўчириш комиссияси тузилган. Фақатгина Еттисув ва Сирдарё вилоятларида 1914 йилги ҳолат бўйича 82 864 нафар киши кўчиб келган.

**Қўнғиротлар** – Хива хонлигига ҳукмронлик қилган сулола. 1763 йилдан бошлаб Хивада амалда қўнғирот уруғи иноқлари ҳокимиёт тепасига келган бўлса-да, 1804 йилга қадар Хива хонлари ҳукмдор сифатида бошқа шахсни (сохта хон) хон деб эълон қилганлар. 1804 йилда Элтўзархон ўзини расмий хон леб эълон қилгач, Хивада қўнғиротлар сулоласи ҳукмронлиги расмий қарор топди. Қўнғиротлар сулоласи ҳукмронлигидаги Хива хонлигининг нисбатан кучайиши Муҳаммад Раҳимхон I (1806-1825 йй.), Сайид Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) (1864-1910 йй.) даврларига тўғри келади. Қўнғиротлар сулоласи 1920 йил 2 февралда большевиклар томонидан ағдарилди.

**Мардикорликка олиш** – 1916 йил 25 июнда рус подшоси Николай Шнинг «Империядаги рус бўлмаган эркак аҳолини ҳаракатдаги армия

районларида мудофаа иншоотлари ва ҳарбий алоқа йўллари қуриш учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай ишларга жалб қилиш” ҳақида эълон қилган фармонининг маҳаллий халқ ичидаги атамаси. Ушбу фармонга кўра, Сибир, Ўрта Осиё, Қозогистон ва Кавказорти халқларидан 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган 400 минг киши сафар қилиниши режалаштирилган. Жумладан 50 минг нафар Фарғона вилоятидан, 87 минг нафар Сирдарё вилоятидан, 88 минг нафар Самарқанд вилоятидан мардикор олиш эълон қилинди. Натижада, 1916 йил 4 июлдан бошлаб мардикорликка олишга қарши маҳаллий аҳолининг оммавий ҳаракатлари бошланди.

**Манғитлар** – XVII асрнинг иккинчи ярмидан Бухоро давлатида ҳокимият тепасига келган сулола. Бу сулоланинг асосчиси Раҳим бий ибн Ҳакимбий ибн Худоёрхон бўлиб, у 1756 йилда саййидлар, хўжалар ва руҳонийлар томонидан Бухорода хон қилиб кўтарилилган бўлса-да, ўзини “ноиб ул-ҳукумат” (ҳоким ўринбосари) деб атаган. 1875 йилда Шоҳмурод «амир (ул-мўминин)» унвони билан Бухоро тахтига ўтирган. Амур Шоҳмуроддан сўнг Бухоро тахтини амир Ҳайдар, амир Ҳусайн, амир Умар, амир Насруллоҳ, амир Музаффар, амир Абдулаҳад, амир Олимхонлар бошқарганлар. Амир Музаффар даврида Бухоро амирлиги Россиянинг вассалига (1868 й.) айланди. Охирги ҳукмдор амир Олимхон 1920 йилда большевиклар томонидан тахтдан туширилди. Олимхон 1944 йил 29 апрелда Афғонистоннинг Қобул шаҳрида вафот этган ва ўша ерда дафн этилган.

**Миллий озодлик ҳаракатлари** – замонавий адабиётларда Россия империяси босқини ва зулмига қарши олиб борилган курашларнинг умумий атамаси. Россия империяси ўлкани босиб олган дастлабки даврдан бошлаб то 1917 йилга қадар кўпдан-кўп миллий озодлик ҳаракатлари бўлиб ўтган. Уларнинг энг йириклари, чор ҳукуматини ҳам ларзага солганлари қўйидагилар: 1878 йил Андижондаги Етимхон қўзғолони, 1873-1876 йиллар Кўкон хонлигидаги Пўлатхон қўзғолони, 1885-1890 йиллар Андижоннинг Кўрғонтепа уездидаги Дарвешхон тўра ҳаракатлари, 1892 йил Тошкентдаги “Вабо исёни”, 1898 йил Андижондаги “Дукчи Эшон” қўзғолони, 1904-1907 йиллар

Самарқанд вилоятидаги “Намоз ботир” ҳаракатлари, 1916 йилги “Жиззах қўзғолони” номини олган бутун ўлкада ёйилган ҳаракатлар. Ушбу миллий-озодлик ҳаракатлари маҳаллий халқларнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётидаги тенгсизлик ва адолатсизликка қарши стихияли (ўз-ўзидан) норозилиги сифатида шаклланиб борган бўлса, кейинроқ бу ҳаракатлар империя мустамлакачилигига бутунлай барҳам бериш, янги мустақил Туркистон давлатини барпо этиш гоялари билан боғланадики, бундай гояларнинг шаклланиши ва ёйилишида жадидлар алоҳида жонбозлик кўрсатган эдилар.

**Минглар** - XVIII асрнинг бошларида аштархонийлардан мустақил Кўқон хонлигини ташкил этган сулола. Сулола асосчиси Шоҳруҳбий ибн Ашур Муҳаммад (1709-1710 йй.) Чодак хўжалари қўлида бўлган сиёсий ҳокимиятни куч билан тортиб олиб, 1709/1710 йилда Фарғона водийсидаги минглар сулоласига асос солди. Шоҳруҳбийдан кейинги хукмдорлар Абдураҳимбий, Абдукаримбий, Норбўтабийлар даврида олий хукмдор «бий» ва “бек” унвонлари билан аталган бўлса, Олимхон давридан (1805 й.) хукмдорлар расман “хон” деб юритила бошланди. Минглар сулоласининг кучайган даври Умархон (1810-1822 йй.) даврига тўғри келади. XIX асрнинг ўрталарига келиб Кўқон хонлигидаги сиёсий жараёнлар ва ички низолар оғирлашиб, бунинг устига Россия истилоси бошланди. 1876 йил 19 февралда 150 йилдан кўпроқ хукм сурган Кўқон хонлигидаги минглар сулоласи тугатилиб, унинг ўрнига Туркистон генерал-губернаторлигининг Фарғона вилояти ташкил топди.

**Мустамлакачилик сиёсати** - XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Россия империяси Туркистонда олиб борган сиёсат. Бу сиёсат Туркистон халқларининг сиёсий, ижтимоий – иқтисодий ва маданий ҳаётига жиддий салбий таъсир қўрсатди. Бу сиёсатнинг моҳияти – бошқарув соҳасида шафқатсизликка асосланган найранглар, ўлкани руслаштириш, ўлкани хом ашё манбаи ва рус саноати маҳсулотлари бозорига айлантириш, миллий ҳурфикрлиликни бўғиб қўйиш ва йўқотиш, саноатни Россия манфаатларига мос

равища ривожлантириш, миллий-маданий қадриятларига хизмат қилувчи ҳар қандай жараёнларга йўл бермаслик кабилар эди.

**Намоз Пиримқулов** – XX аср бошларида, аниқроғи, 1904-1907 йиллар Самарқанд вилоятида рус мустамлакачилариға қарши норозилик ҳаракатларига бошчилик қилган. Халқ орасида “Намоз ботир” номи билан танилган. Намоз Пиримқулов ҳаракати Самарқанд вилоятининг Самарқанд, Каттакўрғон, Жиззах ва Хўжанд туманлари, Бухоро амирлигининг чегара ҳудудларида кенг ёйилган. Ҳаракат қатнашчилари волост бошлиқлари, оқсоқоллар, чорвадор бойларнинг мол-мулкларини тортиб олиб камбағалларга бўлиб берганлар. Қасоскорлар чор маъмурияти вакиллари ва уларнинг тарафдорларини аёвсиз жазолаганлар. Намоз Ботир 1905 йил октябрда сотқинлар туфайли қамоқقا олиниб, 1906 йил 2 февралда турмадан қочишга муваффақ бўлди. Унинг гуруҳига қарши Туркистон жанговар казак дивизияси қисмлари юборилади. Туркистон генерал-губернатори “ўзбек Дубровскийси” бўлмиш Намоз ботирни қўлга олишни ташкил қилиш операциясига Самарқанд вилояти ҳарбий губернаторининг ёрдамчиси полковник Сусанинни шахсан жавобган қилиб тайинлаган. Намоз ботир 1907 йил 3 июнда (яна бир тахминда 1 июнда) хиёнаткорона ўлдирилди.

**Низомлар** – Россия империяси томонидан Туркистон ўлкасини бошқариш учун жорий этилган қонун лойиҳалари. Бошқарув тизими Россия хукумати учун жуда муҳим бўлиб, босиб олинган жойларда мустамлакачилик сиёсатини олиб боришда асосий таянч ҳисобланган. Айнан шунинг учун ҳам 1865-1916 йиллар оралиғида ўнта (1865, 1867, 1871, 1873, 1882, 1884, 1886, 1908, 1912, 1916 йиллар) Низом лойиҳаси ишлаб чиқилган. Уларнинг моддаларидаги адлия, молия, ҳарбий, ички ишлар ва бошқа вазирликлар киритган ўзгаришлар Туркистон маъмурияти бошқарувининг кескин ҳарбийлашгани билан ажралиб туради.

**Олой маликаси** – Қурбонжон Мамат қизи. «Олой маликаси» номи билан довруғ қозонган бу аёл 1811 йилда Ўш яқинидаги Моди қишлоғида қирғиз чўпони оиласида туғилган. Андижон ҳокими Олимбекнинг рафиқаси бўлган.

Курбонжон Кўқон хони, сарой ҳаёти, хон амалдорлари билан яқиндан танишиб, Нодирабегим, Увайсий ва бошқалар билан мулоқотда бўлганлиги боис, эри Олимбекка Андижон вилоятини бошқаришда кўмаклашиб турган. У эри Олимбек каби от чопиш, ўқ отиш, қиличбозлик соҳасида қўпчиликни ҳайратда қолдирган. 1863 йилда Олимбек фитна орқали ўлдиргач, Қурбонжон қўп ўтмай ўз юртига қайтиб келади ва у ерда «Олой маликаси» деган ном олади. 1865 йилда Бухоро амири билан Кўқон хони тарихда биринчи марта аёл кишига «Додхоҳ» - саркарда унвонини бердилар. Худоёрхон бу аёлни бутун Олой водийсига ҳоким этиб тайинлади. Рус истилочиларининг Қўқон хонлигини босиб олишига қарши курашда Қурбонжон додхоҳ ва унинг ўғиллари ҳам фаол иштирок этдилар. Ўзаро урушни тўхтатиш ҳақидаги музокаралардан сўнг генерал Скобелев Қурбонжон додхоҳ билан учрашиб, унинг елкасига зарбоф чопон ёпди. Рус қўмондонлиги уни генерал сифатида тан олди. Қурбонжон додхоҳ 31 невара, 57 чевара, 6 эвара кўриб, 1907 йилда Ўшда вафот этган.

**Перовский экспедицияси** – Россия императори Николай I томонидан 1839 йилда Хива хонлигига юборилган. Бу экспедицияга Оренбург генерал-губернатори Василий Перовский бошчилик қилган. Перовский 1839 йилнинг охириларида 5 мингдан зиёд қуролланган қўшин билан Хива хонлиги устига юриш бошлади. Аммо, йўлдаги оғир шарт-шароитлар рус қўшинларининг юришини қийинлаштириди. 1840 йилнинг бошларида Хива хонлиги чегараларига этиб келган Перовский қўшинлари Хива хони Оллоқулихоннинг ўзбек, қозоқ ва туркманлардан иборат бирлашган қўшинлари томонидан тор-мор этилди. Перовский қолган-қутган аскарлари билан орқага чекинишга мажбур бўлди.

**Полковник Шауфус** – Туркистон генерал-губернаторлиги билан Қўқон хонлиги ўртасида 1868 йил 13 февралдаги шартномага асосан Қўқонга ҳам элчи, ҳам жосус бўлиб тайинланган шахс. У ўзи тўплаган маълумотлари асосида, Худоёрхон Россия империяси маъмурияти томонидан эканлиги, бироқ унга қарши иккинчи гурух мавжудлиги ва бу гурух Шерали додхоҳ билан Абдураҳмон офтобачи томонидан бошқарилаётганини Туркистон генерал-

губернаторига етказган. Шунингдек, Шауфус хонликдаги иқтисодий ва ҳарбий – стратегик вазият ҳақида ҳам маълумотлар бериб турган.

**Пўлатхон** - ҳақиқий номи Мулло Исҳоқ мулло Ҳасан ўғли. У Марғилон шаҳрига яқин Уҳна деган қишлоқда яшовчи Бўстон қабиласига мансуб оилада туғилган. Мулла Исҳоқ Кўқон хонлигининг нуфузли амалдорларидан бири Абдулмўмин додҳоҳ билан дўстлашиб, унинг таклифига кўра сохта Пўлатхон (Кўқон хони Олимхоннинг набираси) номини қабул қиласиди ҳамда Худоёрхон зулми ва Россия босқинига қарши қурашга, жумладан, 1873-1876 йилларда Кўқон хонлигида рус босқинчилариға қарши олиб борилган қурашларга бошчилик қиласиди. Хонликдаги обрўли амалдорлар Исо Авлиё, Абдураҳмон офтобачи, хоннинг укаси Султон Муродбек, ўғиллари Насриддинбек, Мухаммад Аминбек ҳам Пўлатхон томонидан туриб қурашдилар. Узок, муросасиз, тенгсиз ва шафқатсиз қурашлардан сўнг Пўлатхон қўзғолони бостирилиб, 1876 йил 1 мартда Мулла Исҳоқ (Пўлатхон) Марғилонда дорга осилди.

**Россияда ўтказилган ер ислоҳотлари** – 1861 йилда ўтказилган бу ислоҳотга қадар рус деҳқонлари давлатга, дворян ва помешчикларга қарам бўлган крепостнойлар эдилар. Ислоҳотдан кейин деҳқонларга эркинлик берилиб, қишлоқ хўжалигидан бўшаган аҳолининг катта қисми шаҳарларга кўчиб кета бошладилар. Аммо, Россия шаҳарлари саноат соҳасида тажрибасиз бўлган собиқ деҳқонларни иш билан таъминлашга қодир эмас эди. Натижада, рус маъмурлари «ортиқча» нотинч аҳолини кўчириш сиёсатини олиб бордилар.

**Рус қишлоқлари** – Россия империясининг кўчириш сиёсати туфайли пайдо бўлган, рус аҳолиси яшайдиган қишлоқлар. Биринчи рус қишлоғи 1875 йилда Авлиё ота туманида пайдо бўлиб, ўша йили уларнинг сони Авлиё отада 8тага етди. Маҳаллий аҳолининг минглаб гектар ерлари ҳисобига кўчиб келганларнинг янги қишлоқ, посёлкалари бунёд этилди. 1875 йилдан 1890 йилгacha ўлкага 1300та оила кўчиб келиб, 19та рус қишлоғи пайдо бўлган. 1891-1892 йилларда Россиядаги очарчилик туфайли бу қишлоқлар сони 25тага етган. 1910 йилга келиб Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида 124 та рус

қишлоғи мавжуд бўлиб, уларда 70мингга яқин рус аҳолиси яшарди. 1906-1913 йиллар давомида эса Туркистон ўлкасида 116 та рус посёлкаси барпо этилган.

**Рус мужиклари** – Россия империясининг қўчириш сиёсати натижасида XIX асрнинг сўнгги чорагидан бошлаб Туркистонга келган рус аҳолиси қатлами. Империя маъмурияти ҳар қандай қилиб бўлса ҳам унумдор ерларни рус мужикларига ажратиб беришга ҳаракат қилган. Рус мужикларининг аксарият қисми ҳозирги Қозоғистон ва Қирғистон худудларига жойлаштирилиб, уларга катта имтиёз ва имкониятлар берилган. Маҳаллий аҳолининг кўплаб қўзғолонларини бостиришда ҳарбий кучлардан ташқари кўчиб келган рус мужиклари ҳам иштирок этганлиги манбалардан маълум. Айнан, шунинг учун ҳам, 1898 йилги Андижон қўзғолонидан сўнг рус мужиклари кўплаб миқдорда милтиқ ва ўқ-дори билан қуроллантирилиб турилган.

**Руслаштириш** – Россиянинг Туркистондаги мустамлака сиёсатида асосий эътиборда бўлган жараён. Бу жараённинг асосий моҳияти – маҳаллий аҳолини миллий-маданий қадриятларини унутишга мажбур этиш, рус-тузем мактаблари орқали маҳаллий аҳоли орасидан рус маъмурларига содик хизмат қилувчи кадрларни тайёрлаш, рус аҳолисини ўлкага қўчириб, уларга турли-туман имтиёзлар бериш, қўчирувчилик тадбирлари орқали ўлкада русийзабон аҳолини қўпайтириш ва уларнинг иқтисодий мавқенини кучайтириш, маҳаллий аҳолини истаганча хўрлаш ҳамда камситишдан иборат эди. Бу жараён эса, буюк рус шовинизмининг ижтимоий-иктисодий заминини яратди.

**Рус-тузем мактаблари** – Россия империяси руслаштириш сиёсатининг маорифдаги тадбирларидан бири. 1880 йилда Империя Давлат Кенгashiда Туркистондаги маҳаллий аҳоли болаларини рус аҳолиси болалари билан биргаликда ўқитиш масаласи қўрилиб, генерал-губернатор фон Кауфман томонидан “руслар ва туземецлар болаларини биргаликда тарбиялаш” таклифи киритилди. Генерал-лейтенант Н.О.Розенбах эса ибтидоий турдаги бошланғич мактаблар бўлган “рус-тузем” мактаблари тармоғини яратиш лойиҳасини ишлаб чиқди. Биринчи рус-тузем мактаби 1884 йилда Тошкентда очилди.

Маориф соҳасидаги бу сиёсатдан кўзланган асосий мақсад – империя маъмуриятига садоқатли амалдорларни тайёрлаш ва келажақда сиёсий аҳамиятига эга бўлмаган бошқарув ишларигагина маҳаллий аҳолини жалб қилиш эди.

**Саноат маҳсулотлари кўргазмалари** – дастлаб Петербургда, кейин эса, Тошкентда ўтказилган. 1870 йилда Тошкент, Ўратепа ва Хўжанд усталари тайёрлаган пичоқлар, сопол идишлар, ўйма нақшлар билан безатилган эшиклар Петербургдаги кўргазмаларда намойиш қилиниб, 42та туркистонлик уста мукофотланади ва уларнинг 9таси бронза медали билан тақдирланади. 1886 ва 1890 йилларда Тошкентда биринчи ва иккинчи Туркистон кўргазмалари очилган. Бу кўргазмаларда маҳаллий хунарманд усталар ҳамда саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари намойиш қилинди. Бу ерда намойиш қилинган гилам тўкувчилар, куролсозлар, заргарлар ва тўкувчиларнинг тайёрлаган маҳсулотлари кўргазма иштирокчиларида яхши таассурот қолдирган эди.

**Скобелев** – Россия империяси генерали. Скобелев ўтакетган ёвуз, шовинист, босқинчи ва бешафқат шахс бўлган. Кўплаб қирғин-барот ва босқинчиликлар ташаббуси билан Туркистон генерал-губернаторига мурожаат қилиб, розилик олган. Скобелевнинг ёвузлиги Андижон, Марғилон, Асака, Наманган каби шаҳарларни босиб олишда мисли кўрилмаган даражада намоён бўлган эди. Ушбу “хизматлари” туфайли Скобелев 1876 йил 19 февралда янги ташкил этилган Фарғона вилоятининг ҳарбий губернатори этиб тайинланиб, унинг номи янги Марғилон (Скобелев-Искобил) шаҳрига берилди. Скобелев 1879-1881 йилларда Каспий орти вилояти (Ахалтака, Кўктепа) худудларини босиб олишда бошлиқ қилиб тайинланган.

**Суд ва халқ суди** – Туркистон ўлкасида жорий этилган хуқуқий тизим. 1867 йилги “Муваққат Низом”га кўра, Туркистон ўлкасининг суд ва полиция тизими – ҳарбий суд, империянинг умумий қоидалари асосида суд ва халқ судидан иборат бўлган бўлса, 1886 йилги “Низом”га кўра, уларга ўзгартиришлар киритилиб, қуидагича бўлган: судлов палатаси, округ судлари,

қўшимча мировой (сулҳпарвар) судъялар, фахрий мировой судялар. Маҳаллий ахолининг судлари алоҳида тартиб асосида тузилиб, халқ судлари деб номланган. Халқ судлари – халқ томонидан сайлаб қўйилган бийлар томонидан амалга оширилган. Ўтроқ аҳоли учун қози судлари амал қилган.

**СССР (Совет Социалистик Республикалар иттифоқи)** – жаҳон сиёсий харитасида бу ном 1922 йил 30 декабрда пайдо бўлиб, РСФСР, УкССР (Украина), БССР (Белоруссия) ва ЗСФСР (Закавказье Социалистик Федератив Совет Республикаси)ларининг иттифоқи сифатида ташкил этилади. Кейинги йилларда уларнинг таркибига бирин-кетин қатор “иттифоқчи” совет республикалари киритилади. ЎзССР 1925 йил майда иттифоқ таркибиға қабул қилинади. 1940 йилга келганда унинг таркибидаги республикалар сони 15 тага етади. Зўравонликка асосланган бу сунъий давлат жуда қисқа умр кўриб, 1991 йилга келиб, парчаланиб кетади.

**Темир йўллар** – уларни қуриш учун ҳаракат XIX асрнинг 70-йиларида бошланган. Бу йўналишда қисқа муддат ичида 40га яқин лойиҳалар ишлаб чиқилган ҳамда темир йўл қурилишини Красноводскдан бошлаш мақсадига мувофиқ деб топилган. 1880 йил 26 августда Михайловское кўрфазидан Қизил Арватгача бўлган 217 чақирим масофада қурилиш ишлари бошланиб, 1881 йил 1 сентябрда ишга туширилган. 1886 йилда Марв-Чоржўй темир йўл қурилиши бошланган. 1888 йилда Амударё-Самарқанд темир йўли қурилди. 1887 йилда Қўқонга, 1889 йилда Тошкентга, 1900 йилда Андижонга биринчи поездлар келиб, магистрал йўлга “Ўрта Осиё темир йўли” деб ном берилди. 1906 йилда Тошкент-Оренбург темир йўли фойдаланишга топширилди.

**Тошкент мудофааси** – 1865 йил 28 апрелдан, Черняевнинг Ниёзбек қалъасини эгаллаб, Бўзсув тўғонини бузиб юборишидан бошланган. Юрт фидойилари Амирилашкар Алимқули бошчилигига Тошкент мудофааси учун барча зарур чораларни кўрганлар. Мудофаа қўқонликлар, анжидонликлар, наманганилар, ўратепаликлардан ташқари, тошкентлик сарбозлар, оддий фуқаролар, муллавачалар қатнашганлар. 2 май куни русларнинг биринчи ҳужуми қайтарилиган. 9 май куни Салор оралиғи бўйидаги жангда Алимқули

ярланиб, ҳалоқ бўлди. Оғир жанглардан сўнг Тошкент мудофаачиларининг қаттиқ қаршилиги сингдилди ва 15 июн куни истилочилар Тошкентни забт этдилар.

**Тошкент шаҳар Думаси** – Умумrossия шаҳар низомига кўра Тошкентда ташкил этилган. 1877 йил 16 августда Тошкент шаҳар Думасига сайловлар бошланиб, 30 августла очилиши бўлиб ўтган. Думада Сирдарё ҳарбий губернатори бошчилигига маҳсус ҳайъат тузилиб, у сайловчилар рўйхатини тузиш, шаҳар жамоатчилик бошқарувига сайлов ўtkазиш бўйича иш олиб борган. 4 йилда бир марта ўтказиладиган сайловда 25 ёшга тўлган фуқаролар, асосан, савдогарлар, йирик корхоналар ва уй эгалари иштирок этганлар. Тошкент шаҳар ҳокими бир вақтнинг ўзида Дума раиси ҳам бўлган. Янги ташкил этилган Думанинг асосий мақсади шаҳарни мустамлакачилар қўлида сақлаб туриш ва Думага сайланган маҳаллий аҳоли вакилларини ҳокимиятнинг таянчига айлантириш эди.

**Тузем халқлар** – Туркистон ўлкасининг маҳаллий халқларига нисбатан ишлатилган атама. Россия империяси маъмурияти ўлкадаги қишлоқ бошқарувини “ерли” (маҳаллий, тубжой) – “туземное” ва “рус” каби икки тоифага ажратган. Рус амалдорлари “туземец” (“ерлилар”) атамаси билан ҳинд, араб, уйғур, дунган кабиларни тушунган. Турмуш тарзига кўра эса, рус амалдорлари барча аҳолини иккига: “қирғизлар” ва “сартлар” бўлишган. Қирғизлар деганда кўчманчи, сартлар деганда эса ўтроқ аҳоли назарда тутилган.

**Туркистон вилояти** – 1865 йилнинг ёзида Оренбург генерал-губернаторлиги таркибида ташкил этилган. Ҳарбийлашган маъмурий бошқарув тартибларига асосланган бу вилоятга генерал-майор М.Г.Черняев губернатор этиб тайинланади. 1865 йил 6 августда “Туркистон вилоятини бошқариш ҳақидаги Низом” қабул қилиниб, унга кўра ҳарбий ва фуқаролик ҳокимияти ҳарбий губернатор қўлида бўлимларга бўлинниб, уларни бўлим бошликлари бошқарган. Бўлим бошликларига маҳаллий аҳоли устидан назорат қилувчилар бўйсунган. Вилоят маркази Тошкент шаҳри бўлиб, Авлиё ота, Чимкент,

Пишпак, Туркистон, Верний, Тўқмоқ, Казалинск, Перовск каби уездларга бўлинган. Чор маъмурияти бошқарув манфаатларига мос келмаганлиги боис, Туркистон вилояти 1867 йилда тутатилган.

**Туркистон генерал-губернаторлиги** – Император Александр Пнинг фармонига кўра, 1867 йил 11 июлда ташкил этилган. Биринчи генерал-губернатори фон Кауфман. Ушбу маъмурий бирлик дастлаб 2та – Сирдарё ва Еттисув вилоятларида иборат бўлиб, кейинчалик босиб олинган ерлар ҳисобига Фарғона, Самарқанд, Каспийорти вилоятлари ва Амударё бўлими ташкил этилган. Бошқарув соҳасида генерал-губернаторга чекланганмаган ҳукуқлар берилган. Генерал-губернатор ўз қўлида ҳарбий ва фуқаролик ҳокимиятини бирлаштириб, бир вақтнинг ўзида у подшо ноиби, ҳарбий округ қўшинлари қўмондони, Еттисув казак қўшинлари атамани, бош миршаб ва бош прокурор вазифаларини ўтаган. Генерал-губернатор император томонидан ишга тайинланган ва вазифасидан озод этилган бўлиб, у ҳарбий вазирга бўйсунган. Генерал-губернаторлик марказий бошқарув, вилоят бошқаруви, шаҳар бошқаруви, қишлоқ бошқарувига бўлинган. 1867-1917 йиллар давомида 15та генерал-губернатор ҳокимиятни бошқарган. 1897 йилги тўла бўлмаган аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра, генерал-губернаторликда 5281 минг киши истиқомат қилган.

**Ҳарбий халқ бошқаруви** – мустамлака даври Тошкентдаги бошқарув тизими. 1868 йил 27 февралда Тошкентнинг “Янги шаҳар” қисмида ҳарбий халқ бошқаруви тузилиб, статистик маслаҳатчи Rossiцкий унинг бошлиғи этиб тайинланган. Ушбу бошқарманинг дастлабки қарорига кўра, Тошкентнинг «Янги шаҳар» қисмида режа тузиш, уйлар қурилиши, кўча ва майдонлар барпо этиш, солиқларни тартибга солиш, даромад ва харажатлар сметасини тузиш, ирригация тизими ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган.

**Хонликлар** – XVIII аср бошлари, XIX аср охири ва XX аср бошларга қадар Ўрта Осиёда мавжуд бўлган Бухоро амирлиги, Хива хонлиги ва Қўқон хонлиги давлатларига нисбатан ишлатиладиган умумий атама. Хива ва Қўқон

хонликларини хон унвонидаги хукмдор, Бухоро амирлигини эса амир идора қилган. Уларнингш бошқарув тизими бир-биридан фарқ қилувчи айrim унвонлар ва мансабларни ҳисобга олмаганда таркибий тузилиши бир-бирига ўхшашлиги билан изоҳланади. Илмий адабиётларда юқоридаги давлат бирлашмаларини умумий тарзда хонликлар, улар мавжуд бўлган даврни эса, хонликлар даври деб аташ қабул қилинган.

**Фон Кауфман** – немис дворянларидан чиққан генерал. Россия империяси маъмуриятининг содик ва ишончли хизматкорларидан бири. Барча лавозимларда подшо сиёсатини кўнгилдагидек амалга оширган шахс. 1868-1876 йилларда Туркистондаги ҳарбий юришларда истилочи сифатида танилган. 1867-1882 йилларда Туркистон генерал-губернатори. Туркистонда генерал-губернаторлик бошқаруви Кауфманнинг чекланмаган истибдоси асосида амалга оширилган.

**Черняев** – рус ҳарбийлари орасида чўрткесарлиги ва ўта жангарлиги билан машҳур бўлган. Маҳаллий аҳолига нисбатан ўта салбий муносабатда бўлган шафқатсиз полковник Черняев 1864 йилда Авлиё ота шахрини эгаллагани учун генерал-майор унвонини олган. У 1865-1866 йилларда Туркистон вилоят ҳарбий губернатори, 1882-1884 йилларда Туркистон ўлкаси генерал-губернатори бўлган.

**Шаҳар низоми** – 1870 йил 16 июнда аҳолининг ўсиши ва шаҳарлар худудининг кенгайиши муносабати билан Россияда қабул қилинган. 1872 йилда Сирдарё вилояти бошқармасининг умумий раёсати ушбу низомни Тошкентда ҳам қўллаш масаласини кўтариб чиққан. Шунга кўра, мустамлакачилар манфаатларига мос ҳолда маҳсус лойиҳа тайёрланиб, ушбу лойиҳа маҳсус комиссия томонидан атрофича муҳокама этилган бўлса-да, бу масала 1877 йилдагина ҳал бўлган. Россия империясида шаҳарга оид иккита низом (1870, 1892 йй.) қабул қилинган бўлиб улар Туркистон ўлкасининг Тошкент ва Верний (Алмати) шаҳарларининг фақат руслар яшайдиган «янги» қисмларида қўлланилиб, бошқа шаҳарларга жорий этилмаган.

**Элчилар** – турли даврдарда давлатлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатлар ўрнатилишида давлат бошлиқларининг ишончли вакиллари. Элчилар давлат бошлиғи номидан музокоралар олиб борганлар. Юборилаётган давлат манфаатлари нуқтаи назаридан элчилар ўз вазифаларидан ташқари жосуслик вазифасини ҳам бажарганлар. Россиянинг Ўрта Осиё хонликларига элчилари XVI асрнинг ўрталаридан бошлаб ташриф буюра бошлаган бўлса, XVIII аср давомида хонликларга 9та элчи келган. Бекович Черкасский, Ф.Беневени, Хўжа Нафас, Эрназар Мақсуд ўғли, Никифоров, Н.Игнатьев кабилар кейинги даврларда фаолият юритганлар.

### **Атамалар изохи**

Аворизот – фавқулоддаги харажатлар учун тўпланадиган йифим.

Авқоф – масжид ва мадрасаларнинг вақф хўжалиги билан шуғулланувчи.

Ажам – араб ҳалқлари ва мамлакатларидан ўзга юрт ва ҳалқлар.

АЗархурра – оташпарамастлар сиғинадиган мукаддас олов, ўт.

Айл – Амир Темур асқарий қисмларининг ўн нафарли бўлинмаси.

Айлбоши - ўн нафарли аскарий бўлинманинг кичик зобити, аскарбоши.

Аккор – коранда, қишлоқнинг зироаткор аҳолиси.

Амид ул-мулк – давлат ҳужжатлари ва элчилик алоқалари вазири.

Амир ул-умаро – амирлар амири, бош саркарда.

Анимизм – рух ва жонга ишониш; ота – боболар руҳига сиғиниш.

Ариз – Кўшин таъминоти билан шуғулланувчи вазир.

Арк – ички қалъа, ҳукмдорнинг шаҳар ичидағи қўргон – саройи, қароргохи.

Аркбеги – подшо қароргоҳининг бошқарувчиси.

Атрабон – оташпарамастлик ибодатхонасининг руҳонийси, оташгоҳ хизматчиси.

Ахриман – зардуштийлик динининг зулмат, очлик, уруш, ўлим, гуноҳ ва барча ёвузликлар худоси.

Ахурамазда - зардуштийлик динининг бош тангриси, ёруғлик, фаровонлик, сиҳат – саломатлик, тинчлик ва барча эзгуликлар худоси.

Банд – Тошлардан бино қилинган сув омборининг тўғони; сув омбори; тўғон.

Банно – ғишт терувчи бинокор.

Бантак – қул.

Барзикор – қўшчи, зироаткор, қишлоқнинг меҳнаткаш аҳолиси.

Барид – кирим.

Барот - ижарага олиш.

Бек – эл-юрт, вилоят ҳокими.

Бегор – жамоат ишларига сафарбар этиш; ҳашар.

Бий – уруғ, қабила оқсоқоли.

Бож – савдогарлардан олинадиган солиқ.

Боргоҳ – подшоҳ саройидаги қаср, қабулхона.

Босқоқ – муғуллар ҳокимлик қилган XIII-XIV асрлардаги маҳаллий ҳоким.

Буронгор – қўшиннинг ўнг қаноти.

Бурж – шаҳар ва қалъа деворлари ва миноралари.

Бурғу – карнай.

Бўдун – чорвадор аҳоли; қора бўдун – қора, оддий халқ.

Вазир – девонхона бошлиғи.

Вазкиром – солиқ йиғувчи, молия ходими.

Вағн – ибодатхона.

Вағнпат – ибодатхона руҳонийси.

Вағнзе – ибодатхона ер ва мулклари.

Висоқбоши – тўрт нафарли аскарий гуруҳ бошлиғи; чодир бошлиғи.

Дапирпат – котиб, элчи, саркотиб.

Дебо – товланувчи нафис ипак мато.

Девон – вазирлар маҳкамаси.

Девонбеги – вазирлар маҳкамасининг бош маъмури.

Деҳнишин – ўтроқ, қишлоқ аҳолиси.

Деҳқон – илк ўрта асрларда “қишлоқ ҳокими”, ер эгаси.

Дигир – чархпалак ва чиғирларга ариқдан ёки чиғир хандакдан сув ботиргич кўза.

Динор – бир мисқол (4,8гр) оғирликда зарб этилган олтин ёки кумуш танга.

Довул – катта ноғора.

Доруга – ҳарбий маъмур.

Доруғона – доруғалар фойдасига олинадиган тўлов(солик).

Дуданг – ҳосилнинг олтидан икки ҳисобида олинадиган дехқончилик солиги.

Дўлоб – чархпалак; қудуқдан сув чиқарадиган чарх.

Ём – жом, савдо йўлларидағи қўнок.

Жизъя- ислом динига ўтмаганлардан олинадиган жонбоши солиги.

Жомеъ – масжид – жума кунлари жамоат номози ўқиладиган катта масжид.

Жория – чўри.

Жувонғор – қўшинининг сўл қаноти.

Жуйбон – сув тақсимловчи мироб.

Зобитона – киримни ҳисобловчи молия ходими учун олинадиган тўлов (солик).

Закот – чорвадан олинадиган солик; тўпланган бойликдан даромад солиги.

Зарбхона – чақа ва тангалар зарб этиладиган устахона.

Изофа – заҳира қисм.

Илми аruz – поэтика.

Илми ҳайъат – астрономия.

Иҳшид – илк ўрта аср вилоят ҳокими, хон ёки амир авлодлари.

Иқтоъ, иқтаъ – йирик мансабдорга ҳадя этилган ер ва мулк.

Кадивар – илк ўрта асрларда йирик ер эгаларига қарам бўлган зироаткор қишлоқ аҳолиси; чорикор.

Кай ёки кави – паҳлавон, ботир йўлбошчи (хукмдор).

Калавачи – ип йигирувчи.

Калон – XIII асрдаги ер солиги.

Канбул – қўриқчи аскарий бўлима.

Карбос – бўз; пахта ипидан тўқилган мато.

Кашоварз – илк ўрта асрлардаги озод қўшчи, зироаткор.

Каҳҳол – кўз табиби.

Кешик - XIII асрда муғуллар қўшинидаги заҳира қисм; гвардия, гурӯҳ.

Кибор – аслзода улуғ кишилар.

Кориз – ер ости сув иншооти.

Корикор – хизматкор.

Кофия – араб тили морфологияси.

Кошин – сирли, рангдор, қурилишдаги сопол безак.

Коҳ – сарой, ички қалъа, арк, ўрда.

Коҳин – ибодатхона хизматчиси.

Коропластика – маъбудаларнинг сопол ҳайкалчалари.

Куҳандиз – ҳукумдор қароргоҳи, акропол, пойтахт.

Кӯрагон – хон күёви.

Кўшқ – истеҳкомли баланд қўргон.

Лабиринт – танбур, далон, дарвоза олди истеҳкоми (адаштирувчи йўлак).

Лавҳ – ёзув тахтаси, ёзув курсичаси, ёки курси.

Лак – юз минг.

Лаҳм – ер ости йўли.

Лойқоқ – сел лойқалари қопланган майдон.

Мадраса – олий диний имгоҳ.

Мажус – оташпараст.

Мажусий – оташпарастлик диндори.

Манглай – илғор гуруҳ.

Меш – сув ёки қимиз олиб юрадиган тери халта ёки тўрва, саноч.

Мирихазора – минглик ҳарбий бўлинманинг амири (сардори).

Мироб – сув хўжалиги бошқарувчиси.

Миробона – сув солиги.

Миррих – Зардўштийлардаги уруш, жанг ва ғалаба тангриси.

Мои сардараҳт – боғ ва дарахтзорлардан олинадиган солик.

Музорий – қўшчи, зироаткор, экин экувчи.

Мулк - хусусий ер.

Мулки вақф – мадраса ва масжидлар тасарруфидаги ер-мулк, хайрли ишлар учун ажратилган мол – мулк.

Мулки девоний – давлат ерлари.

Мамлакаи хос – давлат мулклари.

Мусаллас – узум ёки майиздан тайёрланган шириң шароб, май, хаома.

Мустафий – марказий ҳокимят девонхонаси дафтардор ҳисобчиси; молия вазири.

Мухассилона – солиқ йигувчилар учун тўлов.

Муҳркаш – чит ва матоларга гул босувчи.

Мухтасиб – тош – тарозу, нарх – наво ва мафкура назоратчиси.

Мушриф – сарой иш бошқарувчиси.

Муқтоъ ёки иқтадор – иқтоъ ер ва мулкларига эга бўлган ер эгаси.

Муҳораба (маҳораба) – жанг, уруш, ҳарбий тўқнашув.

Муҳрдор – девонхонанинг муҳр сақловчиси; муҳр босувчи, муҳр соҳиби.

Наус – оташпарастлар хилхонаси, остадонлар сақланадиган мозор-қўргон.

Наф – шаҳар ва қишлоқ аҳолиси.

Нафтандоз – нефтли ва пиликли қўзачаларни иргитадиган палаҳмон, ҳарбий мослама.

Намозгоҳ – ийд ибодатлари ўқиладиган масжид; ийдгоҳ.

Нова (нов) – сув ташлағич тарнов; сув ташлағич.

Ноҳид – Зардўштийлардаги ҳосилдорлик ва фаровонлик маъбудаси.

Остадон (оссуарий) – сопол тобутча.

Оташгоҳ – муқаддас ўчоқ; ўтхона, оловхона.

Оҳангар – темирчи.

Пайза – Муғуллар даврида имтиёзли шахсларга бериладиган ёрлик.

Пайкон – камон ўқи ёки найзанинг тош, суюк ёки металли учи.

Палаҳмон – тошотар; ҳарбий қурол.

Пандус – кўтарма йўл.

Парчин – сирланган ранг–баранг ғишт парчалари.

Пойкор – кичик мироб; қишлоқ мироби.

Рабод – ташқи шаҳар, карвонсарой.

Раис – шаҳар ҳокими.

Раъдандоз – ўт отғич; ҳарбий қурол.

Риёзиёт – математика.

Савқулжайш – стратегия.

Садоқ – ўқдон.

Садоқхона – камон ва ўқдонлар омбори.

Сардоба (обдон) – пишиқ ғиштдан қурилган гумбазли ҳовуз; сувхона.

Саришумор – жонбош солиғи.

Саррожлик – эгар ва жабдуқ ясовчи устахона.

Сатрап – вилоят ноиби (аҳамонийлар ва антик давр).

Сатрапия – маъмурий бўлим, вилоят (аҳамонийлар ва антик давр).

Стратег – мудофаа ва қўшин вазири (антик давр).

Сахронишин – сахройи, түякаш.

Соҳибқирон – кунчиқишиш ва кунботиш эгаси, жаҳон эгаси, жаҳонгир, адолат сохиби.

Соҳиби жамоа – ҳосил микдорини белгиловчи маъмур учун йифиладиган тўлов.

Соҳиби муаййид – мактубот ва аҳборот вазири.

Соҳиби шурот – ҳарбий вазир.

Суворий – отлик аскар.

Суюргол – олий табақа зодагонларига инъом қилинган ер-мулк.

Таважжуҳоти хорижий – фавқулоддаги харажатлар солиғи.

Тамға – савдо божи; савдогарлардан олинадиган солиқ.

Таноб – 200-250 кв м ҳажмдаги ер майдони.

Тарбият ул-жайш – ҳарбий тактика.

Тиркаш – камондан ўқ ўзадиган нишон туйнуги.

Тотем – уруғ ёки қабила жамоалари сифинадиган ҳайвон, ўсимлик ёки жисм.

Тотемизм – тотемларга сифиниш.

Тоқ ёки Тим – усти ёпиқ бозор ва ҳунармандчилик растаси.

Тудун – турк ҳоқонлигининг вилоят ҳокимликларидағи вакили, вилоят ҳокими.

Туман – ўн минглик ҳарбий қисм.

Туман оғаси – ўн минглик аскарий қисм амири, қўмондон.

Туғро – давлат нишонаси, рамзи, герб.

Устурлоб – астрономия асбоби.

Ушр – ҳосилдан 10% ҳисобида олинадиган дехқончилик солиги.

Фармондор – бошқарувчи.

Фарна – Зардўштийлардаги баҳт ва толе худоси.

Фулус – майда мис чақа.

Хабаргир – хабарчи, айғоқчи, кузатувчи.

Хазора – минглик аскарий бўлинма.

Хандақ – мудофаа иншооти, зовур.

Харажу мараж – бошбошдоқлик, ўзбошимчалик, бебошлик.

Хатиб – дин пешвоси.

Хаттот – китоб ва рисолалар қўчирувчи котиб.

Хвабу – вилоят ҳокими, йирик ер эгаси.

Хватов – ҳоким.

Хирож – ҳосилнинг 25-33% ҳисобида олинадиган қишлоқ хўжалик солиги; XV асрда бу солик “мол” деб юритилган.

Хонашумор – ҳар хонадондан олинадиган жонбоши солиги.

Хонақоҳ – ғарибхона, мусофиরхона.

Хонбанди (конбанди) – сув омбори, катта ҳовуз.

Хоқон ёки қоғон – хукумдор, подшо.

Хубби – Зардўштийлардаги сув худоси, сув маъбудаси.

Хушун – юз нафарлик ҳарбий бўлинма.

Хушунбоши – юзлик бўлинма зобити;

Чилангар – темирчи.

Чилангарлик – темирчилик.

Чигир – туя ёки хўқиз қўшиб айлантириладиган сув кўтаргич иншоот.

Чокар – ҳарбий дружина, кўнгиллилар тўдаси.

Чокардиза – чокарлар қалъаси, тураг жойи.

Чорикор – ҳосилдан 25% олиш ҳисобига ишловчи ёлланма қўшчи зироаткор.

Чоҳпар – ўра.

Шайхулисом – дин ва илм пешвоси.

Шахристон – ички шаҳар.

Шод – ўн минглик лашкар бошлиғи.

Шулен – XIII асрда олинган озиқ-овқат солиғи.

Элоқ – кичик юрт, кичик мулк.

Этногенез – халқ ва элатларнинг келиб чиқиши.

Ябгу ёки жабгу – эл-юрт ҳокими, маҳаллий ҳоким.

Ясовул – соқчи.

Ясоклар – Чингизхон жорий этган қонун-қоидалар тўплами.

Ўлпон – ер солиғи.

Ўрдugoҳ – қўшин лагери тўхтайдиган қўноқ; подшо қароргоҳи.

Ўтлоқ ва сувлоқ – яйловлардан олинадиган солик.

Қабо – устки кийим, ёпинчиқ.

Қайр – дарё, анҳор ёки шоҳариқ бўйларидағи табиий намли ерлар.

Қам – шаман, қўқ тангрига сигинувчилар эътиқоди.

Қаср – сарой, олий ва ҳашаматли бино.

Қопчур – муғуллар даврида чорвадан олинадиган солик.

Қорахон – буюк хоқон.

Қутвол – давлат қурилиши бошлиғи, саркори, қалъа ва қўргон соқчиси, қароргоҳ назоратчиси.

Қўрғон, қўрғонча – атрофи баланд пахса девор билан ўралган дарвозали истеҳком.

Қўш – бир жуфт хўқиз билан ҳайдаладиган ер майдони.

Ғози – дин ҳомийси, дин йўлида курашувчи.

Ғозий – ғолиб.

Ғувокор – савдогар (илк ўрта асрлар)

Ғул – мунтазам қўшин.

Ҳайлбоши – суворийлар амири, ўнлик амири.

Ҳожиб – ҳарбий бошлиқ.

Ҳожиб ул-бузрук – қўмондон

Ҳожиб ул-хужоб – бош қўмондон.